

МИР  
ДІНЧЛИК

R 496  
ГУЛИСТОН

6  
1985

Экз  
№6





# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ



1985 йил 23 апрель кунин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Пленумда «КПССнинг навбатдаги XVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Шу масала юзасидан музокараларда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Қозогистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, КПСС

Ленинград область комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков, В. И. Ленин номидаги «Минск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг асбоб-соз слесари Е. И. Клименко, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно, КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари А. П. Филатов, СССР қишлоқ хўжалиги министри В. К. Мясц, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари А. В. Власов, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев, станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри Б. В. Бальмонт ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум М. С. Горбачевнинг доклади юзасидан қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пле-

нуми ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Марказий Комитет Пленуми В. М. Чебриковни Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатликдан Сиёсий бюро аъзолигига ўтказди, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Е. К. Лигачев ва Н. И. Рижковни Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзолари қилиб сайлади.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР мудофаа министри С. Л. Соколовни Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси В. П. Никоновни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

\* \* \*

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладыни тинглаб ва муҳокама қилиб, Пленум КПССнинг навбатдаги XXVII съездини 1986 йил 25 февралда чақиришга қарор қилди.

Съезднинг кун тартиби тасдиқланди:

1) КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи ва партиянинг вазифалари — докладчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

2) КПСС Марказий ревизия комиссиясининг Ҳисоботи — докладчи КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов.

3) Янги тахрирдаги КПСС Программаси тўғрисида.

4) КПСС Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ҳақида.

5) СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида — докладчи

СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов.

6) Партиянинг марказий органларини сайлаш.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Пленумда қилган докладада мамлакатимизнинг муваффақиятлари кўрсатилган, камчилик ва нуқсонлар очиб ташланган, уларни бартараф этиш йўллари ва воситалари белгиланган, бугунги ва истиқболдаги вазифалар ўртага қўйилган.

Съездгача 8 ойча вақт қолди. Бу давр сиёсий, иқтисодий, ташкилий, гоий-назарий соҳаларда қизгин ва атрофлича ишлаш даври бўлади. Бу иш вужудга келган вазиятни чуқур идрок этишни, дадил қарорлар қабул этиш ва зўр ғайрат билан ҳаракат қилишни талаб этади.

Апрель Пленуми партия XXVI съезди билан Марказий Комитетининг Пленумларида ишлаб чиқилган стратегик йўлнинг давомийлигини яна бир бор тасдиқлади.

# БУНЁДКОРЛИК РУҲИ

Мамлакатимизда шонли Коммунистик партиянинг навбатдаги XXVII съездига кизгин тайёргарлик давом этмоқда. Совет Ватанимизнинг янада бадавлат ва қудратли бўлиши учун, социализмнинг бунёдкорлик кучлари янада тўлиқроқ намоён бўлиши ва равиқ топиши учун КПСС Марказий Комитети теварагига жипслашган совет кишилари улуг Ленин ишига садоқат намунасини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам барча совет кишилари каби партиямиз Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленуми қарорларини ўз хаётларига дастуриламал қилиб олдилар. Меҳнат коллективларида пленум ҳужжатлари диққат-этибор билан ўрганилмоқда.

Съездгача саккиз ой вақт қолди. Бу давр сиёсий, иқтисодий, ташкилий, гоёвий-назарий соҳаларда кизгин ва атрофда ишлаш даври бўлади. Бу вазифа вужудга келган вазиятни чуқур идрок этишни, бунёдкорлик руҳи билан ишлашни, меҳнатда янги-янги ташаббуслар кўрсатишни тақозо этади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Апрель пленумида «КПССнинг навбатдаги XXVII съездини қақририш, унга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида» килган докладыда мамлакатимиз эришган муваффақиятлар кўрсатиб берилди, камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди, уларни бартаф этиш йўллари айтилди, ҳозирги ва истиқболдаги вазифалар ўртага ташланди.

Партия XXVI съезди билан Марказий Комитетининг кейинги пленумларида ишлаб чиқилган стратегик йўлнинг давомийлигини Апрель пленуми яна бир бор тасдиқлади. «Ленинчасига тушунилганда давомийлик муттасил олға ҳаракат қилишни, янги проблемаларни аниқлаб, ҳал этишни, ривожланишга ҳалақит бераётган нарсаларнинг ҳаммасини бартаф қилишни билдиради, — деб таъкидланди докладыда. — Биз шу ленинча анъанага оришмай амаж қилишимиз, биз партия сиёсатимизни, ривожланган социализмни такомиллаштиришдан иборат бош йўлимизни бойитиб, ривожлантира боришимиз керак».

Совет кишилариининг гурурига гурур қўшадиған, уларнинг ифтихор туйғусини жуш урдирадиган жиҳатлар ниҳоятда кўп. Социалистик тузумнинг афзалликларига таянган ҳолда бизнинг халқимиз ниҳоятда қисқа тарихий давр ичиде иқтисодий ва социал тараққиёт йўллариносиб ўтди. Ривожланишнинг кўпгина йўналишганда бўйича Совет Иттифоқи ҳозирги кунда жаҳонда етакчи мавқееларни эгаллаб турибди.

Лекин ҳаёт ривожланишда муттасил давом этаверади. Партиямиз совет кишилариини ҳақиқат кўзига тик боқишга, турмушимизда содир бўлаётган салбий тенденцияларни тез илғаб, унга зудлик билан барҳам беришга даъват этаётир. Табиий ва бир қанча ташқи омиллар маълум камчиликларнинг юзага чиқшига сабаб бўлди. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитлардаги ўзгаришларга, уна интенсивланиш жадаллаштириш зарурлигига, хўжалик юритиш методларидаги ўзгаришларга ўз вақтида тегишли тарзда баҳо берилмаганлиги ва, энг муҳими, иқтисодий соҳаларда йирик тадбирларни ишлаб чиқиб, амалда оширишда қатъият кўрсатилмаганлиги бун-

дай камчиликларга асосий сабаб бўлди. Мамлакатнинг тарихий тақдири ҳозирги дунёда социализмнинг позициялари бундан бўён иш қандай олиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини партиямиз рўй-рост эътироф этаётир. Фан-техника ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиб, социалистик хўжалик юритиш формаларини ҳозирги шароитлар ва талаб-эҳтиёжларга мувофиқлаштириб, социал-иқтисодий тараққиётни анча жадаллаштиришга эришиш лозим.

Ҳаётий позицияда одамларимизнинг фалоллиги ва турмушда ҳалол-поклиги, топширилган ҳар бир иш участкасида меҳнатга нисбатан виждоний муносабат, уюққоқлик ва интизом гоёт катта ташкилий-иқтисодий ва социал резервлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча корхона, қурилиш ва ташкилотларда тегишли тартиб ўрнатилган тақдирдагина оқилона хўжалик юритиш ва экономика самарадорлигини ўстириш учун имконият юзага келади.

Партиямиз фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш вазифасини халқ хўжалигини интенсивланишнинг бош воситаси деб билмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бутун чоралар билан ошириш, ҳозирги замон талабларига зид бўлган қоғозбозликка барҳам бериш, корхоналарнинг ҳуқуқларини ва уларнинг мустақиллигини кенгайтириш, хўжалик ҳисобини жорий этиш ва шу асосда меҳнат коллективларининг масъулиятини ҳамда ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлигини ошириш зарурлиги партиямиз олдинга сурган стратегик вазифанинг конкрет кўринишларидандир. Бу вазифаларни изчил амалда ошириш халқимиз фаровонлигини тўксирок таъминлашга, моддий-маънавий неъматларни кўпайтириш ва тақсимлашда социал адолатни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маъний хизмат соҳасини ривожлантиришга партиямиз алоҳида эътибор бераётир. Шу молларнинг сифатини яхшилаш ва хилини кўпайтириш, савдо-сотик тармоқларида уларнинг мўл-кўл бўлишини таъминлаш учун самарали чора-тадбирлар белгиламоқда.

Совет кишилариининг ташаббускорлиги, иждоқорлиги, ақл-заковати, истеъдоди, кучгайрати ва шижоатига таянибгина замон олдинга сурётган улугвор вазифаларни ҳал этиш мумкин. Мамлакат бўйлаб кенг таралган умумхалқ ҳаракатининг бошида, ҳар қачонгидай, коммунистлар бораётир. Коммунистларнинг фидойилиги, ички резервларини қидириб топшишда жонбозлиги, социалистик мусобақани авж олдиришдаги авангардлик роли ҳар қачонгидан кўра фаолроқ намоён бўлаётир. Съездга тайёргарлик кўриш муносабати билан бўлажак ҳисобот ва сайловлар улугвор вазифаларни ҳал этиш йўл-йўриқларини аниқ белгилашга қаратилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ижодий меҳнат, сўз ва иш бирлиги, ташаббус ва масъулият, ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанлик ҳар бир совет кишини учун давримизнинг бош шioriга айланиши лозимлиги Апрель пленумида алоҳида таъкидланди. Сиёсий-тарбиявий, идеология ишлари давримизнинг асосий вазифаси — мамлакатнинг социал-иқтисо-

дий тараққиётини тезлаштириш вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин бу соҳада ҳам гап камроқ, иш кўпроқ бўлиши талаб этилмоқда. Расмийчилик ва насиҳатгўйлик бу борада ҳамон умумий ишимизга панд бериб қўяётганлиги сир эмас. Пленум материалларида таъкидланишича, оммавий ахборот воситалари партиямиз кўлидаги қудратли идеологик қуроллардандир. Матбуот, телевидение, радио материалларининг маъмулан теранлиги, оперативлиги, ахборотга бойлиги ва таъсирчанлиги ҳар қачонгидан кўра кучайтирилиши муҳимдир. Совет кишилариини гоёвий ва маънавий жиҳатдан камолотга етиштиришда адабиёт ва санъатнинг ўрни ва роли ҳам беқеъсидир.

КПСС Марказий Комитетининг Апрель пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI — XX пленумлари қарорларидан руҳланган республикамиз меҳнаткашлари ҳам шонли КПССнинг XXVII съездини ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида муносиб муваффақиятлар билан кутиб олиш учун астойдил интиломоқдалар. Ҳаётимизда рўй берган салбий ҳодисаларни тағ-томири билан тугатиш, социалистик турмуш тарзини чинакамга қарор топтириш, хамиша, ҳар қачон фаол ҳаётий позицияда туриш кишилариининг маънавий-ахлоқий фазилатларига айланаб бораётир. Улар Коммунистик партия ва қардош халқлар олдидаги интернационал бурчларини ҳалол ва виждонан бажариш учун ўз зиммаларига олган катта вазифаларни рўёбга чиқариш йўлида бунёдкорлик ишлари билан машғулдирлар, ҳа шу руҳ билан яшамокдалар, ана шу руҳ билан келажак сари коммул ишонч билан бормоқдалар. Зотан, партия билан халқнинг метиндай жипслиги, Ватанимиз қудратни ва шон-шухратини таъминлашга қаратилган фидокорона меҳнат Ер юзиде барқарор тинчликни қарор топтириш йўлида буюк ҳисса эканлигини улар яхши биладилар.

Герман фашизми устидан қозонилган Ғалабанинг шонли 40 йиллигини буюк тантана билан нишонлаган халқимиз урушнинг азобини, тинчликнинг қадрини жуда яхши тушунади. Тинчлик йўлида у партия етакчилигида барча куч ва имкониятларини сафарбар этаверади.

Халқимиз шу кунларда яна бир ажойиб тарихий санани — мамлакатимизда стахановчилик ҳаракати бошланганлигининг 50 йиллигини кенг нишонламоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракати — урушни талнатилаган, тинчликни муқаддас деб билган халқимизнинг мақсадлари улугворлигининг ифодасидир. Имперализм ана шу бунёдкорлик руҳига тақдид солиб, уруш оловий сочганида ҳам халқимизни голиб чикди. Эндликда у ўзининг яратувчилик қудратини янада улугворлик билан намоён этаётир. Зеро, ўзининг доно йўлбошчиси — ленинчи Коммунистик партия етакчилигидаги халқимизни бунёдкорлик ишларидан, коммунистик жамият қуришдек буюк мақсадлардан чалғитишга ёҳуд йўлдан тойдиршга интилган ҳар қандай куч пировард натижада мағлуб бўлишга мақкумдир. Шонли партиямизнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб нишонлаш учун астойдил куч-ғайрат билан меҳнат қилаётган халқимиз яратини ва бунёдкорликнинг барча соҳаларида қўзланган эзгу мақсадлар сари дадил оидимлятир.

**Қ**АРШИ чўлидаги «Ўзбекистон» Давлат наслчилик заводи 1957 йилда қорақўлчиликка ихтисослаштирилганида унинг ихтиёрида атиги 28 минг бош қорақўл қўйлари бор эди. Энди эса улар 90 минг бошга етган. Заварда, Қултоғ, Илонли, Қорабулок, Уртабулок каби серўт яйловларда заводининг юзлаб ўтарларини учратиш мумкин.

Баҳористон районидagi «Ўзбекистон» Давлат наслчилик заводининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нурмамат Рустамов ўз меҳнат фаолиятини чўпонликдан бошлаган кишилардан. Нурмамат ака йўл бошлади. Сухбат давомида ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили план-топшириқларининг бажарилиши ҳақида ҳикоя қилди. Ҳисоб-китоблар якунига кўра, хўжаликда ҳар юз бош совлиқдан ўртача 130 тадан қўзи, умуман хўжалик бўйича 30 минг қорақўл тери, 650 тоннадан ортиқ гўшт, 190 тоннага яқин жун етиштирилиб, ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили планичи ортиги билан бажаришган.

— Наслчилик заводининг довуғи оламга кетган, — дейди Нурмамат Рустамов. — Бу ерда етиштирилган зотдор қўйларга европалик, ҳиндистонлик, хатто америкалик чорвадорлар ҳам ишчибоз. Заводнинг «Қаламгули» навли қорақўл терисининг довуғи жаҳон бозорида ҳам эътиборли. Хўжаликда етиштирилаган қорақўл терилар сифати жиҳатидан Иттифоқда биринчи ўринга чиқди. Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида «Ўзбекистон» Давлат наслчилик заводи учун алоҳида бурчак ажратилган. Хўжалик чорвадорлари ўз меҳнат

Ҳақим Сафаров етакчилиги қилаётган ферма гаўжум. Бу ерда ўтарлардан хил-хиллаб ажратиб олинган қўзилар — насл учун қолдирилган зотдор қўзилар боқилар экан. Бир ёнда қўзилардан олинган ширдорга ишлов берилаяпти. Ширдор — қўзичоқнинг ошқозони бўлиб, озик-овқат саноатида пишлоқ ишлаб чиқариш учун «хамиртуриш» ўрнида ишлатилади. Завод қўйчўпонлари ҳар йили 15 минг дона ширдор етказиб бермоқдалар.

Ферма мудирини Ҳақим Сафаров шулар ҳақида гапирди.

— Мана, бугун жунини ҳам қирқиб бўлдиқ, — деди у. — Утарларимиз яйловда. Наслдор қўзиларни танладик. Эндиги навбат парваришига.

Ҳар юз бош қўйдан 135 тилаётган кўла 16 минг қўйимиз бор. Ҳаммаси наслдор.

Ҳақим ака йўл бошлади. Сурувдан дурқун қўзилар ажралиб, югуртилаб қўранинг панасига ўтишади. Мудир бир қўзичоқни ушлаб олади.

— Буни қаранг, терисига қаранг: «Қаламгули» дегани ана шундай бўлади. Гулдорлигини айтмайсизми. Насиб бўлса, жонивор ўзидан кўпаяди.

Қўзичоқ қўлдан кўлга ўтади. У майдагул терили қўзи бўлиб, пешонасидан тортиб, ношиқ туёғига қадар тери гуллари тангадор, тиниқ жингалакли эди...

Ҳақим ака қўзини қўйиб юбориб, гапга тушиб кетди. У узоқ йиллардан бери ферма мудирини бўлиб ишлайди. Қорақўлчиликда бой тажриба орттирган, орденли чорвадорлардан.

— Қорақўл қўзилардан ранго-ранг терилар олинади: қора, кўк, жигар ранг, пушти

Ешларни «отанг яхши, онанг яхши» қилиб, базўр чўпонликка қўндирагимиз. Ваҳоланки, Махтумқули номли ўрта мактабда ва завод хузурида ёш чўпонлар ўқишини ташкил қилиш мумкин. Болаларимиз етти ёшданоқ қўйнинг изидан тушади. Фақат уларга чўпон меҳнатининг шарафини аста-секин тушунтириб, касбга меҳрини уйғотиш керак. Меҳнат одамини улуглайди. Мана, масалан, чўпонларимиздан бири — Тўймурод Нуровни олинг. Партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатини қадрлаб, кўксига Ҳурмат Белгиси ва учинчи даражали Меҳнат Шухрати орденларини тақди. Унга Республикада хизмат кўрсатган чорвадор унвони берилди. Ийгилиларда эса Тўймурод хайъатдагилик сафида ўтиради. Нимаси ёмон?! Меҳнат қилган — элда азиз деб шунга айтадилар-да! Уларнинг тажрибаларини ўрганиш зарур...

Хўжаликнинг энг узоқ ўтарига бориш учун элик-олтинми қақирим йўл босилади. Тўймурод Нуровнинг ўтари эса унча олисда эмас. Шоим яйловида ёйилиб юрган экан. Уртабулоққа етмасдан, ўнга бурилиб, ярим қақирим йўл юрганимиздан кейин ўтар кўринди.

Тўймурод Нуров Қарши чўлини бошдан-оёқ пиёда кезиб чиққан. Чўлни таёқлаб ўлчаган: ҳар бир қарич ер, чўл-адирлардаги ҳар бир гиёҳ унга таниш. Юз хил гиёҳнинг номини ёд билади. Ҳар йили заводнинг бир ўтар қўйига икки ўтар қўй қўшиб келяпти.

Ўтар изидан юрган йигит билан танишиди. Эгамберди Таниқулов — Тўймурод аканинг чўлиги экан.

— У киши хозир келиб қоладилар, мусобақадошимиз — қўшни ўтардан хабар олай деб чиқувдилар, — деди чўлик.

# ОЛТИН МЎЙНА

## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ваффақиятларини ҳар йили кўргазмада намойиш этадилар.

Ун иккинчи беш йилликда ҳам ўтарлар сони анча кўпаяди. Қўйлар сони 100 минг бошдан ошади. Давлатга сифатли ҳамда ранго-ранг қорақўл терилар, мўл-кўл гўшт ва жун етказиб берилади. Асосан, наслчилик иши, қўйлар зоти янада яхшиланади. Эндиликда қорақўли қўйларнинг янги типини яратилган...

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг махсус кафолатли ихтирочилик ташкилоти томонидан берилган 2038 номерли авторлик гувохномасида қорақўли қўйларнинг янги зотини яратган етти нафар авторнинг номи қайд этилган. Улар — Нурмамат Рустамов, Бутуниттифоқ Қорақўлчилик илмий текшириш институтининг катта илмий ходими — Сурен Будагов, марҳум ферма мудирини Жаббон Худойбердиев, марҳум чўпон Оғаниёз Жумагулов, чўпон Холдон Нуров ва осемнатор-бонитёр Мавлон Расулов. Янги наслдаги қўйларни яратиш иши қарийб ўн беш йил давомида олиб борилди.

— Бу қўйлар бақувват, — дея суҳбатга қўшилиди зоотехник Ҳабибулла Раҳимов, — териси нафис, жунини сифатли ва мўл, чўл зоналарида боқишга мослаштирилган. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам чиқими кам бўлади. Ҳозир заводимиздаги қўйларнинг ярми ана шу наслдан. Тажрибали чўпонлар ҳам: «Қўймисан, қўй-да», деб мақташади уни.

Вақт пешинга бормай, чўлда эрталаб ёққан ёмғирнинг бир қатраси ҳам қолмади. Офтоб бепоён даштни ўз забтига олган. Машина изидан қуюқ чанг кўтарилди. Учиб юрган тўғизак ва турли-туман кўнгишлар кабина ойнасига урилади.

ранг (гулигаз ҳам дейишади), ҳалилий, тилла сур, қумуш сур, оқ рангли қорақўл, гули сур... Биз териларни, асосан «Жакет» ва «Қаламгули» (қора рангли қорақўли тери) навларига топширишга ҳаракат қилаёғимиз. Бу нав териларнинг қадр баланд. Илгари қўйчилик ўтарларимиз классларга ажратилиб, махсус тузилмаган эди. Шунинг учун ҳам етиштирган териларимизда оқ ва ола ранглар учради. Яъни терининг сифати нисбатан паст бўларди. Эндиликда бунга барҳам бердик. Ҳозир фақат юқори навли тери топшираёғимиз. Қорақўлчиликда бир нарсга диққатга сазовор: терилардаги мўйлар ва зулфларнинг узунлиги эмас, балки серқўнғирроқлиги уларнинг қимматини ҳам, сифатини ҳам оширади. Биз ана шу мақсадда ишлаёғимиз, майдагул терили қўзиларни кўпайтираёғимиз. Бундай териларнинг жингалактери энига 4,5 миллиметрдан ошмаслиги керак.

— Хуллас, қорақўлчиларнинг меҳнати заргарлик машаққати билан тенг экан-да.

— Машаққатга-ку кўникиб қолганмиз. Ҳозир бошқачароқ қийинчиликлар туғилаётди... Қарши чўли ўзлаштирилгани сайин яйловларимиз тораёйиб бормоқда. Бу ҳеч кимга сир эмас. Яна ўн йилдан сўнг қолган адир ва қумликларда қанча ҳам қўй боқиб бўларди? Қўйлар туёқ сони кескин камайиб кетиши мумкин. Бунинг учун нима қилиш керак? Албатта, марказлаштирилган омухта эм ишлаб чиқариш базалари барпо этиш керак бўлади... Яна бир қийинчилигимиз бор. Бу шу кунги масала. Анча йиллар аввал матбуотда «Чўпон таёғи ерда қолмайди» деган чиқишлар бўлган эди. Негадир, шу гапга эътибор бўшашиб қолганмиз. Ҳозирда чўпон-чўлиқларга муҳтож бўлиб қолаёғимиз.

Кўп ўтмай уфқ томонда қора нуқта пайдо бўлди. Бу — мотоцикл минган Тўймурод ака эди.

Хўжаликнинг донгдор бош чўпони билан ўтарни айланамиз. Тўймурод Нуров шундай мароқ билан сўзлайдики, бутун вужудидан ўз касбига сидқидилдан берилганиги сезилиб туради. У ўтаридаги ҳар бир қўй ҳақида соатлаб мароқ билан гапира олади. Зотли қўйларнинг бошқалар сезмаган хусусиятларидан сўзлайди.

Бу хўжаликда Тўймурод Нуровдай мохир чўпонлар кўпи. Ленин орденли чўпонлар — Исмоил Рамазонов, Чўлмурод Барноев, Октябр Революцияси ордени нишондори Темир Сулонов, Республикада хизмат кўрсатган чорвадор Соиб Авазов, Меҳнат Қизил Байроқ ордени чўпонлар Фармон Чўлиев, Эгамберди Оллобердиев, Файзи Нёёзов ҳам ўз меҳнатлари билан эл-юртга танилганлар.

...Кўёш қизариб, оҳиста ботди. Ўтарларнинг боши сувлатга бурилди.

...Тун илик. Қўл чўзса етгудек баландликда тўлини ой ёғдуланади. Шаббода эсади. Унинг ипак тўлқини оҳиста юзингизга урилади.

Ҳаёлимда шабада қанотига олис карвонларнинг кўнғироқ садолари келгандай, сувсизлик салтанатининг жазирама нафаси уфурдандай бўлади. Нилий осмонга тикилман. Юлдузлар... Чўпон ўтари дашт узра ёйилгандай, милдир-милдир юлдузлар само саҳнига ёйилган. Шу асно ойни олтин мўйна яратаётган чўпонларга, йирик юлдузларни қўйларга, майдаларини қўзичоқларга ўхшатгим келади.

Акрам АМИНОВ

Баҳористон райони

# ОТАШИН РЕВОЛЮЦИОНЕР

(Я. М. СВЕРДЛОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ  
1920 ЙИЛ 16 МАРТДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ)

Ўртоқлар, бугун, Яков Михайлович Свердлов вафот этган кунда бу ерга тўпланган эканмиз, жуда кўп кекса партия ходимларининг шахсий хотиралари билан бир қаторда ҳаммининг хотирасида биз жудо бўлган бениҳоя катта истеъдод соҳибига баҳо бериш тўғрисидаги фикр биринчи ўринда турадики, бу истеъдод соҳибининг ўрнини тўлдиролганимиз йўқ ва хали узок вақт давомида тўлдиролмасак керак. Бу жудоликнинг моҳияти тўғрисида ўйлаганимизда, беихтиёр, фикримизни ташкилотчилик масаласига, умуман ташкилотчиликнинг аҳамиятига ва мана шундай атоқли ташкилотчиларнинг ролига қаратамиз. Бундай ташкилотчиларнинг сони жуда ва жуда кам бўлиб, уларнинг ҳаёт ва фаолият намунаси биз учун умуман ташкилотчиликнинг аҳамиятига бўлган қарашимизни изоҳлаб беришда ибрат бўлмоғи керак ва биз давом эттираётган, ишчилар синфи партияси фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этадиган ва ташкил этиши керак бўлган, коммунистик революция пайтида, айниқса у биринчи қадамларини қўётган бир вақтда, шубҳасиз, бизнинг энг асосий фаолиятимиз бўлган ташкилотчилик фаолиятида амалий сабоқ, ибрат, намуна бўлмоғи керак.

Дарҳақиқат, ишчилар синфи революцияга тайёргарлик кўриб келган катта тарихий даврда ҳам, революциянинг дастлабки пайтларида ҳам унинг асосий қуроли, шубҳасиз, ташкилотчилик бўлди. Агар тарқоқ ҳолда бўлган ва капиталистлар томонидан эзилиб келган меҳнаткашлар оммаси ичидан ташкилотчиликни ўрганиб олаётган, йирик санатини, шаҳар ҳаётини, бутун социалистик маданият ва цивилизацияни ўзи қўраётган синф уюшиб чиқмаганида эди, меҳнаткашларнинг илғор отрядлари капитализмни емириб ташлаш ишини, янги, социалистик жамият ташкил этиш ишига амалий равишда киришишни бажара олмаган бўлардики, ҳозир, икки йиллик тажрибадан кейин бу нарса бизга айниқса аён бўлди. Агар биз асосий ижтимоий кучлар билан революциядаги асосий аҳоли оммасининг нисбати қандай бўлганлигига ва ҳозир қандай эканлигига умуман назар ташлайдиган бўлсак, дарҳол шунини кўрамизки, пролетариат диктатурасининг асосий ҳаракатлантурувчи кучи меҳнаткашларни жипслаштиришдан, яъни меҳнаткаш аҳолининг ақсар кўпчилигини ўзига жалб этишга қодир бўлган жипслаштиришдан иборат бўлмаганида эди, пролетариат диктатураси, икки йил ичида Россияда мислсиз оғир ва мураккаб бир шароитда чинакам мўъжизалар қилган ана шу диктатура мутлақо мумкин бўлмаган ва ички жиҳатдан беъънами бир нарса бўлиб қоларди.

Биз революциянинг тажрибасидан шунини биламизки, хусусий мулк ҳукмрон бўлган даврлардаги сайлов кампаниялари натижасида меҳнаткашларнинг бирлашуви юзага кела олмайди, ҳам помешчикларни, ҳам



буржуазияни ағдариб ташлаш учун курашдагина бу бирлашув гоёт юксак куч бўлиб қолиши мумкин. Энди биз учун равшанки, гоёт катта оммани, биздагина эмас, балки барча катта мамлакатларда тарқоқ ҳолда бўлган, ҳам жаҳолат, ҳам капиталистик зулм томонидан айниқса кўп эзилган, шаҳар аҳолисида орқада қолиб кетган ўнларча миллионлаб деҳқонларни бирлаштириш ишини майда мулкдорларнинг капитализмни тиклаш йўлидаги уринишлари ва ҳаракатларига қарши курашиш учун меҳнаткашларни жипслаштирмай туриб амалга ошириб бўлмас эди, бундай уриниш ва ҳаракатлар эса майда деҳқонларга муқаррар равишда хос бўлиб, улардан қочиб қутулиб бўлмайди. Пролетариат ташкилоти мавжуд бўлмаганида бу ишларни ижтимоий жиҳатдан амалга ошириб бўлмас эди, пролетариат ташкилоти эса — меҳнаткашлар бирлашмаси бўлиб, меҳнаткашлар бутун деҳқонлар оммасидан меҳнаткашлик хислати бўлганларнинг ҳаммасини, демек, гоёт катта кўпчилигини ўзига жалб қиладилар, одамларни меҳнат асосида жипслаштирадидилар ва бу билан мулкдорларнинг ҳар қандай жипслашуви ва уюшувига қарши чиқадиладар. Бизга яхши маълумки, деҳқон-

лар аҳолининг гоёт катта оммасини ташкил этадилар ва ярим мулкдор, ярим меҳнаткаш бўладилар.

Ўртоқлар, уюшган пролетариат, ҳаммининг жипслаштирган, хусусий мулкни тиклаш йўлидаги уринишларга қарши курашда ўзининг шафқатсиз эканлигини, оғир қурбонлар беришдан ҳам қайтмаслигини намойиш қилган пролетариат бўлмаганида эди, пролетарлар билан меҳнаткаш деҳқонларнинг мустақам алоқаси бўлмаганида эди, помешчик ва капиталистларнинг ҳақто энг демократик ва энг республикачи давлати ҳам капитализм давлати эканлигини кўрган ўнларча миллионлаб деҳқонларнинг тажрибаси бўлмаганида эди, деҳқонларга уларнинг фақат пролетариатга эргашши мумкинлигини баъзан жуда оғир синовлар йўли билан кўрсатиб берадиган ана шу тажриба бўлмаганида эди, ҳозир биз қилаётган ишни, барча мамлакатларда тайёрланаётган ишни, — социалистик революция ишини амалга ошириш мумкин бўлмас эди.

Пролетариат диктатураси тўғрисида гапирар эканлар, кўпинча шунини нутиб қўядиларки, капиталистик дунё билан алоқасини бутунлай узган ва айни вақтда жипслашган ташкилот яратишни худди ўша капиталистлардан ўрганиб олган, стачкалар ва намойишлар курашининг зулдан-узок йўлини босиб ўтган меҳнаткашлар жипслашмаганида, пролетариат диктатурасини ўрнатиш мумкин бўлмас эди. Уюшган пролетариат билан ўнларча миллионлаб меҳнаткашлар ўртасидаги алоқа бўлмаганида, эски жамиятнинг емирлиб ташлаётган пролетариатнинг фидокорона кураши ҳар қайси меҳнаткаш одамнинг дилида уйғотаётган хайрихоҳлик ва ҳурмат бўлмаганида, ана шулар бўлмаганида, революцияга пролетариат ва унинг раҳбар партияси олганидек мадад кўрсатилмаган бўлар эди.

Ҳарбий ютуқлар биз учун шунинг гаровидирки, ҳарбий вазифалардан анча кийин бўлган вазифаларни, хўжалик қурилиши вазифаларини, вайрон қилинган мамлакатни тиклаш вазифаларини ҳам ҳал қиламиз, шунинг бирдан-бир гарови ва асосидирки, пролетариат ташкилот сифатидаги ўз кучи туфайли ўзининг илғор отряди, уюшган авангард пролетариатни ўнларча миллионлаб одамлар билан боғлаб турган унинг бевосита ўз сонига нисбатан юз минглаб марта кучлироқ эканлигини тушуниб олди. Бу ерда биз ана шу мавзуларда мулоҳаза қилар эканмиз, бизга йирик ташкилотчиларнинг аҳамияти ва роли айниқса равша бўлади ёки равшан бўлмоғи керак, ёхуд, лоқақал, бизнинг мулоҳазаларимиз ана шунга қаратилмоғи керак. Маълумки, миллионларни уюштиришда раҳбарнинг, амалий ташкилотчининг роли бениҳоя катта. Маълумки, бизга, бутун ишчилар синфига ана шу ташкилотчилик ишини жуда оз сондаги чинакам машҳур ташкилотчилар билан бошлашга тўғри келди ва келмокда. Ана шу жиҳатдан Яков Михайлович Свердлов ҳаёти ва фаолияти тарихи айниқса ибратлидир, бу тарих бизга жуда оз сонли машҳур ташкилотчи истеъдод соҳиблари қандай шароитда камол тоганини, улар қандай чиниққанлигини, қандай қилиб бениҳоя зўр ташкилотчи

\* Ўзбек тилида биринчи марта эълон қилинмоқда («Ленинскии сборник»нинг XXXIX томидан олинди: Москва, изд. Политический литературы, 1980, 219—226-бетлар).

кучга айланганини айниқя аяқол кўрсатиб берди.

Яков Михайлович Свердлов ўз қисқа ҳаётининг, чамаси, ярмини асосан нолегал ташкилотнинг амалий ходими сифатида ўтказди. У 17—18 ёшидаёқ қамоққа олинди ва ишчилар ташкилотларининг арбоби сифатида иш олиб боришга киришди, революцион курашда иштирок қила бошлади, ўзининг ва ўз оиласининг, хунарманд оиласининг ўтмиши заминида ўзини бутунлай ишчилар синфининг вазибаларига, ишчилар синфи ташкилотининг фаолиятига бағишлади, бу ташкилот эса унга ҳақиқий камолотга эришиш имконини берди. Эҳтимол ҳеч ким хунармандлар ва ишчилар синфи ичидан етилиб чиққан, — уларнинг озгинаси зиёлиларга мансуб эди, — чоризм давридаёқ, ўн йилдан кўпроқ давр мобайнида, ўзларини оммага раҳбарлик қилишга қодир бўлган революционерлар қилиб тайёрлаб келган ўнларча, юзларча ва, балки, мингларча революционерлар фаолияти ва ишининг ана шундай типик намоёндаси бўлмагандир. Яков Михайловичга ана шу катта фаолият давомида чет элга чиқишга тўғри келмади, бу ҳол эса унга ҳаракатнинг амалий томони билан алокани узмаслик имконини берди. У ўз қисқа ҳаётининг 17—18 йилини партия ишида ўтказди, шу йилларнинг кўпгина қисмини унга қамоқда ва сургунда ўтказишга тўғри келди, лекин нақ шу ерда унинг ташкилотчилик истёждоди намоён бўлди. У ўзини бутунлай ишга, кишиларни кузатишга, уларнинг фазилатларини билиб олиш ва ҳар кимни ўз ўрнига қўйиш маҳоратига бағишлай олдики, бу маҳорат ташкилотчининг энг асосий истёждодини ташкил этади. Шуниси ажойибки, ўзини нолегал фаолиятга бағишлаган кишига ана шу маҳоратни ишлаб чиқишга тўғри келди, нолегал ишда эса, табиий, бевосита мулоқот қилинадиган

одамлар доираси жуда тор бўлади. Анча йиллар давомида нолегал ишда ишлаган ҳар биримиз, юзлаб революционерларни билган ҳар биримиз айта оламизки, ана шу революционерларнинг бир қўл бармоқлари билан санаб бериш мумкин бўлган жуда оз қисмига нолегал тўғарақларда мунтазам мулоқотда бўлиш тажрибасидан, подпольдеда кишиларни умуман билиш фазилатини, буларнинг ҳаммасини юз минглаб кишилар фаолиятига, миллион-миллон кишилар ўртасидаги муносабатга ёйишга қодир бўлган ташкилотчи ва маъмур маҳоратини олиб чиқишга муяссар бўлди. Партия олдида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишдек мислсиз оғир вазифа кўндаланг бўлган эди. Ўзининг Я. М. Свердлов каби энг яхши намоёндаларини тарбиялаб вояга етказган партия подпольдеда, тўғарақларда, нолегал фаолиятда тарбиялашдан бошқача тарбия қилолмади. Партияга бир неча hafta, кўп дегадана бир неча ой ичида ҳукумат партиясига айланмишга тўғри келди, бу партиянинг миллионлаб пролетарларга раҳбарлик қилиши керак эди ёки раҳбарлик қилиш вазифаси унинг зиммасига юкланган эди, миллионлаб пролетарларнинг ўз фаолиятини ўнларча миллионлаб меҳнаткашлар билан чамбарчас алоқа боғлаш асосига қуришини таъминлаш керак эди, бу алоқа эси, илгаригидек, расмий алоқа бўлмади, балки меҳнаткашларни гафлат уйқусидан уйғотадиган ҳар бир ишчинини, у қаерда яшамасин ва қаерга бориб қолмасин, ўз-ўзидан агитаторга, пропагандистга, ташкилотчига айлантириб қўядиган, энг қолоқ, энг кўп эзилган деҳқон олдида ҳар бир ишчи ана шу деҳқонни ўзинга эргаштириб борган, деҳқонга эксплуататорларга қарши, помешчик ва капиталистларга қарши кураш намунасини, энг буюк фидойилик намунасини кўрсатиб берган раҳбар, етакчи бўлишини таъминлайдиган ҳолатни ўз-ўзидан вужудга келтирадиган алоқа бўлиши керак эди. Кекса революционер ходимлар фаолиятида намоён бўлган фидойилик намунасини 35 йиллик ўз ҳаётининг ярмини нолегал ишда ўтказган, бу ҳаётнинг кўпгина йилларини, эҳтимол, ярмидан кўпрогини қамоқхоналарда, қочқинда, яширин ҳолатда ўтказган Яков Михайлович ҳаётида яққол кўриб турибмиз. Хунармандларнинг ва ишчиларнинг озгина сондаги энг яхши намоёндаларини машхур қилган бундай фидойилик пролетариат томонидан катта қўламада такрорланиши керак эди.

Пролетариат диктатураси ҳақида гапирганларида кўпинча шунини унутиб қўядиларки, ўзининг энг катта қурбонлар беришга тайёрлиги ва журъат қила олиши билан бу диктатура амалда исбот қилинган эди. Пролетариат диктатурасини зўрлик ишлашда айблаганларида шунини унутиб қўядиларки, бу зўрлик эксплуататорларга қарши, помешчик ва капиталистларга қарши қаратилган эди, яна шунини унутиб қўядиларки, пролетариат меҳнаткашлар оmmasининг ҳурматига, бутунлай содиқлигига муяссар бўлган экан, бунга фақат пролетариатнинг илғор отрядлари революциянинг ўтган икки йили ичида ҳамма жойда революция соҳасидаги ҳар қандай мушкулотнинг кўпроқ қисмини, очарчилик азобини, граждандар уруши бошимизга солган, асосан шаҳарлар аҳолисининг бошига ёғдирилган мислсиз қулфатларни ўз зиммасига олганлиги сабабли муяссар бўлди.

Революциямизгача ўтган ўн йилдан кўпроқ вақт мобайнида ўзларининг мохирона фаолиятини ва ташкилотчилик маҳоратини тоблаган, партиянинг пролетариатга раҳбарлик қилишга қодир бўлган ўзагини ташкил этган кекса революционерларнинг фидойилиги билан икки йил мобайнида пролетариатнинг деҳқонлар олдида қовонган обрўси ва ҳурматининг асосий хусусиятини ва энг муҳим манбаини ташкил этган фидойилик ўзаро чамбарчас боғлақдир. Бу фидойилик шунини кўрсатадики, агар Яков Михайлович Свердлов каби кишилар революциягача ўтган ўн йилдан кўпроқ вақт мобайнида

жишлавувнинг, метиндаги мустақам ташкилотнинг заминини тайёрламаганларида, революция бу тарафда ўтмаган ва икки йил давомида мисли йўқ оғир синовларга бардош беролмаган бўларди, ана шундай замин бўлмаганида, бу ташкилотчилик истёждоди, маъмурилик маҳорати мазкур ишнинг давом эттириши ўз зиммасига олиш учун, миллионлаб жангчи ва курашчиларни вояга етказиш ва тарих бошимизга солган барча қийинчиликларга қарамай, уларни етаклаш учун капитализм томонидан етарли даражада жабрланган, етарли даражада бирлаштирилган ва жишлавтирилган, эски гафлат уйқусидан етарли даражада уйғотилган синфининг фаолияти билан боғланмаган бўларди.

Шубҳа йўқки, ташкилотчилик анъаналари ана илгор бўлган мамлакатларда революциянинг дастлабки ғалабаларидан кейинги оғир ташкилий даврлар оsonроқ ўтади. Аммо бу мамлакатларда революциянинг дастлабки қадамлари, жумладан, шунинг учун қийин бўлмоқдаки, бошқа мамлакатларда революционерларнинг ва ишчилар синфининг авангарди учун биздагидек оғир ва чиниктирадиган мактаб бўлган эмас ва уларда қиёсан тинч давр бўлган капитализмдан, ишчилар синфига раҳбарлик қиладиган революцион курашчиларни эмас, балки оппортунистик «курашчиларни» тарбиялаб келган капитализмдан оғир, анча кўп қурбонлар талаб қиладиган революцияга ўтишга тўғри келмоқда.

Дарвоқе, бизнинг революциямизни немис революциясига қиёс қилиш бизни шундай хулосага олиб келмоқда. Ўхшашлик катта экан. Бизда иш мурасосозликдан бошланиб, бу мурасосозлик корниловчиликка олиб келганини эсимизга оладиган бўлсак, энди немис пролетариати ҳам худди шундай корниловчиликни бошидан кечирмоқда. Бугун бизга келган хабарга қараганда, герман монархистларининг янги ҳукумати, эски монархистларни асдарган ана шу ҳукумат эски ҳукумат билан битим тузмоқда ҳамда немис меньшевиклари, эсерлари ва шейдеманчилари билан биргаликда монархизм ҳокимиятини тикламоқда.

Бизга айтишларича, у ерда бошқа кутба — хали бу аниқ эмас, лекин, эҳтимол, шундай кутб бўлса керак — блок ташкил топаётган эмиш ва бу блок ўз олдида қўяётган бирдан-бир асосий вазифа пролетариат диктатураси эмиш. Мазкур блок немис корниловчиларидан, ана шу корниловчиликнинг оммага қолдирган тажрибасидан фойдаланмоқда, рус революциясида Октябрь революциясининг арафасидан иборат бўлган Корнилов авантюрисидан қандай фойдаланилган бўлса, худди шундай фойдаланмоқда. Ташкилотчилар, пролетариатнинг етакчилари, узоқ вақт революцион курашда чиниққан кишилар немис пролетариатига нақ ҳозир жуда кўп сонда керак бўлади. Ишчилар синфининг кўпроқ маданиятли бўлиши, кўпроқ тарбияли ва уюшган бўлишининг аҳамияти нақадар буюк бўлмасин, ана шундай етакчиларнинг, Яков Михайлович Свердлов сингари бутунлай революцияни тайёрлашга бағишланган, революцияни тўмтоқлаштириш йўлидаги ҳар қандай уришларга қарши курашга бағишланган ташкилотчилик ишида ўн-ўн беш йил тарбияланган дохийларнинг етишмаслиги, биз Венгрия тажрибасига назар солиб айта оламизки, баъзан уларнинг етишмаслиги пролетариатнинг мислсиз қурбонлар беришга сабаб бўлиши мумкин, революцияни тўхтаб қўймаса ҳам, қурбонлар ва азоб-уқубатлар сонини кўпайтириши мумкин.

Айниқса ҳозир, биз бошимиздан кечираётган революцияга умумий назар солар ва бу революцияни бошқа мамлакатлардаги революция жараёни билан қиёс қилар эканмиз, ташкилотчилик соҳасидаги раҳбарларимиз ичидан жуда йирик истёждод соҳибини — Яков Михайлович Свердловни вояга етказган ташкилотнинг аҳамиятини чуқур ўйлаб кўрар эканмиз, унинг мана шу томонига

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадиий журнали

№6 (424)

Июнь  
1985



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг напирёти

қарор қилишимиз керак. Агар ҳарбий фаолиятда, икки йил давомида бизда биринчи ўринга қўйилиб келган ва воқеалар жараёни боисидан биринчи ўринга қўймаслик мумкин бўлмаган ана шу ҳарбий фаолиятда баъзан ҳали шиддат ва ғайрат-шижоат билан, қисқа вақт таъйиқ қилиш билан кўпгина муваффақиятларга эришиш мумкин бўлса, хўжалик-қурилиш ишида, аynиқса ташкилотчилик фаолиятида шиддат, таъйиқ ва ғайрат-шижоатнинг ёлғиз ўзи билан ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Энг узок вақтга, кўп йилларга мўлжалланган ташкилотчилик иши, — ана шундай ишгина бизни бу жабҳада ҳақиқий ғалабага олиб келиши мумкин. Бинобарин, Совет ҳокимиятини қураётган ўн ва юз минглаб кишилар ана шу ишда революциянинг машҳур арбоблари ва раҳбарлари тарихига, уларнинг шахсий тажрибасига, ташкилотчилик фаолиятидаги истеъдод соҳиблари қай тарзда ўзларига йўл очиб борганликлари тўғрисидаги хотираларга ҳаммиша мурожаат қилиб туришлари керак, албатта.

Биз шунга иқрормизки, ҳозирги кунда ташкилотчи ва маъмур истеъдод соҳибларининг сони бизда жуда кам, улар бизга эски жамиятдан мерос қолган бўлиб, асосан ана шу жамият хурофотлари билан боғлиқдирлар, улар орасида ярим душман унсурлар ҳам кўп, биз эса улардан фойдаланишимиз керак, чунки ўз синфимиз намоёндалари бўлган ташкилотчилар сонини тезлик билан ошира олмаيمиз, асосий фаолиятимиз эса ташкилотчиликка ва маъмурликка қодир бўлган ҳамма кишиларни ишчи ва деҳқонлар орасидан тарбиялаб етиштиришдан иборат бўлмоғи керак.

Бу тоифадаги меҳнаткашлар ҳеч вақт ўз ҳаётларини оммадан ажралиб, подпольенинг сунъий шароитида ўтказишган эмас, улар шу тоифадаги кишиларнинг муносабатини анча тез тушунишадими, ана шу тоифа орасида, партияси ишчи ва деҳқонлар тоифаси орасида ташкилотчи истеъдод соҳиблари бошқа синфлардагига қараганда бениҳоя кўпдир. Лекин биз бу истеъдод соҳибларини тополмаймиз, биз ҳали уларни муносиб лавозимларга қўйишни ўрганиб олганимиз йўқ, шундай шароит яратиб бериш керакки, улар кишиларга етакчилик қилишни, уларча минглаб одамларни бирлаштиришни ўргатсинлар, улар фаолиятининг натижасига миллионларнинг талаблари, эҳтиёжлари ва манфаатлари нуктаи назаридан туриб баҳо бериш керак, — бу бизнинг бош вазифамиздир.

Биз ўтмишдаги машҳур ташкилотчилар фаолияти тўғрисида диққат-эътибор билан фикр юритмай туриб, ўзимизнинг кўп йиллик фаолиятимизни сабот-матонат талаб қиладиган машаққатли ишга бағишламай туриб, бу вазифани ҳал қила олмаимиз. Я. М. Свердловни хотирлар эканмиз, ишчилар синфининг илгор раҳбарларига ўнлаб йиллар давомида подпольеда яширишига тўғри келган вақтлар ёдимизга тушади. Ҳатто ўша вақтларда ҳам подполье ташкилотчилари фаолиятини мислсиз тез ва муваффақиятли равишда миллионлар фаолиятига ёйишга қодир бўлган кишиларни тарбиялаб вояга етказган эканмиз, энди ишчилар синфининг онгли раҳбарларининг, буюк намунага эргашиб бораётган ташкилотчиларнинг сони ҳақиқатан ҳам жуда кўп бўлишига анча тез ва самарали равишда эришамиз, ўшанда революцияимизнинг хўжалик ва ташкилотчилик соҳасидаги жуда оғир вазифаси муваффақиятли ҳал қилинган бўлади. Бошимиздан кечирилган воқеалар тўғрисидаги мулоҳазалар эса бизнинг бу вазифани бажара олишимизга ишонч бахш этади ва биз ҳаммамиз маъмур мажлисдан ана шу вазифанинг бажарилишига эришишга қатъий қарор қилган ҳолда кетамиз.

Ровил ШОКИРОВ  
таржимаси

# ФАН

Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти

Р

ИВОЖЛАНГАН социализм жамиятининг ҳозирги тараққиёти фан ва техника ютуқларига мувофиқ равишда иш юритиш усуллари такомиллаштириш, ишлаб чиқариш даражасини ошириш талабларини қўймоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг кўп қиррали фаолиятида социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳар бир янги босқичида фан ютуқларини ишлаб чиқаришда қўллашга бўлган ижтимоий эҳтиёж ортиб боришини, илмий-техника имкониятлари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда етакчи омилга айланганини назарда тутди. «Биз ҳалқ хўжалигини интенсив ривожланиш излари-га ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришимиз лозим, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг Март пленумида сўзлаган нутқида. — Биз қисқа муддатларда энг илгор илмий-техникавий позицияларга, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг жаҳондаги энг олий даражасига чиқиб олишимиз лозим ва шундай қилишга таяжбуримиз».

Республикамиз Фанлар академияси ва унга қарашли илмий-тадқиқот муассасалари учун ҳам партияимизнинг бу кўрсатмалари дастуриламалдир. Ҳозир фан штаби бўлган академиямизда 16 мингдан ортиқ ходимлар уюшган бўлиб, улар муҳим йўналишларда тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

1984 йилда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш планига мувофиқ академиямиз системасида асосий фанлар бўйича 47 та йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди, 34 та муҳим илмий-техника усули ишлаб чиқилди. Шунингдек, хўжалик шартномалари бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳам салмоғи ортди. Ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида 230 дан ортиқ илмий-техника тадқиқотлари жорий этилди. Шулар ҳисобига 690 миллион сўм қўшимча фойда кўрилди.

Ҳали айтганимиздек, илмий-техника тараққиётининг ҳозирги босқичи бизнинг олдимизга муҳим ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Шулардан энг муҳими, асосий тадқиқотларнинг жадал ривожланишини таъминлаш ва шу асосда муҳим ҳалқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган амалий илмий-техник усуллари ишлаб чиқишдир. Ишни шу тартибда ташкил қилганимизда совет фанимиз илмий-техник тараққиётининг муҳим йўналишларида етакчи ўринни егаллай олади.

Академиямиз институтлари белгиланган вазифаларни бажара бориб, асосий тадқиқотларнинг анъанавий йўналишлари (эҳтимоллик назарияси, математик статистика,



ядровий физика, физикавий электроника, каттик жисмлар физикаси, механика, ишпо-отларнинг зилзилага бардошлилиги ва бошқа йўналишлар) бўйича илмий изланишларни изчил давом эттирмоқда.

Маълумки, социалистик экономикани ривожлантириш истиқболли ишлаб чиқаришни жадаллаштириш билан узвий боғлиқдир. Бу эса амалий тадқиқотларни янада ривожлантириш заруриятини тақозо этмоқда. Академия президиуми, унинг бўлимлари ва илмий муассасалари тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, ҳалқ хўжалик тармоқларини ривожлантиришда илмий-тадқиқотлар ҳиссасини кўпайтириш ва фаннинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқдалар.

Ҳозирги илмий-техника революциясининг асосий зарурияти ишлаб чиқаришда автоматлаштирилган меҳнатга ўтиш билан боғлиқдир. Иш жараёнларини автоматлаштириш эса илмий-техника революциясининг ижтимоий ҳосилларини белгилайди, инсонни оғир қўл меҳнатидан халос этади.

Ҳа, бунда ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳисоблаш техникасини, микропроцессорларни, электроникани, робот-механизм комплексларини, ишлаб-чиқаришнинг ихчам автоматлаштирилган усуллари-ни кенг жорий этиш кўзда тутилмоқда. Ҳар тарафлама жараёнларнинг бундай уйғунлиги эса ишлаб чиқариш самарадорлигининг жиддий ошишини ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий даражасида сифат жиҳатидан янги ўзгаришларнинг юзага келишини таъминлайди. Академиямиз институтлари ана шундай автоматик системаларни ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш соҳасида яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳозир бундай системалар машинасозлик ва нефтни қайта ишлаш корхоналарида, нефть-химия соҳасида, Олмалик кон-металлургия комбинатида кенг қўлланилмоқда. Бутуниттифоқ пахтачилик машинасозлиги бирлашмасига қарашли заводларда ҳам электрон ҳисоблаш машиналари билан иш қураётган роботлаштирилган техникавий комплекснинг бошқарув тақдидий системалари жорий этилган.

Ун биринчи беш йиллик давомида республикада ишлаб чиқаришга 530 тадан ортиқроқ автоматик манипуляторлар ва роботларнинг жорий этиш кўзда тутилган эди. Аммо ҳозир республикамиз санаят корхоналарида 100 га яқин роботмеханизмлардан фойдаланилмоқда. Бу, албатта, белгиланганидан анча камдир. Олимларимиз автоматик равишда бошқариладиган айрим машиналарни ишлаб чиқишдан автоматлаштирилган системаларни — бутун бошли цехларни, тўлиқ автоматлаштирилган корхоналарни яратишга ўтишлари ва буларни янги техника ва

# ЮТУҚЛАРИ

илгор тажрибаларнинг ҳақиқий лабораторияларига айлантирилари лозим. Бугунги талаб ва эҳтиёж шуни тақозо этмоқда.

Ҳозир радиоизотоп маҳсулотларга бўлган эҳтиёж ҳам катта. Биз бу соҳада ҳам бирмунча муваффақиятларга эришдик.

Илмий муассасаларимиз республикамизда зилзилага бардошли қурилишни йўлга қўйишда ва зилзиланинг табиатини ўрганишда яхши натижаларга эришди. Олимларимизнинг сейсмо-динамика ва сейсмик районлаштириш бўйича эришган ютуқлари Тошкент ва София шаҳарларидаги метро қурилишларида, БАМ тоннелларини қуришда ва бошқа гидротехник нишотларда қўл келмоқда.

Олимларимиз қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш борасида ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Биз Ўзбекистон ССР Давлат Қурилиш комитетига гиповой иситиш тармоқларида қуёш иссиқлигини фойдаланишнинг принципиал схемасини тавсия этдик. Ҳозир Қуёш иссиқлиги билан иситиш системаси мавжуд бўлган уй-жойлар ва маъмурий биноларни қуриш бошлаб буюрилди. Қуёш иссиқлиги билан ишлайдиган мегаватт қувватли катта пелларда юқори иссиқликка бардош берадиган материалларни ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган «Қуёш» («Солнце») илмий-ишлаб чиқариш комплексини ишга тушириш жараёни ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

Энергетика системасини янада такомиллаштириш ва ёнилгидан тўғри фойдаланиш бўйича ҳам кенг тадқиқот ишлари олиб борилаётди. Шамоил ва кичик дарёларнинг энергиясидан фойдаланиш бўйича назарий ва амалий ишлар олиб боришмоқда; бизнинг регионда турли электр станцияларини қуришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш масалалари ҳам тадқиқ қилинаётди. Урта Осиё энергия системасини Иттифоқимизнинг Ягона Энергия системасига бирлаштиришни иқтисодий-технологик жиҳатдан асослаш масалалари, юқори вольтли кучланлиш линияларда энергиянинг исроф бўлишини камайтириш бўйича ҳам изланишлар олиб борилаётди.

Шу ўринда геолог олимларимиз ва мутахассисларимизнинг янги-янги ер ости бойлиқларини қидириб топишдаги қувончли ютуқларини ҳам мамнуният билан эътироф этамиз.

Ривожланган социализмнинг муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммоларидан бири — бу қишлоқ хўжалиги ривожланишини ҳарта-рафлама жадаллаштириш ва агросаноат комплексини такомиллаштириш масалаларидир. Илмий ходимларимиз бу муаммони ҳал этишга ҳам муайян ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Пахтачиликни ва чорвачиликни жадал ривожлантиришнинг, атроф-муҳитни ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг асосий ва амалий проблемаларини ўрганиш бўйича изланишлар давом эттиришмоқда.

Кейинги беш йилда академия системасидаги илмий институтларда пахтанинг 30 га яқин янги навлари яратилди. Булар республикамизда ва бошқа пахта экиладиган республикаларда ҳар йили 1 миллион гектардан ортиқ майдонга экилаётди. Бу навлардан фойдаланишнинг ҳар йилги иқтисодий самарадорлиги қарийб 300 миллион сўмни ташкил этмоқда. Пахтанинг «АН-410», «АН-сергола», «ИНЭВР-85», «Оқ олтин-3» каби истиқболли 9 та нави эса Давлат нав синаш тармоқларида синовдан ўтаётди. Биз бу ўринда Усимликлар эксперименталь биологияси институтининг янги, ажойиб пахта навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида фидойилик кўрсатаётган олимларининг

«Виз фран-техника революциясы муқарраман рақобатчиликни тарқатиши»

социалисти хўжалик юритиш формаларини ҳозирги шароитлар ва талаб-эҳтиёжларга мувофиқлаштириб, социал-иқтисодий тараққиётни анча жадаллаштиришга эришишимиз лозим. Бошқа йўлнинг ўзи йўқ.

М. С. ГОРБАЧЕВ

(КПСС Марказий Комитетининг Апрель пленумида қилган докладидан)

нинг самарали ишларини алоҳида таъкидлашни истардик. Худди шу институт олимлари томонидан ерни чуқур ҳайдаш билан тўроқ унумдорлигини оширишнинг янги системаси ишлаб чиқилдики, бу пахта ҳосилдорлигини 20—25 процентга, озуқа экинлари ҳосилдорлигини 40—60 процентга ошириш имкониятини беради. Деҳқончиликнинг ана шу янги системаси партия ва ҳукуматимиз ерларни мелiorативлаш, ҳар бир сўғорма гектарнинг унумдорлигини ошириш программасини кун тартибига қўйган ҳозирги пайтда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур деҳқончилик системасининг тадлаб-ки натижалари жуда қувончли. Масалан, бу система жорий этилган 31 минг гектар майдондан бир йилда 8,6 миллион сўм иқтисодий фойда қўрилди. Ҳозир олимларимиз олдида деҳқончиликнинг мазкур илгор системасини республикамизнинг турли қишлоқ хўжалик зоналарида жорий этишни анча кенгайтиришдек муҳим вазифа турибди.

Маъмулони, қишлоқ хўжалигини ва умуман агросаноат комплексини ривожлантиришда сув ресурслари билан таъминланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу борада ҳеч шубҳасиз партия ва ҳукуматимизнинг узоқ муддатга мўлжалланган мелiorация программаси катта аҳамиятга эгадир. Бу соҳада биз олимлар, илмий муассасаларнинг коллективлари олдида асосий ва амалий характерга эга бўлган улкан вазифалар қўйилди. Олимларимиз республикамизда мавжуд бўлган сув имкониятларидан тўғри фойдаланиш, Сибирь дарёлари сувининг бир қисминини Урта Осиёга тушириш ва Орол бўйини қурғоқликдан сақлаб қолиш масалаларига қаратилган ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан асосланган тадбирлар системасини ишлаб чиқмоқдалар.

Шуни қайд қилиш керакки, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида ҳаққоний ўқтирилганидек, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бугунги кун талаблари даражасида эмас, фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлиги масалаларида маълум қийинчиликлар ва мураккабликлар мавжуд. Ниҳоятга етган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг натижаларини етарли миқёсларда эмас, фақат айрим корхоналар ва хўжаликларда жорий этиш ҳоллари учраб турибди. Бир қатор муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган ишлар эса бир неча йил давомида жорий этилмапти. Илмий муассасалар томонидан ишлаб чиқилаётган тавсиялар етарли даражада аниқ бўлмаганидан, унда ишлаб чиқариш имкониятлари ва реализация шартлари ҳисобга олинмаганидан, эксперименталь шароитларда ва ишлаб чиқариш тажрибасида синовдан ўтмаганлиги, бир-бирини такрорланганлиги оқибатида кўпинча шундай бўлаётди. Иккинчи томондан эса, бу баъзи хўжалик раҳбарлари тафаккурининг торлиги, сўнги илмий ютуқлардан тезроқ фойдаланиш заруриятини тушуниб етмаслигининг оқибатидир.

Республика қишлоқ хўжалик илгорларининг кенгашида олим билан деҳқоннинг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, деҳқончиликда экинларнинг серҳосил ва тезпишар

навларини жорий этиш зарурлиги ҳақида кўпгина фойдали гаплар бўлди. Шунингдек, унда пахтачиликда терим машиналарини такомиллаштириш масаласида ҳам ҳақиқий эътирозлар айтилди. Демак, тегишли илмий муассасалар, селекционер олимларимиз бу соҳалардаги изланишларни тезроқ ниҳоясига етказишлари, пахтакорларимизнинг зарур эҳтиёжларини тезроқ қондириш учун янада самаралироқ ишларни лозим. Инженер-конструкторларимиз эса пахтачилик машиналарини такомиллаштириш борасидаги изланишларини жадаллаштиришлари зарур.

Шуни таъ оlish керакки, ҳозиргача фан билан ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини бошқарадиган асосий дастёрлар — илмий тадқиқотларни жорий этишга узатиш механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Визда ва бошқа иттифоқдош республикаларда жорий этилган оралик звенони ташкил этиш бўйича изланиш олиб борилаётди. Худди шу йўналишда тармоқларо ва муаммолар лабораториялари ташкил этишга фаол ҳаракат қилинмоқда. Эҳтимол, министрликлар ва идораларнинг буюртма-нарядлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш катта аҳамият касб этар. Негаки, министрликлар бу буюртмаларида ўзлари учун аҳамиятли бўлган муҳимроқ муаммоларни ифодалашлари ва ишлаб чиқариш манфаатларига жавоб берадиган илмий тавсияларни олишлари мумкин бўлур эди.

Умуман, институтларнинг табиий ва техник йўналишдаги илмий тадқиқотларини текширишдан ўтказиш учун тажриба-конструкторлик технология бюроларининг ишини яхшилаш ва техникавий базасини мустаҳкамлаш, махсус кадрлар билан таъминлаш, уларни бошқариш ишларини яхшилаш лозим.

Шу ўринда яна бир нарсани мамнуният билан таъкидлашни истардикки, республикамизда ленинча миллий сибсатнинг тўла тантанасининг самараси ўлароқ маҳаллий миллат вакилларидан ажойиб истеъдодли олимлар, етук мутахассислар кўплаб етишиб чиқмоқдалар. Уларнинг тафаккур қудрати билан фанимизда янги-янги йўналишлар, илмий мактаблар яратилмоқда. Уларда илмий тадқиқотларнинг узвийлиги ва давомийлиги ижтимоий ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бораётган устоз ва шоғирдлик анъаналари асосига қурилган. Катта устозларни издан бориб, ажойиб илмий ютуқларга эришаётган ёш истеъдодларимизнинг муваффақиятлари янада қувончлидир. Масалан, ёш олимлар — СССР Давлат муқофоти лауреати, академик Убай Орипов номдодари Электроника институтининг лаборатория мудири Темирбек Усмоновнинг халқ хўжалигида лазер техникаси имкониятларидан фойдаланиш ҳақидаги муҳим тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Айтилганлардан хулоса шунки, республикамизнинг фан штаби бўлган академиямизга уюшган барча илмий муассасаларнинг ходимлари ижодий-тадқиқот ишларини халқ хўжалик манфаатларига уйғун равишда ташкил эта бориб, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш учун кенг имкониятлар яратадилар.

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА



Қамбар УТАЕВ

## САБЗИ ДАЛАСИДА

Ҳашарга деб қуёнлар  
Чикди сабзи ўтоққа,  
Шўхлик, шатир-шутури  
Эшитилар ҳар ёққа.  
Тинмай чаққон ишлаши  
Ҳаммага ҳам ёқарди.  
Йўлда ўтган-кетганлар



## ҲАММАСИ

Биринчи синф гавжум,  
Ўқилмоқда «Алифбе».  
Ўрганишар ҳарфларни,  
Ҳар бир оғизда «А», «Б».  
Шу пайт келиб муаллим  
Сўраб қолди Салимдан:  
— Алфавитни билдингми?  
— Ҳа! — дер у қоқиб  
зимдан.  
— Қани, айт-чи, «А» дан  
кейин  
Келар ҳарфлар қайсиси?  
— «А» дан кейин келишар  
Қолган ҳарфлар бариси.



Ҳайратланиб боқарди.  
Тарк этишгач далани  
Аниқланди масала.  
Қинғир-қитмир ишларга  
Қилишибди ҳафсала.  
Сабзиларни саралаб  
Уйига йўл олибди.  
Кенг майдонда шумшайиб  
Бегона ўт қолибди.

## МИНГ ОЕҚНИНГ ХАЕЛИ

Бир куни денг  
Минг оёқ,  
Қилганмиш  
Шундай хаёл:  
Минг оёғимга  
Шу чоқ  
Кийиб олсам  
Минг пайпоқ,  
Ярақлатиб  
Минг этик,  
Юрсам бардам  
Ва тетик.  
Оёғимга  
Қарашиб,  
Кўплар қоларди  
Шошиб.  
Ҳар бир кўрган  
Одамга,  
Танилардим  
Оламга.  
Сўнг фикридан

Уялиб,  
Қолар хаёлга  
Толиб.  
Беш юз бола  
Нақ чакмоқ —  
Кийсин беш юз  
Жуфт пайпоқ.  
Ҳамда беш юз жуфт  
Этик  
Уларга бўлсин  
Тортиқ...  
Менда кўп бўлса  
Кийим,  
Кийиб ечишим  
Қийин.



Жўра РАҲИМ

## Қўшнимизнинг парниги

— Сув қилиб ичивордим  
Ботаникани, ишон.  
Савол бериб кўрақол  
Ишонмасанг, ҳой, Нишон.

Наби керилар эди:  
«Сина дегандай, — мани».  
— Гапир-чи, қаер ўзи  
Бодирингнинг ватани!?

— Ҳе, хомқалла,  
билмайсан  
Шу бир оддий нарсани.  
Қўшнимиз парнигидир  
Бодирингнинг ватани.

## САҚИЧНИ УШЛАБ ТУРИНГ

Ҳабибулла оғзидан  
Сақичини тез олди.  
Бобосига узатиб,  
Илтижо қилиб қолди:

— Шу сақични бир зумга  
Ушлаб туринг, бобоюн.  
Мен унғача чой билан  
Еб олайин бироз нон.

Бобосия жаҳли чиқди,  
«Менга иш буюрди» деб.  
Қуюқ қошин чимирди  
Гўё жаҳли чиққандек.

Ҳабибулла жим турмай  
Бобосига гап олди.  
У бийрон тили билан  
Илиқликни уйғотди:

— Биламан, сўкмайдиган  
Ўювош, яхши кишисиз.  
Сақич чайнай олмайсиз,  
Пўқдир асло тишингиз.

## ЖИЛҒА ҚУШИҒИ

Милдир-милдир чашма  
эдим,

Жилғаларга айландим.  
Ташналарга ташна эдим,  
Қондирмоққа шайландим.  
Дилда шу ўй, ҳаяжон  
Қўшиб олгин, дарёюн.

Эл бўларман, асов дарё,  
Қўшиқ куйлаб оқармиз.  
Қирғоқларга олам-олам,  
Яллиларни тақармиз.  
Олисларга олиб кетсин  
Тўлқинларинг, майлига.  
Райхонларим бўй таратсин  
Олам чиқсин сайлига.  
Дилда шу ўй, ҳаяжон,  
Қўшиб олгин, дарёюн.

Чечакларга макон бўлсин  
Қақраган чўл сийнаси,  
Мен ҳам берай гиёҳга жон  
Тош бўлса ҳам дийдаси.  
Зеро, ёлғиз — чашма эдим,  
Жилғаларга айландим.  
Ташналарга ташна эдим,  
Қондирмоққа шайландим.  
Дилда шу ўй, ҳаяжон,  
Қўшиб олгин, дарёюн.

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ КУДРАТ СУЮНОВ МОНОЛОГИ

Қуёш — чархи фалакда,  
Мангу янғроқ қўшиққидир.  
Замин — азал-абдага,  
Куйга айланган ишққидир.

Сув — тириклик. Уларга  
Яшагайман бойланиб.  
Ерга, сувга, нурларга  
Кетгум бир кун айланиб.

Юлдузлар сочилганда  
Дилга туташ нур-торман.  
Қўсақлар очилганда  
Чаногида мен борман.

Боғларда сиз билан мен.  
Тоғларда сиз билан мен.  
Меҳр гулга бойланган  
Чоғларда сиз билан мен.

Қуёш — чархи фалакда,  
Мангу янғроқ қўшиққидир.  
Замин — азал-абдага,  
Куйга айланган ишққидир.

## БАҲОР

Новдаларнинг титроқ кафтида  
Яшил ҳаёт бошланди яна.  
Мажнунтоллар елкаларига  
Зарпопулар ташланди яна.  
Булбулларнинг хониши каби  
Эшитилар қумрилар саси.  
Сабзаланиб ариқлар лаби,  
Авжланади баҳорнинг рақси.  
Офтоб қалди чилдирма куйин,  
Найкамадалак — гулгун раққоса.  
Она-юртим, боғларинг бу кун  
Юрагимдай тўлишмиш роса.

# САНЪАТ - ЖАНГЧИЛАР ҲАМРОҲИ



## ДАВО ГИЁХЛАР

XIX асрдаги англиялик натуралистлар ва саёхатчилар европалик врачлар ҳали вабо касалининг давосини тополмаганларида Жанубий Африка қишлоқларидаги маҳаллий табиблар (бвана мтана) бу оғир дардин даволаётганликларини кузатган эдилар. Лекин инглизлар ўшада ўз кўзларига ишонолмаган эдилар. Акс ҳолда «табибларнинг дори-дармонлари» ўша даврдаёқ табобат хазинасига айланарди.

Япон биологи Исао Кубо эса ўша натуралистлар қолдирган ёзувларга қизиқиб қолди. У Африкага замонавий илмий таҳлил воситалари билан курулган экспедиция уюштирди. Мутахассислар Шарқий Африкадаги ўша англиялик саёхатчилар ёзиб қолдирган районларда яшовчи маҳаллий халқ, — гарчи антибиотикларини хуш кўрмаган ҳолда, яшаш шароити ёмон бўлишига қарамасдан, — вабо касалига кам чалинишни аниқладилар.

Исао Кубо маҳаллий табиблар айёрлик билан эмас, балки ички касалликларни астойдил даволаш билан шугулланаётганликларини таъкидлади. Табиблар касалларга ҳар хил ўсимлик барглари ва илдизларининг қайнатмаларини вақт-вақт билан ичирдилар.

Япон олимлари бу шифобахш гиёҳларнинг таркибини ўргандилар. Гиёҳлар кукун кучли антибактериал хоссаларга эга бўлиб, уларнинг таркибда турли хил витаминлар (масалан, К витамини) мавжудлигини аниқладилар.

Тажриба ўтказилган сичқонлар бир ҳафта аввал шифобахш гиёҳ пўсти ва мевалар билан озиқлантирилгани учун уларнинг организмига кучли дозада вабо бациллалари юборилганда ҳам ҳалок бўлмадилар.

## (ҲАЛИМА НОСИРОВА БИЛАН СУҲБАТ)

СССР халқ артисти Ҳалима Носирова бизга ўз болагининг оғир йиллари ва санъат остонасига қўйган илж қадамлари, дастлабки изланишлари камолот босқичлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлади. Лекин суҳбатимиз асосан суронли Улғу Ватан уруши йиллари ҳақида ўтди.

— 40-йилларнинг бошларида мен 26—27 ёшга қадам қўйган, юксак СССР халқ артисти унвонига мушарраф бўлган санъаткор эдим. Бунгача театрларда ишлаб, ҳассос санъаткор Маннон Уйғур, Муҳиддин Қори Ёқубовдан сабоқ олдим. 1930 йили Москвада атоқли хонанда А. В. Нежданова билан танишдим, рус опера санъатидан ўргандим. А. В. Нежданова опера санъатига меҳр қўйишимга катта туртки берди, у А. А. Алябьевнинг «Булбул» ини ўргатди. Бу кўшиқни шундай ихлос билан қўйладимки, ҳатто моҳир санъаткорлар ҳам менга тан беришди. Албатта, бу олқишлар мени яна изланишлар сари ундарди.

«Ҳалима», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара» спектаклларида Ҳалима, Лайли, Ширин ва Гулсара ролларини ижро этдим. Ўз ижодимда миллий ўзбек ижрочилик санъатининг ўзига хослигини рус санъати мактаби ютуқлари билан боғлаб олиб боришга интилдим. 1939 йилда Тошкентда опера ва балет театри ташкил этилди. Биринчи ўзбек операси «Бўрон» (С. Н. Василенко, М. Ашрафий музикаси, К. Яшин либреттоси)да Норгул партиясини ижро этдиму ҳаётимни бир умрга ана шу театр билан маҳкам боғладим.

Албатта, 40-йилларнинг бошларида совет халқи янги-янги изланишлар сари интиларди, камолот босқичига қадам қўйганди. Бироқ машғум уруш бошланди. Қувончимиз ғазабга, қаламимиз қилчига айланди. Шу билан бирга халқнинг фидойи санъаткорларини омон сақлаб қолишимиз ҳам бурчимиз эди. Москва, Ленинград, Украинанинг атоқли санъаткорлари — ёзувчилар, артистлар, композиторлар, режиссёрлар Тошкентга келиб, ўз ижодларини давом эттирдилар. Улар шукунинг талаби — немис босқинчиларининг асл башарасини очиб йўлида турли асарлар яратишга интидилар.

Лекин фронт линиялари ҳар бир санъаткорнинг қалби орқали ўтар эди. Шунинг учун биз санъаткорлар фронтга боришга, концертлар беришга совет аскарларини жанг олдиан руҳлантиришга, ўзбек санъатининг голиблик қуд-

ратини кўрсатишга аҳд қилдик. Турмуш ўртоғим Москвада эди. Мен туғри Усмон Юсупов хузурига бориб, дилимдагини айтдим. «Сен СССР халқ артисти унвонига сазовор бўлган ягона санъаткоримсан, бунинг устига депутатсан», дедилар. Мен ўз набатида жангчилар дардига малҳам бў-



СССР халқ артисти Ҳалима Носирова набираси билан.

лиш зарурлигини айтиб қўндирдим. Биз Туркманiston, Озарбойжон орқали ўтдик. Поезд вагонларидан тортиб госпиталларда ҳам, олдинги маррага интилаётган жангчи давраларида ҳам бўлдик.

— Сизларнинг делегациянгиз составида кимлар бор эди?

— Абдуқодир Исмоилов. Биз уни Абдуқодир найчи дердик. Уста Олим Комилов доира, Наби Ҳасанов гижжак чаларди. Мукаррама Турғунбоева рақсга тушарди. Мен ҳам ашула айтардим, ҳам конференсьелик қилардим. Бунинг устига, лекциялар ўқирдик, суҳбатлар ўтказардик. Кавказ остоналаридаги кўпгина кон-

цертларимизда Тожикистоннинг сеvimли артистларидан бири Валломатзода ҳам бирга бўлганди.

— Узингиз куйлаган жанг кўшиқлари ҳануз эсингиздадир?

— Албатта. Ҳар бир учрашув, концерт программасини ўша заҳоти тайёрлардик. Кўпроқ инқилобий кўшиқлар айтилардик. Қисқа муддатда «Землянка», «Победа», «Зелений платок» кўшиқларини ўргандим. Баъзан ўзим шеър ёзардим, унга куй басталардик-да, айтишга тушардик. Ахир, кўшиқ давр билан ҳамнафас бўлиши керак-да!

— 1942 йилнинг январида Тошкентга қайтган эдингизми? Шундан кейинги ижодий фаолиятингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

Каримова, Карим Алиев, Абдулсум Тўйчиев ҳамроҳ бўлишди. Ундан Ленинградга ўтдик. Эндигина қамалдан чиққан шахар меҳнаткашларини жангчиларга руҳий мадад беришдан ортиқ бахт бормиди!

— Сурони йиллар давомида республикамиз ва унинг шахарлари адабиёт ва санъат намоёндалари учун ҳам ижод, ҳам жанг майдони бўлган, шундайми?

— Албатта! 1941 йилнинг охирларидан бошлаб Алексей Толстой, Николай Погодин, Корней Чуковский, Якуб Колас, Эди Огнецвет сингари атоқли ёзувчилар, академиклар, санъаткорлар Тошкентда яшаб, ижод қилдилар. Шунингдек, улар сафида немис шоири Иоганнес Бехер, венгер Эмиль Мадарас, Шандор Тергей ва бошқалар бор эди. Тошкентда «Советский писатель» нашриётининг филиали ташкил этилди, унда ўзбек ва рус ёзувчиларининг ўнлаб асарлари нашр қилинди, адабиёт, театр, кино ва бошқа соҳаларда урушни фош этувчи ишлар авж олдириб юборилди.

— Атоқли адиб ва санъаткорларнинг ўзбек зёбиларига таъсири ҳақида нима дейсиз?

— Бу ҳақда кўплаб мисол келтириш мумкин. Бу албатта, ўз самарасини берди. Адабиёт ва санъат асарларимизда интернационалик илдиэлари чуқурлашди, бойиди, камол топди. 1943 йилнинг қишини сира унутмайман. Ана шундай оғир ва суронли дамларда пойтахтимиз Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлиб ўтди, ҳаяжонли учрашувларда Ойбек, Ислом шоир, Гафур Гулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳодид Зариф, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Изат Султон, Л. Пенёвский, В. Державин ва бошқалар иштирок этишди. Ўзбек ёзувчилари асарларининг кўргазмаси бўлди, биз санъаткорлар эса, меҳнаткашлар ҳузурида ўз санъатини намоёйиш этдик. Тантанали кечада атоқли ёзувчи А. Фадеев оташин нуқъ сўзлади. А. Толстой, М. Рильский, К. Чуковский, И. Эренбург, В. Горбатов, Я. Колас, Новиков-Прибой ва бошқалар янги асарларини тухфа этдилар. Изат Султоннинг «Бургут парвози», Комил Яшин ва Амин Умарийнинг «Ҳамза» асарларидан парчалар ўқилди.

Шу ўринда яна бир воқеага тўхталиб ўтмоқчиман. Алексей Толстой билан суҳбатимиз қизгин ўтар, унинг нигоҳидан немис фашистларига нисбатан газаби балқир эди. Унинг асарлари, айниқса публицистикаси ўқдек нишонга тегади. Қунларнинг бирида А. Толстой гоъта хафа кўриди. Биз унинг кайфиятини сезиб турардик. Бир кун аввал немислар Ясная Полянани яқсон қилганлиги ҳақидаги хабарини эшитгандик. Орадан кўп ўтмай, «Правда Востока» газетасида «Ясная Полянадаги гитлерчи фашистларга ўлим» мақоласи эълон қилинди. Мақолага А. Толстой, Каблук, Графтио, СССР халқ артисти Михоэлс, ёзувчилар Н. Погодин, Я. Колас, А. Ахматова, Ҳ. Олимжон, И. Уткин сингари адиблар қаторида мен ҳам кўп кўйган эдим.

Алексей Толстой деярли тиним билмасди. Ҳали ёш ижодкорлар билан учурларди, уларга йўл-йўриқ берарди, ҳали театрларга янги пьесаларини юборарди, режиссёрлар билан алоқа қиларди. Фарғонага борганида: «Фарғона—Совет Иттифоқининг дурдоналаридан бири», деб севиhib ёзган. Куйбишев шахрида бўлган учрашувларда бевосита бирга бўлганман. Ишчилар, жангчилар даврасида Алексей Толстой янги асарларидан парча ўқирди, мен ўзбек ва рус кўшиқларини куйлардим. Куйбишев шахрида бўлган юзлаб учрашувдан тушган маблагни тинчлик фондида ўтказганмиз. Мен Ленин ҳамда Давлат мукофотлари комитетининг аъзоси эдим, шу ерда йигилиш бўлди. Буюк пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг рафиқаси — Людмила Ильинична ва қизининг меҳмони бўлдик. Яшин «Ўлим босқинчиларга» пьесасини ёзмоқда эди. Март ойининг охирлари бўлса керак. Яшин ака меҳмонхонага севиhib кириб: «Бу англикни эшитдингизми, ўзбеклардан қахрамон чиқибди. Қўчқор Турдиев Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлибди», деб қолди. Сўнг газеталарда босилган «Душман истеҳкомини забт этган қахрамон» мақоласини ўқидик.

Бу ерда машҳур санъаткорлар билан тез-тез мулоқотда бўлардик. Атоқли композитор Д. Шостаковичнинг «Еттинчи симфонияси»ни тинглар эканмиз, мардик ва жасоратга ундовчи куйдан хайратга тушганмиз, композитор А. Б. Гольденвейзер, актёр ва режиссёрлардан И. Н. Барсенов, В. Л. Ершов, rassom С. В. Герасимов, скульптор С. Д. Меркулов ва бошқа санъаткорларнинг кўзларидан юм-юм ёш оққанини кўрганмиз.

— Бу атоқли адиблар санъатингизга эҳтиром билан қарашар эди; мумкин бўлса, шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Алексей Толстой, Анна Ахматова, Николай Погодин, rassom Александр Герасимов ва бошқалар санъаткорларимиз ҳақида тўлиб-тошиб гапиришарди, айниқса ўзбек халқ кўшиқларини ардоқлашарди. Урушдан анча олдин Станиславский ва Немирович-Данченконинг «Булбулла ўхшаш овозинг бор» деганларидан ҳали-хали фахрлибди юрман. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда хореография билим юрти ташкил этилди. Унда ўнлаб маҳаллий ёшлар ҳам таҳсил кўра бошладди. Н. А. Римской-Корсаков номли Ленинград Давлат консерваторияси уруш йиллари эвакуация қилинди. И. Мусин, А. Меролич, Е. Брик, П. Серебряков, В. Шер, М. Штейнберг, О. Чижко, В. Арапов, В. Волошинов, Ю. Тюлин ва бошқа педагог, композитор ва актёрлар билан ҳаммавақт бирга бўлардик, бир-биримиздан ўрганиб, ўргатардик.

Биз санъаткорлар гоҳ жанг майдонида, гоҳ эса тинч қурилиш жабҳасида хизмат қилиб, адолатли урушнинг ғалаба қозонишига муносиб ҳиссамизни қўшганмиз.

— Сиз Ғалаба ҳақидаги хушхабарни қаерда эшитдингиз?

— Уша айём кунлари Озарбойжонда эдим. Ингилиш президиумида ўтиргандик. «Ғалаба! Ғалаба!» деб қолишди. Бу чексиз хурсандчиликдан ҳушимдан кетиб қолибман. Кейин Тошкентга қайтдим. Мени зудлик билан Москвага қақириб қолишди. Москва, Ленинград, Украина, Белоруссиянинг атоқли санъаткорларидан бир гуруҳини Берлинга юборишмоқчи бўлишди. 30 нафар санъаткорлар орасида Кавказдан Кнариий Григорян, Урта Осиё республикаларидан эса мен бу шарафга муяссар бўлдим. Берлинда бизлар жангчилар, генераллар ҳузурида бир неча концерт бердик. Ана шундай концертларнинг бирига ташнаётганимизда, машинамиз ҳалокатга учради. Мен ҳушимдан кетибман. Ўзимга келсам, касалхонада ётибман, қаттиқ ярадор бўлибман. Берлинда уч ой даволаhib, Тошкентга қайтдим.

Суронли беш йил давомида машҳур саркардалар, ҳарбий қисмларнинг ташаккуриуи дил сўзларини эшитишга муяссар бўлдик. Мана, шундай Фахрий ёрликлардан бири...

Опа СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги санъат ишлари бўйича комитет раиси М. Б. Храпченко, СССР санъат ходимлари касба союзулари Марказий Комитети раиси А. В. Покровский, Марказий ҳарбий-оталиқ комиссиясининг масъул секретари Ю. Л. Любичкий имзоси билан берилган Фахрий ёрликни кўлимга тутди. Унда 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан уруши даврида қаҳрамонона Қизил Армия, Ҳарбий Денгиз Флоти қисмлари ва ички ишлар комиссарлиги жангчилари устидан маданий оталиқ соҳасидаги серкирра фаолияти ва жасорати учун Фахрий ёрлик билан мукофотланганлиги қайд этилганди.

— Ҳалима опа, Улуғ Ватан уруши йилларида биргина Совет Иттифоқи ўзининг 20 миллион фарзандини жудо бўлди. Лекин бугунги кунда уруш оловини ёқувчилар ҳам учраб турибди.

— Ҳақиқатан, америкалик айрим корчалонлар уруш оловини ёкишга шайланмоқдалар. Лекин улар қанчалик чиранишман, барибир. Тинчликсевар халқларнинг адолатли мушти башарасига қандай тушганини ўзлари сезмай қолишади. Кимки бировга чоҳ қаза, албатта унга ўзи кулайди. Мен ер юзининг биор бир нуқтасида уруш бўлма-син, дейман. Бизнинг фарзандларимиз бахтиёр яшасин, камол топиб, ота-оналарининг шонли анъаналарини давом эттирсин, дейман.

— Улуғ Ватан уруши йилларида ўз санъатини жанг майдонларида намоёйиш қилган ва халқка самимият билан хизмат қилган, Ҳалима опа Сизга ва сизнинг сафдошларингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Сухбатни  
Мирзакарим ПИРМАТОВ  
олиб борди.



## Чақирилмаган меҳмонлар

Филларни ақлли ва эҳтиёткор ҳайвонлар деб ҳисобилашади. Одатда, унинг ёввойи подалари одамлардан узоқроқда яшашга ҳаракат қиладилар. Шуниси ажбаладирки, ўн битта ёввойи фил чакалакзорни тарк этиб, Хиндистоннинг жануубидаги йирик саноатлашган Бангалора шаҳрининг чек-санадаги манго плантацияларига жойлашиб олдилар.

Полиция ходимлари ва ўрмончиларнинг «чақирилмаган меҳмонлар»га қарши ҳар қандай уринишлари нажиасиз қолди. Филлар плантациядан жилмадилар. Полиция плантация ёнидан ўтиб борувчиларни ёввойи филларга яқин келтирмаслик учун постлар ташкил этди. Маълумки, улар билан ҳазиллашиб қимматга тушиби мумкин.

## Ёмғирлар фасли

Узоқ вақт давом этган қуроқчиликдан сўнг Эфиопияда бутун мамлакат бўйлаб кўндан кутилган ёмғир бошланди. Дехқон далаларига ва сувсиз шудгор ерларга жон кирди. Вақтида бошланган ёмғир мамлакатнинг шимол-шарқидидаги Данакил чўлидан ташқари ҳамма территорияда ёғиб турибди. Метеорологларнинг фикрига кўра, одатда июндан то сентябрга ойгача бўлган ёмғир мавсумида ёғин кўп бўлади.

## Асарларлар ҳужуми

Аҳоли зич жойлашган Панама пойтахтининг Обарро районидан икки қурувчи африка арларининг ҳужуми дуч келдилар. Улар бинони ремонт қилар эдилар. Қурувчилар бурчакдаги эски цемент парчасини кўчирганда ҳашарот уяси очилиб қолди. Бу жойга яқин бўлган бир аёлга арлар ёпишди. Ҳар учаласини ҳам оғир аҳволда касалхонага жўнатишди.

Панамада африка асарларининг пайдо бўлиши биринчи марта кузатишмоқда. Шу вақтгача арлар кўпроқ қишлоқ жойларидаги сув ҳавзалари атрофида учради.

# АСАЛАРИЧИЛИК ВА ҲОСИЛДОРЛИК

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май пленумида КПСС XXVI съезди қарорларида кўзда тутилган Озёқ-овқат программасининг 1990 йилларгача мўлжалланган тадбирлари ишлаб чиқилди. Мазкур тадбирлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш ва белгиланган мўддат охиригача аҳолининг озёқ-овқат маҳсулотларига муттасил ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондиришга қаратилган. Бунга эришиш учун қишлоқ хўжалиги тармоқларини муайян план асосида интенсив ривожлантириш, унумдорликни ошириш, барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигини кенг миқёсда ривожлантириш зарур.

Асаларичилик — қишлоқ хўжалигининг сердаромад, оз маблаг сарфлаб, мўл ҳосил этиштириш мумкин бўлган тармоқларидан бири. Етти хазинанинг бири бўлган асаларичилик парҳез озиқа манбаи бўлиш билан бирга, медицинага асалари елими, мўми, «сути» каби шифобахш асалари заҳари етказиб берадиган ўзига хос табиий фабрика ҳамдир.

Асал — гулли ўсимликлар ва асалари маҳсулидир. Ишчи асаларилар гул нектарини инига келтириб, ёш ишчи асалариларга («асалпазлар»га) беради. Улар аса мазкур томини ютиб, (250 мартагача) қайта чиқариб, кейин махсус мумкатакларга жойлайдилар. Агар даставвал келтирилган нектарда 70—80 фоиз сув бўлган бўлса, асалариларнинг қайта ишлаши натижасида ўша томчилар тўла-тўкини асалга айланади.

Асалари оилаларининг асал тўплаши ҳар хил бўлиб, у мавсумга, иқлимга, географик ўринга ва бошқа нарсаларнинг таъсирига боғлиқ. Урта ҳисобда бир қути асалари оиласи бир мавсумда 20 килограмм асал ҳосил қилади.

Асалариларнинг маҳсулотидан айниқса доривор сифатида фойдаланиш қадимдан маълум. Меллоддан аввал яшаб, 90 йил умр кўрган математик Пифагор доимо асал истеъмол қилган. Файласуф Демокритдан сиз қандай қилиб «зоқ умр кўрдингиз, деб сўрашганда, у: «Мен ичимни асал билан, ташимни (танамни) ёғ билан мойладим», деб жавоб берган. Медицина фанининг оталари Гипократ ва Абу Али ибн Сино асалнинг минг бир дардга

даво бўлишини амалда ишотлашган. Шу сабабли ҳам жуда қадим замонлардаёқ асални умрни узайтирувчи эликсер — «обиҳаёт» деб аташган.

Ҳозирги вақтда асалари заҳри, мўми, елими ва «сути» медицинада кенг қўламда қўлланилиб келинмоқда.

Асалари ўзига хос кимёвий лабораториядир. Асалари мўми фақат ишчи асаларининг қорин томонидаги 8 та хитин пластинка остидagi безлардан сизиб чиқади ва пластинка устида қотиб мўмга айланади.

Асаларичилик ҳали ибтидоий жамоа даврида — инсонлар ғорларда яшаб юрган кезлардаёқ тўйимли, шифобахш озиқа сифатида маълум бўлган. Асаларилардан инсон фойдаланганлиги ҳақидаги дастлабки маълумот бундан 6000 йиллар илгари Испаниянинг Валенсия вилоятида топилган. Мана шундан бери асаларичиликда кўп нарса: асалариларни боқиш, парваришlash, асраш, асаларичилик жиҳозлари, маҳсулотларидан фойдаланиш ва ҳоказолар ўзгарди. Бироқ, асалариларнинг ўзи, уларнинг хусусиятлари (бундан 56 млн йиллар илгари) асаларисимонлар пайдо бўлгандан буён ўзгармай келмоқда.

Асаларичиликнинг халқ хўжалигида, айниқса озёқ-овқат саноатида ва медицинадаги аҳамиятини ҳисобга олиб, 1919 йилдаёқ Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. И. Ленин асалариларни асраш, унга зарар келтирилишининг олдини олиш тадбирлари ҳақидаги Декретга имзо чекиди. Мана шу Декрет асосида мамлакатимизда асаларичилик муттасил ўсиб, ривожланиб ва қишлоқ хўжалигининг салмоқли тармоқларидан бирига айланди. Эндиликда фақат республикамизнинг ўзида 103 минг асалари оиласи мавжуд.

Асаларичиликнинг яна бир энг муҳим, хосиятли томини шунданки, бу ҳолис жонкуярлар қишлоқ хўжалик ўсимликларини четдан чангланттириб, уларнинг ҳосилдорлигини оширади. Мана бир неча юз йилдириқ, олимлар олдида гулли ўсимликларни четдан чангланттиришда асаларилардан фойдаланиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Бу масала айниқса ҳозирги кунларда партияимизнинг Озёқ-овқат программасини амалга ошириш учун кураш олиб борилаётган даврда ўз ифодасини топмоқда.

Шу нарса далиллар ва кўп йиллик тажрибалар асосида ишотланганки, асалариларнинг қишлоқ хўжалик ўсимликларини четдан чангланттирилиши натижасида келадиган фойда асаларилардан олинандиган асал, мўм,

елим, асалари заҳари, «сути» каби маҳсулотлардан олинаётган фойдага қараганда бир неча ўн марта кўпроқдир. Чунончи, бундай чангланттириш мевадди дарахтларнинг ҳосилини 50—60 фоизга, узум, сабзавотларни 100—150 фоизга, полиз экинларининг ҳосилини эса 100—250 фоизга оширади.

Беда-йўнғичқа, эспарцит каби дуккакли ўсимликларнинг гуллари шундай тузилганки, агар уларнинг гулларини ҳашаротлар очиб, четдан чангланттирмаса, ҳосил бермайди. Шундай ўсимликлар қаторига анор, анжир, кунжут каби гулли ўсимликларни ҳам киритиш мумкин.

Ўза энг сермахсул нектар берадиган ўсимлик бўлиб, унинг ҳар гектаридан 300 килогача нектар йиғиш мумкин. Улар ўзанинг фақат гулидаги нектардонлардангина эмас, шу билан бирга гул шонаси ёнидаги, япроғидаги нектардонлардан ҳам ажратиб чиқарилади.

Утказилган тажрибаларга кўра, гуллари ана шундай чанглантилганда, пахта ҳосили гектарига 3 центнерга, Ўзбекистон ССР Жиззах асаларичилик совхози асаларичиларининг Қосон, Ульянов райони хўжаликларидан ўтказган тажрибалари бўйича эса пахта ҳосили гектарига 5 центнергача ортар экан.

Юқорида келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик ўсимликларини четдан асаларилар ёрдамида чанглантирилса, фақат қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилдорлиги ортмасдан, балки уларнинг биологик ҳолати ҳам яхшиланади, фойдаланмай қолиб кетадиган гул шираси жамғарилади, асал маҳсулоти ҳам кўпаяди. Масалан, асаларилар билан чангланттириш усули йўлга қўйилса, ҳар гектар майдондан камида 50—60 килограмм соф асал олиш мумкинлиги илмий жиҳатдан ишотланган. Ваҳоланки, республикамизда бу усулни қўллаш яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли қарийб юз минг сўм маблаг фойдаланилмай қолмоқда. Шуни назарда тутиб, асаларичилик ривожланган жойларда (Иттифоки-мизда ҳам, чет элларда ҳам) асаларичилик хўжаликларини билан шартнома тузиб, ҳар гектар йўнғичқа учун 40 сўм, полиз экинларига 30 сўм, кунгабоқарга — 16 сўм сарфлаб, гуллар четдан чангланттирилмоқда.

Бироқ кўпгина хўжаликларда зараркунанда ҳашаротларга қарши заҳарли моддаларни қўллаш натижасида асал маҳсулоти етиштиришга ҳам, ўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига ҳам катта зарар келтирилмоқда. Шуниси ҳам бор-

ки, асаларичиликни гўзага ва бошқа хўжалик экинларига зарар келтирувчи соҳа деб қаровчилар ҳали ҳам оз эмас. Заҳарли моддалар — хоҳ у кучли бўлсин, хоҳ кучсиз бўлсин — фойдали ҳашаротларга зарар эканлиги аллақачон ишотланган. Биологик препаратлар ҳам фойдали ҳашаротларга, шу жумладан, асаларисимонларга қирон келтираётганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Мана шундай бир ёқлама муносабатлар туфайли ҳам асаларичиликнинг республикамиз миқёсида ривожланиш суръати паст. Бир неча ўн йилдириқ, ўлкамизда асаларилар оиласининг сони юз мингдан нарига ўтмаётганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Шуни назарда тутганимиз керакки, кўпчилик олимларимиз Ўрта Осиё шариотида асаларичиликни ривожлантириш учун энг қулай имкониятлар борлигини таъкидламоқдалар. Чунки бу замин пахтазорлар, бедазорлар, поллиз ва боғ-роғлар, бир сўз билан айтганда, табиий асал берадиган ўсимликлар ўлкасидир. Агар кейинги пайтда кенг миқёсда экилаётган оралик экинлар — рапс, перку каби сершира гулли ўсимликлар кўпайиб бораётганлигини эътиборга олсак, бизда асаларичиликни ривожлантиришнинг манбалари ва резервлари битмас-туганмас эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Асаларичилик соҳасида ўлка табиий ресурсларини қидириб топиш, ўрганиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ташкилотлари эътиборига молик бундай масалалар жуда кўпдир.

Тўғри, сўнгги йилларда республикамизда асаларичиликни ривожлантириш борасида баъзи хайрли ишлар амалга ошириляпти. Асаларичилик тармоқларини ўзида мужассамлантирган Ўзбекистон ССР асаларичилик саноати бирлашмасининг ташкил этилиши, янги махсус асаларичилик совхозларининг барпо этилиши албатта қувонарли ҳол. Бироқ булар асаларичилигимизни ривожлантиришда дастлабки қадамлар, ҳолос. Келгусида асаларичиликни ривожлантириш учун ҳар бир гектар гулдаётган гўза майдонларини камида 1—2 та, ҳар бир гектар боғ-роғ, поллиз ва сабзавот экинзорларини 2—3 та асалари оиласи билан таъминлай олсак, асаларичилик республика ва манбаларидан фойдаланиш борасида муваффақиятга эришамиз, десак бўлади.

Республикамизнинг табиий ресурсларидан бундай оқилона фойдаланиш айниқса, гўза гуллари-ни асаларилар билан чангланттириш пахта толасининг сифатини яхшилайди, толасини узайтиради ва унинг пишқиқлигини оширади, кўсақларнинг очилишини 8—10 кунга тезлатади. Шундай қилганда, республикамиз хўжаликларидан ҳам пахтачилик, ҳам асаларичиликни бирдай ривожлантира бориш, мамлакатимиз Озёқ-овқат программасини амалга оширишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилишга ҳеч шубҳа йўқ.

Мурод РАСУЛОВ,  
биология фанлари кандидати

Жиззах

Муҳокама,  
мулоҳаза,  
мунозара

# ЗАМИН ФАРЗАНДИ



**М**АМАДАЛИНИНГ кўнглидаги тугун кечга бориб ҳам ечилмади. Арзимас бўлиб туюлган сўзни юрагидан чиқариб юборолмаётганидан хайрон. Е қарияптими? Элликкаям бормай туриб-а! Йўғ-е. Бўлмасе нима жин урди? Бунақа одати йўқ эди-ку, бунчалик таъсирчан ҳам эмасди...

Алламаҳалгача шийпон атрофини мақсадсиз кездди. Атрофга хомуш кўз югуртирди. Эти жунжикди.

Уринга ҳаммадан кейин кирди. Аммо барибир кўзига уйку илинмади. У ёққа ағдарилсаем, бу ёққа ағдарилсаем кундузги дилсизлик, миясига михланиб олгандек ўша арзиманган нохуш сўз хаёлидан кетмади...

Узиям одамлар олдида, худди ердан чиққандек, тўсатдан пайдо бўлди. Гуриллаб турган кулги сув сепилгандек сўнди. Нима килсин, ўзининг ҳам заиф томони шу. Ҳамма бувайдаликка ўхшаб аскияга ўч. Ўзи айтол-масаям, ҳозиржавоблик билан топиб айтилган, бегараз аскиядан хузур олади, ёзилиб кулади. Кун бўйи насосни юргизолмай хит бўлганди. Бир кўнглининг чигалини ёзиб оларканман-да, деб уларга яқинлашувди. Ҳадеганда кулги қайтиб ўт олавермади. Бир лаҳза кутди. Икки лаҳза... Кейин тилга кирди.

— Тўхтаб қолдиларингми?!

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Кимдир кўзини олиб қочди. Кимнингдир боши эғилди. Кимдир аста қайрилиб кета бошлади. Кулгининг узилиб қолишига, қайта уланмаётганига ўзи, бу ерга келиши сабабчи бўлганлигини энди сездди. Ўртадаги нохуш вазият юки энди ҳамма оғирлиги билан унга ўтди.

— Нима гап ўзи?! Оғизларингга сув олдиларингми?!

Кескин оҳангни бошқалар ҳам сездди. Жавоб берилмасе бўлмасди. Ўртада кирза этиги билан ер чизиб турган Парпи каззоб, — афтидан, одамларни кулдириб турган ўша эди, — бир йўталиб олди-ю:

— Хе, арзиманган гап, — деди жиддий тортиб қолган юзига ёпишмаган илжайиш билан. Яна томоғини кириб, давом этди: — Афсонамамо гап айтаётувдим.

— Эшитайлик-чи.  
— Сизга ёқмасмикин деб турибман.  
— Майли-да.

У атрофдагиларга қаради. Таажубки, уларнинг юзиде маъкулловчи ифода кўрмади. Қизиқиши янада кучайди. Қатъийроқ сўради:

— Эшитайлик!  
Энди ортга қайтиб бўлмасди.  
— Уша гап-да, ҳалиги, — Парпи чайналди. Мамадали биларди уни. Каззоб деганларича бор. Тик гапириб ўрганган. Кутгандай бўлди. Парпи андишани йиғиштирди. — Виставкадан номингизга келган «Москвич» ни айтишман. Бошқага бердирмоқчи бўла-

ётганингиз қайси афсонадан кам. Яна тептекинга. Қизиқ гап-а?!

Мамадалининг қафтларигача совуқ тер чиқиб кетди. Ўзини ушлаш олмай қолди.

— Кўнгли қора бола экансан, — деди газабдан титраб.

Қайрилиб кетаётганиди, ортидан Парпининг:

— Ланг, — деган қахрли сўзини эшитди. Шаҳд билан бурилди. Бир лаҳзада каззоб билан ораларидаги масофа қисқариб, жуда қисқариб қолганини кўрди. Парпининг хиннагидан қисиб, лахтакдек улоқтириб ташлаши, сўнг «бошқа қорангни кўрмай» дейиши тайин эди.

Худди шундай бўлишини кутган одамларнинг кўзидаги ҳадик, ташвиш уни хушига келтирди.

Вақтида ортга қайтди. Юраги безовта дукиллаётган бўлса ҳам, миясига қон тешиб, чаккалари лўқиллаб зиркираса ҳам ўзини тутди. Нозик томирига теккан зилдай сўз «тош» ни кўтарганича, оқсоқ оёғини силтаб-силтаб босганича, тупроқли йўлни чагитиб кета бошлади.

Ортидан кимнингдир:

— Э, товони тикан кўрмаган, у элнинг иши деб оёғини олдириганди, сен дунёгаям келмагандинг, — деганини эшитди.

Ким айтиди бунни, фарқлай олмади. Фарқлайдиган аҳволда эмасди. Тезроқ шу сўздан, у яна кўзгаб қўйган узок, оғир хотиралардан узоклаб кетишни кўзлаб, оёғига зўр берди.

...У оилада ёлғиз бола эди. Элга эрта қўшилиб, ота-онасининг бошини осмонга етказиб юрган Мамадали битта эҳтиётсизлиги билан уларни йиллаб ташвишга қўйди.

Пайшкан! Бу сўз унинг илк севинчи ва армони бўлиб, ҳаётига бир умр муҳрланиб қолди. Сарикўргон тўғони курила бошлаганда, ўн уч-ўн тўрт яшар ўсемир эди. Улар энди бола эмас, ўйинқароқ болалигини оталари ва акалари ўзлари билан урушга олиб кетишган, юртнинг юмуши мана шу ўсемирларга қолган. Мамадали биринчилар қаторида тўғон курилишига жўнади.

Сарикўрди — у турилган Ойимқишлоқдан олтинчи чақирим нарида, Сўх дарёси энг безовта оқадиган тепаликдаги тошлоқ йўл. Шунча масофага аксарият пиёда борилганидан товолар ёрилиб, болдирилар шишиб кетарди. Пайшканка номи шундан олинган, бора-бора Пайшкан бўлиб, ҳалқ курилишининг атамасига айланиб кетганди.

...Уша кунни галтак аравачада тош ташинди. Баъзан бундай ишлар ким ўзарга айланиб кетарди-ю, чарчоқни билишқанди. Уларнинг ғайратини кўриб яйрайдиғанлар ҳам, чиранишларини томоша қиладиган хангоматалаблар ҳам бўларди. Бир гал худди шулар унинг аравачасига катта харсангни ортиб беришди. У майна қилмоқчи бўлишганини сезиб турувди. Аравачасини зўрга кўзготди. Чиранганича икки-уч қадам босди. Зилдай тош бир жойда турмас, гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга юмалаб кийнарди. У атрофга қарамасликка, кулгига жуфтланган оғизларни кўрмасликка, бир текис юришга уриниб олдиларди. Қафтлари эзилди. Билаклари толди. Оёклариде қалтироқ турди. Шундайам қайсарлик билан аравачани кўлдан қўймади. Аввал чиранмаслик керак

эди. Дарёнинг қуриб, ҳар жой-ҳар жойи ўрага айланиб кетган бир ўзани устига тахта ташланиб, омонат йўл қилинганди. Мамадали букилиб, майиниб, дақиқа сайин шу йўлакка яқинлашарди. Одамларнинг ҳазили ташвишига айланиб: «Тўхта, ташла» деган ҳаяжонли сўзлари ҳам қор қилмади. Миясида: «Етиб бораман», деган ўй ўрнашиб, қарахт қилиб қўйганди. Аммо бардошнинг ҳам чеки бор экан. Тахтанинг белига келганда кўзи тинди-ю, бир сония, фақат бир сониягина ўзини бошқаролмай қолди. Аввал ўзи кулади, сўнг аравачадаги тош оёғига келиб тушиди.

Уни ўрадан тортиб олишаётганда хуши жойида эди. Кимнингдир: «Тирик қолса, бу боланинг иродаси тоғни енгади», деганини худди тушида эшитгандай бўлди. Қолганини эслаш олмайди.

Уша надоматли кунларда кўз олдида Сарикўргоннинг даштларида, Ойимқишлоқнинг сертупроқ кўчаларида чопқиллаб юрганлари кўп ўтар, улар ҳаётда энг масрур кунлар эканини орзиқиш билан эслаар эди. «Мабодо қайта оёққа турсам, оёкларим танамни кўтариб юролса, сонга қўшилиб, бир йўғитинг ишини қилолсам, ота-онаминг қўзига қайта нур севинч беролсам, армоним йўқ», деган нидо юрагига ўрнашиб олган эди.

Ойнинг ўн беши ёруғ... Дилидаги сўз армон бўлиб қолмади. Ҳасасага таяниб бўлса-да, қиллоғига ўз оёғи билан кириб келди. Қувватга кирди-ю, фақат меҳнатни билди, қайси ишда бўлмасан, тенг-тушларидан қолшмасликка тиришар, кетмон чопиқма, пахта теришми — далага улардан эрта кирар, даладан кечроқ чиқар эди. Тез орада эътиборга ҳам тушиди. Бригадирликка кўтарилди.

Лекин чўлоқ деган номи бор. Унга кўникмай илож қанча. Аммо, юзингга шундайсан деб турса, барибир вужудингни ўйиб кетаркан.

Асли ҳали Парпининг хиннагидан олса, ҳеч бўлмаганда бир оғиз сўз билан лой қилиб қўйса, хуморидан чиқармади. Бунчалик тўлғониб ётмасмиди?! Йўқ, ундай қилолмас эди. Ушандай қилганида, кўнгли баттар гашланарди. Яхшиямки, энг қалтис пайтда газабидан, жаҳлидан устун келолди. Унга шунинг ўзи таскин. Аммо бошқа нарсани қийнади. Ўғли тенги боланинг у билан бетма-бет олишадиган даражага нима етказди? Бу ишонсизлик қаёқдан пайдо бўлди? Қайси ҳаракати билан одамларнинг кўнглига озор берувди? Уни мана шу саволлар ўйлантирарди. Шунинг учун ҳам тоғни енгшига қодир иродаси биргина, арзимандай сўзни сингдирилмай юрагини гаш қилаётганди.

Мамадали оғир хотиралар қатига сингиб, кўзи илинганини сезмай қолди.

У қаердир, афтидан тожда унутилиб қолдирилган челакининг даранглаб тушганидан уйғониб кетди. Қўқон шамолнинг бўғотларга беҳаоловат келиб урилганини эшитди. Ҳамхоналарини беҳузур қилмаслик учун чирокни ёқмади. Чопонини елкасига омонат ташлаб, туртиниб-сурилиб ташқарига йўналди.

Шошилиб шийпоннинг ортга юрди. Сезгандай, бу чанг хирмон ёнидан бошланган, четлари губорли тонг қўйнида кўринмай

ЗАМИН  
ФАРЗАНДИ

ётган пайкаллардан кўтарилаётганда. Дақиқа сайин забтига олаётган шамол тупроқ шопираётганда.

Шамолга қўшилиб, Мамадалининг кўнглидаги галаён ҳам қучайди. Чигит нима бўлади?! Тупроққа қўшилиб, шопирилиб кетади-ку! Яна қачон қайта экиб улгуришадими?!

Мамадали челақни кўтариб, ичкарига шошди. Айвондан тушиб келаётган Иигитали ошпазни кўриб, зизга қайтарди.

— Иигитларни уйот!

Бир пасда ичкари олатаси бўлиб кетди. — Биноидек тушнинг бошини единг-а, қилиги совук, — деди энг чеккада ётадиган Абдурахим кирзасини оёнга тортаётди.

— Естигингни остига бостириб қўй, кечкурун қолган жойидан олаверасан, — шу заҳоти жавоб қилди Иигитали.

Иигитали — шахматчи. Бригаданинг чемпиони. Аскияда ҳам «грессмейстер».

У Абдулазизнинг: «Уйқуни кемтик қилдинг-а, кемтик», Турғунбойнинг: «Қилиғиям шўрвасидан тўзис» деган сўзларига ҳеч тўхтамай «қарши юриш» қилганча, ҳаммани ташқарига, бригадирнинг ёнига бошлаб чиқди.

— Пақир неча, — сўради Мамадали ундан.

— Тўртта, нимаиди?

— Кам.

— Иккита кострюль, учта жом бор, нимаиди?

— Яхши, опчиқ ҳаммасини.

Сал фурсат ўтмай бригаданинг ҳамма аъзоси — Йигирмата Йигит челақ, кострюль, тоғора, жомлар билан курулланиб, пайкал бошига, шамолга қарши жангга чиқиб кетди.

Энг аввал Турғунбой ҳолдан тойдди. У ҳали оқаришиб турган, қирланган докага ўхшаш чанг ўрлаётган жойга юпка қилиб сув сепида, қўлидаги челақни жўякка ташлади.

Бу усул Мамадалининг хаёлига тўсатдан келди. Йил ўзи галати бошланди. Экин-тикин кезлари гоҳ шамол, гоҳ қалин ёмғир иш маромини издан чиқариб турди. Шунга қарамай, экинни ўн олтинчи апрелдаёқ тамомлаб олишди. Чигит уч-тўрт кунда унгуси эди. Аммо олди уруғ ташланганига ўн беш кун бўлди, гўза юз кўрсатмади. Бу орада у кирмаган жўяк, кавлаб кўрмаган уя кам қолди. На унади, на чирийди. Ҳадеганда бир тўхтама қелинавермади.

Чигит нобоп экан. Заводагиларнинг озгина эҳтиётсизлиги оқибати апрелнинг охирига келиб аниқланди. Шошилиш янги уруғ етказиб берилди-ю, аммо бунгача пахтакор учун ҳар дақиқаси зарга тенг ўн беш кун бехуда ёниб, деҳқонларнинг юрагини ёндириб ўтиб кетди. Бош чангаллаб юрган бир Мамадали эмас экан. Қўшни бригадалар ва қўриқдаги Держинский номи совхозда ҳам шу аҳвол рўй берибди.

Эндигина қайта экиб, гўзалари юз кўрсатишини жон ҳовучлаб қутишаётганда бунақанги кучли шамол дард устига чипқон эди. Унга қарши бирон чора топиш зарур. Мамадалининг хаёлига келгани шу бўлди: пақирлаб бўлса-да сув сепиб, тупроқни мустаҳкамлаш, эндигина унаётган чигитни асраб қолиш керак! У иложсизликдан шундай қилаётганини биларди.

Одамларга қарамасликка уринди. Коллектордан тинимсиз сув ташийди. Чошгоҳга бориб, учинчи майдонни бўлишди. Унинг ичини кемираётган ариқнинг этагидаги йигирма гектарлик эди. Унга сув қўйишни кечаёқ ўйлаб қўйган эди. Аксига олиб, насос тузала қолмади. Чўлнинг иши ҳалиям қийин, насоссиз бир томчи сув чиқмайди.

Ҳадемай ҳай-ҳайлаш ҳам, илмоқли қочиримлар-у, ҳатто сайроқи беданадай доим тобида турадиган Иигиталининг аскияси ҳам тиниб қолди. Ҳамон шашти қайтмаган шамолнинг увиллаши орасида шарт-шурт қадам товушларию, сувнинг жўякларга «шилп» этиб урилиши эшитилади. Одамлар чарчади. Турғунбойга ўхшаш битта-яримта-

— ҳисоба олмас, ҳеч ким сафдан чиқмади.

Мамадали қанчалик юраги кенг, кечиримли бўлгани билан жиндай қахрли ҳам. Парпи билан ораларидан қанча гап ўтган бўлса, ўтди. Аммо шундай пайтда унинг ола чиқисини сира кечирмайди, кечиролмас керак?!

Билади. Каззобнинг ўтган куздан бери феъли айниган. Сабаби ўша, машина машмашси. Районда бир тартиб бор. Ҳар йили ҳосилдорликни эллик центнердан оширган бригадага битта машина ажратилади. Уни кимга беришни бригада коллективи ҳал қилади. Қонда даражасига кўтарилиб қолган бу тартибни бузишга раиснинг ҳам, райком котибининг ҳам, ҳатто ажрим чиқарувчи райжрокомнинг ҳам ҳаққи йўқ.

Мамадалининг бригадаси яқин ўн йилдан бери ҳар сафар машина олади. Ўтган йилгисига Парпи талабгор эди. Лекин коллектив бошқача, механизатор Абдулазиз Мухторовга лозим қўрди. Парпининг бригадага келганига беш йил ҳам бўлгани йўқ. Абдулазиз бўлса, ўн беш йилдан бери йўл чангини ютади. Чигитни ҳамма ерга юз фозиз бир ўзи эқди. «Машина шунга лозим», дейишди.

Мамадалининг ҳам ўз фикри бор эди. Шундай бўлсаю, коллективнинг таклифига қўл қўтарди.

Парпи ўшандан бери гашилик қилади. Шу баҳор эса янаям ошириб юборди. Ҳатто афсона тўқишгача борибди, кечаги ноҳуш сўз яна хаёлига келди Мамадалининг. Тўғри, бу сафарги машинадан ҳеч ким умидвор эмас эди. «Бригадирнинг ўзи олади», деб ўйлашганди. Негаки, Москвадан Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўрғазмасидан шаҳсан унинг номига келган, ҳам бепул эди. Бу гал ягона ҳуқуқ ва овоз ўзида эканлигидан фойдаланган Мамадали кўнглидаги ниятини амалга оширди. «Машина химизатор Содиқ Пўлатовга бўлсин», деб туриб олди. Аввалига ишонилмади. Жиддийлигини сезишгач, турли гаплар бўлди. «Шунча пуллик буюминг теп-текинга бериб юбориш «қизигу», дегувчилар ҳам топилди. Парпи айниқса қаттиқ куйди.

Мамадали сўзини қайтиб олмади. Бунга ўрганамади. Ўша ўсмирлигида тош кўтариб бели чиққанда ҳам сўздан қайтмаган, энди қайтармиди? Қолаверса, Содиқнинг меҳнати ҳамманикдан оғирлигини бир у эмас, бригадада барча билади-ку. Аслида

пахта егштираётган мана шунлар — Содиқ, Абдурахим, Турғунлар, Мамадали буни унутармиди, унута олармиди!

Пахта уни одам қилди. Ногирон бўлсаю, тенг-туши орасида кўзга кўрсатди. Мажлис-ларда юқоридан жой бердирган, тўйларда тўрга ўтказган, номини Мамадали Усмонов қилиб бутун Фарғонага ёйдирган, кўкрагига Ленин орденигача тақиб қўйган, республика Олий Советига депутат, райком бюросига аъзо қилган мана шу, пахта! Пахтани суяди, пахтани суйганларни суяди. «Унга фидо-корлик қилганларга жонимни берсам», дейди. «Буни ҳамма билар, тушунар», деб юрдани. Лекин Парпига ўхшаганлар...

Шамол Мамадалининг ўйларини, ҳисларини тўзгитарди. Челақ, жом кўтарган, катта далада куймаланиб юрган йигирмата эркекнинг эгни шалаббо бўлиб, бадан-баданидан совуқ ўтса ҳам, қўзларига чанг тўлса ҳам, уларнинг бўш келмаётгани кўнглига тақсим берарди.

Бир пайт у шамолнинг гувиллаши орасида насос моторининг овозини эшитгандай бўлди. Қўлидаги челақни ерга қўйиб, астойдилроқ тинглади. Ҳа, айнан ўзи. Кеча кун бўйи тузалмай жонни ҳалак қилган насоснинг овози. Бу — йигирма гектарлик майдонга ҳам сув етди дегани. Бу — галаба дегани. У силтаниб насос ўрнатилган коллектор томон юриб кетди.

У ерда куймаланиб юрган одамни кўриб, аввал кўзларига ишонмади. Парпи, Парпи-ку! Каззоб-а?! Ахир, у бригадасига келмасдан олдин шофёрлик қиларди, нега шу олдинроқ хаёлимга келмади экан. «Ҳай, умринг баракали бўлгур-ей. Мен бўлсам сени...»

Шу паллада Мамадалининг кўнглига чаёндай ёпишиб, кемириб ётган гашилик супирилиб кетгандай бўлди. Шу гашилик сабаб бўлган гина-кудуратларни унутиб, Парпини бағрига босгиси, пешонасидан ўнгиси келди. Пешидан кейин шамолнинг шашти пасайди, иш ҳам охирлаб қолаёзди. Ҳув нарида, офтобўя қилиб солинган шийон томондан ошпаз Иигиталининг «тутуни» ўрлай бошлади.

Бригаданинг яна бир оддий куни ўтиб борарди.

Сайдали ОДИЛОВ

Фарғона



Қаҳрамон бобо. (Совет Иттифоқи Қаҳрамони Солтқ Умаров наби-раси билан). В. Мосин фотоси

# ЖАСОРАТ ЎЛКАСИ

Инсоният бошига мислсиз кулфатлар солган ёвуз фашизмни тор-мор этишда Қизил Армиянинг барча ҳарбий эҳтиёжларини қондириб турган мамлакат ичкарасидаги меҳнаткашларнинг матонат ва жасорати бекибдир.

Душман мамлакатимизнинг муҳим саноат районларини босиб олди, бундан ташқари унинг қўл остидаги кўплаб мамлакатларнинг қорхоналари герман фашизми учун ишларди. Ана шундай оғир бир шароитда партиямиз халқ хўжалигини ҳарбий изга солиб юбориш учун зудлик билан кескин чора-тадбирларни амалга оширди. Олчоқ ёвга нисбатан вужди нафрат билан довуллаган мамлакат ичкарасидаги меҳнаткашлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан, бутун куч ва имкониятларини фронтнинг ҳарбий эҳтиёжларини қондиришга сафарбар этдилар. Бу меҳнатчилар асосан кексалар, аёллар, ўсмир ёшлар эдилар.

Жанг майдонларидаги муваффақиятлар кўп жиҳатдан ана шу меҳнаткашларнинг фидойилигига боғлиқ эди.

Мамлакат ичкараси ҳам ёвуз душманга қарши курашнинг жангтоҳларидан бирига айланди. Фақат завод ва фабрикалардагина эмас, далалар ва фермаларда ҳам Ғалаба учун ўзига хос жанглар борарди. Бажарилган норма ва нормадан ортиқ етиштирилган маҳсулот душманга қарши йўналтирилган ўқ ва бомба каби кишиларимизга маънавий завқ бағишларди. «Ҳамма нарса фронт учун!» деган жанговар шиор кексаю ёшнинг қалб даъватига айланган, ана шу асосда яшаб, ана шу асосда меҳнат қиларди. Пешонадан шариллаб тер оқса-да, вужуд титраб-қақшаса-да, кунлар баъзан оч,

баъзан наҳор ўтса-да, халқимизнинг маънавий иродаси, буюк эътиқоди, Ватанга садоқати ва оташин муҳаббати оғир, машаққатли синовлардан ғолиб чиқди: ёвузлик махв этилди, инсоният фашизм балосидан араб қолинди.

Жанг майдонлари билан мамлакат ичкарасининг жипслиги ва бирдамлиги, партия билан халқнинг метидек яқдиллиги Буюк Ғалабани таъминлаган бош омил бўлди. Лекин ана шу йўлда — Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун, инсониятнинг истиқболи учун халқимиз берган қурбонлар ва йўқотишларнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Халқимиз тинчликни қадрлашининг, тинчлик абадий барқарор бўлиши йўлида ёвуз кучларга қарши муросасиз ва кескин кураш олиб боришнинг боиси ҳам

шунда. Бу кураш ҳам албатта ғалаба билан яқунлашишига халқимизнинг ишончи комил.

Ватан уруши йилларида — фронтнинг ҳарбий эҳтиёжларини қондириш учун мамлакат ичкарасида сабот-матонат, фидокорлик билан меҳнат қилган халқимиз жасорати ҳам ҳеч қачон унутилмайди, ўша машаққатли йилларда қарор топган жанговар анъаналар янги-янги авлодлар фаолиятида давом этаверади, Ёнгилмас халқимиз жасоратининг буюк ҳикмати ана шунда!

Биз куйида Ўзбекистон ССР Кинофотофонохужжатлар марказий давлат архивидан олинган уруш даврига оид айрим фотосуратларни журналхонлар эътиборига ҳавола этамиз. Зотан, қатрада қуёш акс этганидек, бу суратларда ҳам халқимиз жасорати ўз ифодасини топди.



Наманган областидаги «Хўжалик» котхози аъзолари жангчиларга тақдим этилajak аргумокларни кўздан кечиришмоқдалар.



Фарҳод ГЭСи қурилишида давлат заёмига ёзилиш пайти.



Чирчиқ шаҳридаги қишлоқ хўжалиги заводининг ишчиси Хадича Гумерова ҳар сме-нада 2—2,5 нормадан иш бажарар эди.

# БАЛИҚЧИ ҲИКОЯЛАРИ

М. МАҲМУТОВ



Ўзбекистон меҳнаткашларининг делегацияси ҳаракатдаги Қизил Армия жангчилари ва командирлари даврасида.



Тошкент районидagi «III Интернационал» колхозининг соҳибкори С. Нуридинов етиштирган шириншакар олмалар она-юрт тарафини жангчиларимиз ёлига солиб турган.

МАРДЛИК-МАНГУЛИК

Қорли-кировли киш кунлари аста-секин ўтиб кетди, унинг ўрнини олтин фасл — баҳорнинг фараҳли даври эгаллади. Кунлар илиқ ва сокин, ҳаво зиллодек мусаффо. Дарёлар ва кўллари-мизнинг энг сершовкин пайтлари бошланди: Яқин Шарқ ва Африканинг Жанубий мамлакатларидан сон-саноксиз сув қушлари учиб келишди. Улар ҳар йили бизнинг ўлкамизда, кўлларимизда, дарёларимиз ва сув омборларимизда ўзларининг узоқ муддатли сайр-сайҳатларини ўтказадилар, ҳаёт кечирадилар. Зеро, бу ерда баҳор ва ёз бўйи кунлар иссиқ, ҳамма нарса етарли бўлади. Кўплаб ўрдақлар, чуррақлар, гозлар, қора калхатлар, баклан қушлар, чағалайлар шу ерда болалайдилар ва қишлаб ҳам қоладилар.

Яқинда мен Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлигига қарашли Овчилик хўжалиги ва Қўриқхоналар бош бошқармасининг топшириғига биноан Арнасой ва Ҳайдаркўлда бўлдим. Сафар пайтида ўрмон қоровуллари, балиқчилар ва овчилар билан учрашишга, гулхан атрофида уларнинг қизиқ-қизик ва ҳайрон қорларли ҳикояларини эшитишга муяссар бўлдим.

## Қанотли овчилар

Самарқанд ва Жиззах областлари чегарасида — Шимолий Ҳайдаркўл қирғоғида Жиззах балиқчилик комбинатининг ўн еттинчи бригадаси шийпони жойлашган. Ҳар кун эрталаб қайиқлар қароргоҳи — кристандан моторли қайиқлар кўлнинг кенг саҳнига чиқиб кетади ва кечга яқин бу ерга қайтиб келади.

— Бу йилги балиқ ови мавсуми биз учун ноқулай келди, — дейди балиқчилар бригадари Сергей Ильинов. — Кўлдаги кўпгина сокин кенгликлар қалин муз қатлами билан қопланди. Музлар эриб кетганидан кейингина биз чинаганида балиқ овлаш ишига киришдик. Биз асосан қайиқда юриб, ёйма тўр билан овчилик қиламиз, у ер-бу ерга тўр ташлаб ҳам кўямиз. Бироқ сувга тўр ташлаб қўйишнинг ёмон томони шуки, баҳор бошланиши билан қанотли браконьерлар — йirik денгиз чағалайлари овимизга хавф солиб турадилар...

Эртасига мен бригаданинг ҳикояси ҳақиқатта қанчалик яқинлигини ўз кўзим билан кўрмоқчи бўлдим. Эрталаб жуда барвақт уйғондик. Теварак-атрофимизни туман қоплаб ётарди. Елқалари офтобда қизарган ёш балиқчи Ильинов қайиқни ўзига маълум бўлган белгилар бўйича бошқариб бормоқда. Чунки балиқ тутиш учун ташлаб қўйилган тўр-

ларнинг қаердалиги унга яхши маълум. Қалин туман пардаси ортда ороллар ва яриморолларнинг белгилари кўзга ташланади — зич ўсган қамишлар ва одамнинг бўйи баробар ўсган, сарғайиб кетган ўтлар ўсадди. Бирданига ғарб тарафдан шамол эси, аста-секин туман тарқалиб, узоқларни кўриш мумкин бўлиб қолди. Бир зумдан кейин ҳатто қирғоқ бўйидаги сувнинг шабадада жимирлаб турганини ҳам кўриб турардик.

Бизнинг қайиғимиз кўлнинг кўз илғамас кенглигиде охиста сузиб борарди. Узоқда оқ тахтага ўрнатилган байроқча кўзга ташланади. Бу балиқ тутиш учун қўйилган тўрнинг ўша ердалигини билдирарди. Сергей қайиқни ўша тарафга бурди. Яқинлаб борганимиздан кейин моторни ўчирди-да, қайиқнинг бир учиде ўтириб олганича тўрни кўтара бошлади. Шу пайт оғирлиги тахминан тўрт килограммча келадиган зогора балиқча кўзимиз тушди. Бироқ унинг кўриниши галати эди. Еспирай, нима бу ўзи? Балиқнинг кўзлари ҳам, жабралари ҳам йўқ эди. Юқори қанотлари олдида ёса, кичикроқ тешик бўлиб, нимадир шу тешик орқали балиқнинг ички аъзоларини еб кетган эди.

— Бу нарса — чағалайларнинг қилғилиги, — дея ҳафса бўлиб сўзлариде ёш балиқча. — Бу қушлар одатда фақат катта балиқларни таллашади.

Шу он бир неча жуфт чағалайларнинг овози атрофдаги тинчликни бузди. Биз сергак тортиб атрофга қарадик. Ногоҳон яна қаттиқ қичқириб эшитилди. Қайиқдан сал нарироқда оқ-кўнгир чағалайлар қанот қоқишарди. Улар чағиллашганича биздан уч юз-тўрт юз метр наридаги тўрлар устида айланиб юришарди.

Кўп ўтмай чағалайлардан бири сувга ташланди-да, тумшуғи билан тўрни торта бошлади. Бир маҳал зогорабалиқнинг боши кўринди. Қанотли «ўғри» ёса, ўзининг қора ишларини бошлаб юборди. Мен унинг қилмишини узоқдан дурбин орқали кузатиб ўтирардим.

## Тунги ўғри

— Оққайроқ балигини овлаган-мисиз? Уни овлаш жараёнидаги ҳаяжонни, завқни ҳис этиб кўрган-мисиз? Кичик бир балиқни қармоққа илиб, сувга ташлаб ўтирасиз. Оққайроқ балиғи қармоқдаги балиқчани луқмайи ҳалол биллиб, унга ташланади. Шу пайт қаттиқ силтаниш рўй беради. Балиқ илинган қармоқни кўтарганидаги ҳаяжонни, ундаги тирик

(Охири 19-бетда).



Ўзбекистон жанг майдонларидан эвакуация қилинган минглаб болаларни бағрига олди.

**У**НИНГ номи катта анжуманда самимият ва миннатдорчилик билан тилга олинди. Республика кишлоқ хўжалик илгорларининг кенгашида Сирдарё областининг масъул раҳбарларидан бири шундай деди: «Бугунги кунда деҳқонлар билан олимларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамкорлиги ҳар қачонгидан кўра ёрқин намоён бўлмоқда. Областимиз пахтакорлари кишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда эндиликда самолёт ишлатмаяптилар. Бизда биологик кураш усули кенг миқёсда йўлга қўйилган. Албатта, бунга осонликча эришилмади. Шу ўринда биз гоёт тиришқоқ, сергайрат, биологик курашнинг ажойиб амалий ташкилотчиларидан бири, биология фанлари кандидати Ҳукумат Мирзаалиеванинг номини ифтихор билан тилга оламиз. Раҳмат, шу заҳматкаш олимага! Унинг областимиз далаларини тинмай кезганига бир неча йил бўлди. Шу давр ичида олиманинг бўлмаган жойи, эгатма-эгат юрмаган хўжалиги қолмади. Ҳар бир хўжаликда биология лабораторияси ташкил қилиш учун чинакам жонқуярлик қилди. Экин зараркунандаларига қарши қачон ва қандай курашиш ҳақида пахтакорларимизга, мутахассисларимизга дарс берди, уларни тегишли жойларга тўплаб, бевосита дала шароитига ўргатди. Ҳозир областимиз хўжаликларига 60 та биологатория мавжуд бўлиб, ҳамма хўжаликларда гўзани хашаротлардан биологик усулда муҳофаза қилиш яхши йўлга қўйилган. Бугунги кунда гўзаларнинг ўсув даврида областимиз осмонига бирорта ҳам самолёт учмайди. Бу тadbирнинг атроф-муҳитнинг софлигини сақлашда қанчалик аҳамияти катта бўлса, экинларни зараркунандалардан муҳофаза қилишда химиявий дориворлар ва самолётларнинг ишлатилмаслиги ҳисобига миллион сўмлаб маблағ тежалмоқда. Ҳа, боя айтганимиздек, олимларимизнинг биз деҳқонларга кўрсатган бугунги ёрдами, ҳиммати беқиёс. Ҳукумат Мирзаалиевага ўхшаган оддий олималарни чиндан ҳам ўз ишининг академиклари, деса бўлади!..» Област ижроия комитетининг раиси шундай дея ўз гапига ургу берганида залда гулдурос қарсақлар янгради. Бу, деҳқонларимиз билан кўлиқўлга бериб ишлаётган, уларнинг оғирини енгил қилаётган фидойи олимларимиз шаънига айрилган олқини эди...

Уша куни кечқурун олиманинг кенгашида катнашган танишларидан бири Ҳукумат Мирзаалиеванинг уйига телефон қилиб: — Сирдарёликлар бугунги йиғилишда роса сизнинг таърифингизни келтиришди. Улар юксак минбардан туриб шаънингизга олқишлар ёғдирди. Агар бу олқишларни ўз қулоғингиз билан эшитганингизда бошингиз осмонга етарди, — деди.

Ахир, яхши гапга, эъзозга нима етсин. Телефондан эшитилган хушхабар, илиқ гап Ҳукуматхонни ҳам ҳаяжонлантириб юборди. У тўлқинланиб, чеҳралари қувончдан ёришиб оҳиста дераза олдидаги юмшоқ ўриндикка бориб ўтирди. Узини босиб олгач эса хаёлга толди. «Наҳотки, кўп қатори қилган оддий хизматим шунчалик эътиборга лойиқ бўлса. Катта бир кашфиёт, янгилик қилиб қўйганим йўқ-ку. Камтарона хизматим, одатдаги меҳнатим кўпчиликини қувонтирган бўлса, бунинг учун партиямдан, халқимдан миннатдорман. Мени шу хайрли ишга даъват этган устозларимга, ишмида тиргак бўлган енимдаги ҳамкасбларимга раҳмат!»

Шу фикрлар унинг хаёлидан ўтди. Ҳукуматхон секин ўрнидан туриб деворга осилди, институтни тамомлаш арафасида эсдалик учун тушилган рамкадаги катта суратнинг рўпарасига келди. Суратларга бирма-бир синчиклаб кўз югуртира бошлади: «Владимир Владимирович Яхонтов, — ичида пичирлаб ўқиганча хаёл сурарди у. — Атоқли олим. Ўзбекистонда энтомология фанининг асосчиларидан бири. Олимнинг ажойиб хислатларидан бири шунда эдики, у истеъ-

# ҲОСИЛ ПОСБОНЛАРИ

додли талабаларига бошданоқ катта умид боғлар, иложи борича уларни бағрида — институтда олиб қолиб илмага, фандаги муаммоларни ҳал этишга даъват этарди.»

Уша меҳрибон устоз Ҳукуматхонни ҳам кафедрада олиб қолиб, ундаги истеъдод инқониятларини фан йўлига сафарбар этди. Мана, бугун эса у олима. Биология фанлари кандидати. Ҳозир эса кишлоқ хўжалик экинларини хашаротлардан биологик муҳофаза қилишнинг муҳим муаммоларига бағишланган докторлик диссертацияси устида ҳам муваффақиятли иш олиб борапти. Ҳаммасидан ўзининг илмий-амалий излашилари билан деҳқонларнинг эъзозига сазовор бўлганини айтмайсизми. Жамоки ноз-неъматлар бунёдкори бўлган деҳқонлар билан доимо мулоқотда бўлиш, улар билан ҳамнаво ҳолада инсоият ризқ-насибсининг бут-

бориб, уларнинг ишончли таянчига айланган билимдон, синчқос олима. Албатта, олима ўз ҳаётининг камолот босқичига эришгунча жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирди.

Хушхабарни эшитган ўша кеч у аллама ҳалгача ухламай, ўз кечмишларини хотирлади: туғилиб ўсган юрти Уш областининг Бозорқўрғон районидаги «Комсомол» колхозида ўрта мактабни тамомлағач, Тошкентга келди. Р. Шредер номидаги ҳозирги илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси қошидаги бир йиллик боғдорчилик мактабида ўқиди. Кейин эса Андижон областининг Хўжабод районидаги Киров номи совхозда боғдорчилик агрономи бўлиб ишлади. Сўнгра кишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди. Техникуми имтиёзли диплом билан тамомлаши унинг учун кишлоқ хўжалик институтига



Биология фанлари кандидати Ҳукумат Мирзаалиева.

лигини таъминлаш учун кураш олимага катта куч, маънавий қувват бағишляпти. Шунинг учун у зарур вақтда — деҳқон учун долзарб бўлган пайда унинг ёнида бўлишга, унга ёрдам беришга ошиқади. Олима ҳозиргача республикамизнинг қарийб ҳамма район ва хўжаликларини бирма-бир кезиб, у ерлардаги табиий ва энтомологик шароитларни ўрганиб чиққан десак, муболага бўлмайди. Ҳукуматхон билан суҳбатлашсангиз республикамиздаги колхоз ва совхозларда биологик курашнинг аҳволи қандайлигини, ўша хўжаликларда биология лабораторияси бор ёки йўқлиги, у ердаги хашаротларга қарши биологик курашнинг аҳволини, ҳатто лаборантлару энтомолог агрономларнинг исми-шарифларигача — ҳаммасини бирма-бир айтиб беради. Ҳукуматхон — ўз фаолияти ва ишчанлиги билан кишлоқ деҳқонлари орасига дадил кириб

киришга имконият яратди. Қишлоқ хўжалик институтида эса, ҳали эслаганидек, В. В. Яхонтов сингари етук олимларнинг қўлида сабоқ олди... Мана шу-шу, унинг кейинги йигирма беш йиллик илмий фаолияти Тошкент Қишлоқ хўжалик институти билан, антропоги, Ўсимликларни хашаротлардан биологик муҳофаза қилиш (илгариги энтомология кафедраси) кафедраси билан узвий боғлиқ. Мазкур кафедра коллективининг учун илмий таянч бўлса, деҳқон даласи унинг учун тажриба мактаби бўлиб хизмат қилиб келаяпти. Институт кучоғида ўтган чорак асрлик муддат, олиманинг бошқа ҳамкасбалари учун бўлганидек, унинг учун ҳам ўсиш-интилиш, камолотга эришиш босқичи бўлди. Онаси изидан бориб кетма-кет институтини тамомлаган ўғиллари Бахтиёр ва Муҳаммадиёр ҳам бугун фанда унинг йўлини талладилар. Бахтиёр Оржони-



Социалистик Меҳнат  
Қаҳрамони, Ўзбекистон  
ССР Олий Советининг  
депутати Мунаввар Исо-  
қова.

Оила даврасида.

А. Жумаев фотолари.





Лабораторияда.  
Р. Готов фотоси.



Фарзанд табассуми.  
Т. Горяева фотоси.

А. Даминов. Метро қурилишида.





Тошкент оқшомлари.

А. Жданов фотоси.



Чинни заводида.

А. Жумаев фотоси.

кидзе районидagi Ленин номи колхозда тегилица шароитида сабаоват экинларини хашаротлардан мухофаза қилиш бўйича изланишлар олиб бораётган бўлса, кичик ўгли Мухаммадиёр илмий ходим сифатида гўзани зарарли хашаротлардан мухофаза қилиш соҳасида тадқиқотлар ўтказаетир.

Ушанда Ҳукуматхон бу кунига, эрталаб ишга — кафедрга келганда ҳам ҳамкасб олим-олималар уни ўртага олишиб катта анжуманда у ҳақда бўлган мақтовдан сўз очишди.

— Кенгашда сирдарелик вакиллар Сизни роса таъриф қилишти. Йиғилишда қатнашганлардан эшитиб хурсанд бўлдик, — деди самимий жилмайиб, унга юзланаркан Раъно Улмасбоева.

— Раҳмат, синглим. Деҳқонларнинг эътирофи, миннатдорчилиги ҳаммамизники. Ахир, қанча йиллардан бери биримиз биримизга устозу шоғирд, маслаҳатчи-таянч бўлиб ишлаб, изланиб келаямиз, — дея ички ҳаяжон билан гап бошлади Ҳукуматхон. — Мен қанчалки обрў-эътиборга эришаётган бўлсам, бизнинг умумий ютуғимиз.

Улар шундай дея кафедра мудири Ало-виддин Ҳамроевнинг кабинетига киришди.

— Ҳукуматхон опа, кечаги йиғилишда шаънингизга яхши мақтовлар бўпти. Табриклай-миз, — дея Ҳамроев ҳам ўрнидан туриб олиманинг қўлини қисиб қутлади.

— Раҳмат, бу мақтовлар ҳаммамизга тегишли. Ахир, сизларнинг кўмакларингиз бўлмаганда... — деди оlima ўриндиклардан бирига ўтираркан.

— Кафедрамизнинг истеъодли олималаридан бири кўпнинг назарига тушдим, энди бизнинг ишимизга ҳамма қизиқиш, синчковлик билан қарайди, — деди кафедра аъзоларига юзланиб Ҳамроев. — Қишлоқ хўжалик ходимларининг кечаги йиғилишида ҳам биз олимлар зиммасига катта масъулият юкланди. Ҳар биримиз ўз ишимизни яна бир қарра қайта кўриб чиқишимиз, режаларимизни ишлаб чиқариш шароитига мослаб тузишимиз лозим. Маълумки, Ҳукуматхон Мирзалиевага ўхшаган ходимларимизнинг интилиши, тиниб-тинчимаслиги, жойлардаги хўжалик мутахассислари билан узвий мулоқотда жонкуярлик билан ишлаши туфайли сирдаре области хўжаликлариди гўзани хашаротлардан биологик усулда мухофаза қилишда катта муваффақиятларга эришил-



Доцент Николай Ким дарсда.

ди. Лекин шу область билан бир хил шароитда бўлган Жиззах областида бу борада деярлик силжиш йўқ.

— У ерда ҳам бир неча марта иш бошлаб кўрдикку-я, — дея вазмин илова қилди Ҳукуматхон, — лекин хўжалик раҳбарлари, мутасадди ўртоқлар тегишли шароит яратиш, мутахассис кадрлар тайёрлаш масалаларига етарли эътибор бермадилар-да. Оқибатда бошлаган ишларимиз ҳам ўлда-жўлда қолди...

— Лекин баирбир Жиззах области ташвиши ҳам зиммамизга тушади. У ерда ишчи кучлари мутлақо етишимайди. Биологик курашни ташкил этишга доир кимда қандай мулоҳазалар бўлса, марҳамат, — деди кафедра мудири йиғилганларга бирма-бир кўз югуртиб.

Шундан сўнг кафедра аъзолари, биология фаилари кандидатлари — Ҳукумат Мирзалиева, Раъно Улмасбоева, Тўлқин Ниёзов, Ботир Болтаев ва бошқалар республикамиз областларида экинларни зарарли хашаротлардан биологик мухофаза этишга доир ўз фикрларини билдирдилар.

Кафедра йиғилишида айtilган фикр ва мулоҳазалар асосида хўжаликларнинг шароитларини ҳисобга олган ҳолда илмий иш режаларини қайта кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди.


Биз институтга келганимизда Ҳукумат Мирзалиева дарсда, областлардан келган биологикларнинг ходимлари билан машғулот ўтказаетган эди.

Кенг ва ёруғ аудитория тингловчилар билан тирбанд. Уларнинг кўпчилиги ёшлар. Доскага бўр билан турли схемалар чизилганди. Олима ўша схемаларни бирма-бир кўрсатиб, тингловчиларга нималарнидир тушунтирарди.

Машғулот охирида оlima дарс моҳиятини аниқлашти мақсадида бизга баъзи тингловчиларни таништирди: «Мана, бу ўртоқ Пастдаргом районидаги «Ўзбекистон» колхозиди ташкил этилган хўжаликларро биология лабораториясининг мудири. Исеми-фамилияси Қосим Очилов. Синглимиз Шарифа Собирова эса Амударё районидаги Ленин номи колхоздан келган. Унгадаги партада ўтирган лаборант кизимиз Назира Юнусова Ҳўрронтепа районидаги йирик пахтачилик хўжалиги — Ҳамза номи совхозда хизмат қилади. Бу совхозда 4000 гектар ерга пахта экилади. Шу майдоннинг ҳаммаси биологик усулда хашаротлардан мухофаза қилинмоқда...»

Олима йўл-йўлакай бизга институтнинг ўсимликларни биологик мухофаза қилиш кафедраси қошида ташкил этилган қирқ кунлик курснинг олтинчи навбатида хозир эликдан ошиқ мутахассис кадрлар ўз малакаларини ошираётгани, бунгача эса куз-киш давомиди турли районлардан келган беш юздан ортиқ шундай мутахассислар малакаларини ошириб, ўз хўжаликлариди аллақачон иш бошлаганликларини гапириб берди.

Шундан сўнг биз кафедра мудири, истеъодли олим Аловиддин Ҳамроев билан зарарли хашаротларга қарши биологик кураш хусусиятлари, уни кенг йўлга қўйиш имкониятлари ҳақида суҳбатлашдик.



Ўсимликларни биологик мухофаза қилиш кафедрасининг мудири Аловиддин Ҳамроев. В. Мосин фотолари.

— Мавжуд энтомология кафедраси базасида 1974 йилда СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг махсус буйруғи билан Усимликларни биологик муҳофаза қилиш кафедрасининг ташкил этилиши ишимизнинг йўналишига янада аниқлик киритди, — дея вазмин гап бошлади Аловиддин Ҳамроев. — Биз ўша йиллардан бошлаб Бухоро обласининг Свердлов районидagi Ленин номли, Қоракўл районидagi «Коммунизм» колхозларида экспериментал базалар ташкил этиб, ҳашаротларга қарши биологик курашни бошлаган эдик. У вақтда бу соҳа бўйича хўжаликларда мутахассис кадрлар йўқ эди. Биз экспериментчи олимлар эса студентларнинг кучига суяниб иш кўрардик. Ҳозир эса бутунлай бошқача. Кўпчилик районларда биология лабораториялари бор. Кадрларни тайёрлаш ҳам бирмунча яхши йўлга қўйилди. Лекин жойларда биологик курашга бўлган эътибор, унинг аҳамиятини тушуниш даражаси бир хил эмас. Бунга эътибор, аҳамият кучли жойларда, масалан, Фарғона водийси обласларида, Сирдарё обласи хўжаликларида, Тошкент обласининг баъзи колхоз ва совхозларида иш яхши йўлга қўйилган. Масалан, республикамизда дастлаб 1968 йилда Наманган обласида 200 гектардаги ғўза зараркунанда ҳашаротлардан биологик усулда муҳофаза қилинган бўлса, 1984 йилга келиб Иттифоқ миқёсида 1 миллион 400 гектар майдондаги ғўза шу хил методлар билан ҳимоя қилинди.

Одатда, экинларни биологик усулда муҳофаза қилиш жараёни зарарли ҳашаротларнинг ашаддий кушандалари бўлган энтомофаг (трихограмма, габробракон)ларни махсус лабораторияларда урчиштириш, сўнгра уларни экинзорларга ёйиш ҳамда дендробацилли, битоксибацилли каби микробиологик воситалардан фойдаланиш асосига қурилган. Биологик курашнинг ўз тартиби ва қондалари бор. Биология лабораторияларида энтомофаглар урчиштириш ва озиклантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим. Экинларни биологик муҳофаза қилиш ишига мавсумий юмуш деб қаралмаслиги керак. Биологик кураш билан боғлиқ бўлган ишлар муттасил равишда узлуксиз давом этадиган жараёнди. Афсуски, жойларда бу муҳим тадбирга мунтазам эътибор берилмайди. Масалан, пахта йигимтерим даврида кўпинча биология лабораторияларининг иши нуғутиб қўйилади, ҳатто унга тегишли муҳим ишлар билан банд бўлган мутахассислар пахта теримига тортлади. Оқибатда, хўжалик учун фойдали ва муҳим бўлган иш эътиборсиз қолади.

Биологик кураш билан боғлиқ бўлган яна бир муаммо бизни ташвишлантиради. Ғўзанин ашаддий зараркунандалари бўлган илди қурти апрель ойининг иккинчи, учинчи ўн кунида, кўсак қурти эса май ойи охирида экин қартиларининг ва йўлларнинг четларидаги ёввойи ўтларда, айни вақтда ғўзаларда ёпнасига пайдо бўлади. Ғўза баргининг орқасидаги шира зараркунанда учун энг тотли озиқлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳашаротлар ғўза баргига зудлик билан ёпишади. Бунга йўл қўймаслик учун эса хўжаликларда апрель ойининг охири ва 5 майгача зараркунанда ҳашаротларни йўқотиш учун карталар четдаги,

арик-зорлар ёқаларидаги бегона ўтлар химиявий дориворлар билан дезинфекция қилиниши мақсадга мувофиқдир. Лекин хўжаликларнинг мутасадди мутахассислари пилла қурти учун тут дарахтларида барг ўсиши керак, деган мулоҳаза билан ҳалиги тадбирни кечиктириб юборадилар. Агар ўз вақтида астойдил ва ушқоқлик билан киришилса, биринчи тадбирни иккинчисига зиён етказмасдан амалга оширса бўлади. Афсуски, ҳалигача хўжаликларда биологик усулни қўллаш олдида ўтказилиши лозим бўлган шундай профилактик тадбирга эътибор берилмай келинаётир.

Шу орада хонага Жиззахдан телефон қилиб қолиши. Афтидан, телефонда обласнинг мутасадди раҳбарларидан бири эди. Чамаси гап Мирзаалиевани ўша областа ёрдамга юбориш ҳақида борарди.

— Хўп бўлади, опа билан шу хусусда маслаҳатлашамиз. — Аловиддин Ҳамроев шундай дея трубкани жойига қўйди.

— Жиззахликлар опани ёрдамга чақиряптилар, — деди кафедра мудири телефондаги гапга изох бераркан. У ўша заҳоти лаборант қизлардан бирини чақириб, унга «Хукуматхон опа кетиб қолмасинлар. Маслаҳатли иш бор», деб тайинлади.

— Опани ўз ишининг академиги деб таърифлашлари бежиз эмас экан-да, — атайлаб ўртага гап ташлади.

— Худди шундай. Институт лаборатория ишларига сидқидилдан берилган. Урчиштиретган энтомофаглар атрофида эртадан кечгача парвона. Ўзи ҳам тинмайди, лаборант қизларини ҳам тинчитмайди. Деҳқон даласига боргач ҳам резина этик ва пахталикни кийиб олиб, бригадама-бригада, лабораторияма-лаборатория кезгани-кезган. У ердагиларни ҳам тиним бермай ишлатади. Қани энди ҳамма ўз ишига, бурчига опамиздек садоқатли бўлса.

Ҳа, ҳамма гап кишининг ўз вазифасига садоқати, ишга масъулият билан ёндашиши-да! Ана шу инсоний фазилатлар барқарор бўлган коллективда муваффақият устига муваффақият қўлга киритилаверади.

Биз кафедра мудири билан хайрлашиб ташқарига чиқётганимизда эшик рўпарасида Хукумат Мирзаалиева пайдо бўлди.

— Мени йўқлатган экансиз? — дея у майин оҳангда Аловиддин Ҳамроевга юзланди.

— Ҳа, Жиззахдан телефон қилишганди. Иш тартибини маслаҳатлашиб олсак...

Ҳа, улар яна иш устида, эртанги режа ҳақида фикр юртадиган, маслаҳатлашадиган бўлишди. Негаки, пухта режа — муваффақият гарови!

Биз институт қўлидан чиқиб йўлда кетаяпмиз, ишлаб толиқмас сергайрат, юз ва қўллари деҳқон даласини кезавериб офтобда пишган ўша олиманин сиймоси кўз ўнгимиздан сира кетмасди. У эртага яна йўлга — Жиззах обласига отланади. У ерга боргач эса чапдаст пахлавлонлардек оёғига этик, устига пахталик кийиб олади-да, дала кезади. Олима хўжаликлардаги мутахассислар билан ёнма-ён туриб бу йилги ҳосилни ҳашаротлардан муҳофаза қилиш тадбирларини уюштиришга бош-қош бўлади. Ана шундай фидойи замондошларимизни кўриб қувонсан киши.

Шомурод СИДИҚОВ

Ғўзи ҚОДИРИИ

## ҚАРДОШЛИК МАДҲИ

Қардошлиғу дўстлик қўридан  
Жаҳонимиз қалби лиммо-лим.  
Ким смирса унинг нуридан  
Етар мақсад, муродга доим!

Умримизга ошнодир зафар,  
Ҳар лаҳзада унинг ҳикмати.  
Биродарлик буюк шу қадар,  
Бекиёсдир кучи, қудрати!

Унга ёвлар беролмайди дош,  
Дод устига дод дер, ютар қон!..  
Талвасда кўздан тўқар ёш,  
Тоғу тахти бўлмоқда гумдон!..

Хур замона куёшин қутлаб,  
Егдуларин смирмоқдаман.  
Ҳамжихатлик боғин оралаб,  
Сўлим, сўлмас гул термоқдаман.

Қардошлиғу дўстликка атаб  
Қасидалар битаётиман!  
Ленин чизган йўлдан одимлаб,  
Чўнг манзилга кетаётиман.



## АЁЛ

I

Бир-бир варақадим инсон тарихин,  
Учради ҳар бетда аёл дафъатан.  
У туғмиш бисотин, ҳаёт шаробин,  
Яшаш дебocasин у бошлар, зотан.  
Аёл ўғонининг муқаддаси,  
Баҳор нафасидан яралгансимон.  
Кўркамлик келтирган кўкларнинг иси,  
Чаман дудоғидан таралгансимон.  
Аёлниг изидан ҳаёт қадами  
Ва тонгдан бошланар асли нафосат.  
Кўраман ниҳолда аёлниг дамин,  
Бу ўзгармас қонун, ҳикмат, қаромат!

II

Оила таянчи, фахри эмасми,  
Дунёга қўз очган ўғил ҳам, қиз ҳам?!  
Ҳаёт чўғи аёл меҳри эмасми?  
Шу меҳр қўридан яшар олам.  
Тан бермиш коинот, қолмиш лол-хайрон,  
Аёллар қалбига, меҳрини кучига!  
Фазо кезди унинг ишқиди инсон, —  
Одим қўя олди юлдуз ичига.  
Бизга аёллардан мерос — эзгулик,  
Жаҳондаги буткул шафқат, яхшилик.  
Вашариятдаги мардлик, саҳийлик,  
Унинг муҳаббати каби мангулик.  
Аёл тилагидек учқур, мусаффо,  
Сайёрамиздаги тинчлик навоси.  
Она юрагидек беради садо,  
Бу сато абаддир, йўқдир адоси.

Тошкент

## ОЛМОС — ҒОЛИБ

Екутистондаги фойдали қазилмаларни бойитиш фабрикаларидан бирида соф сувдан оғирлиги 291,6 ки-

ротга тенг олмос топилди. Бу олмос — ғолиб деб топилди, яъни Екутистондан шу пайтгача топилган барча олмосларни қатталиги жиҳатидан «енгб ўтиб», иккинчи ўринни эгаллади. Олмос қидирувчилар ўзлари

қўлга киритган бу топиламини катта тантааналар билан нишонланган улуг байрам парафига «Ғалабанинг 40 йиллиги» деб атадилар. Биз қалб ёнмиш мамлакатимизнинг Олмос фондидан ўз ўринини эгаллайди.

# МАЙРАМАДАГ ХАЛОСКОРИ

1942 йил 4 ноябрь эрталаб батальон разведкачилари: «Душманинг катта отряди Майрамадаг қишлоғига келмоқда», — деб хабар беришди. Уша куни Олий ҳарбий-денгиз билим юртлиги талабалари — рус П. Донской билан ёнма-ён туриб душманга ўт очган украиналик П. Нагорнюк, белорус Т. Никулич, грузин К. Иңукирвели, армяни А. Григорян, озарбойжон И. Абдуллаев, қозоқ Ш. Жунисбеков, осетин В. Цомаев, татар З. Шокиров, латиш Ю. Дзюнс, яҳудий Ю. Бухман ва ўзбек К. Орифхонов бир ёқадан бош чиқариб, жангда чинакам жасорат кўрсатдилар.

Камол Орифхонов жанг шароитига тўғри баҳо бериб, оқопнинг ичида беркинби турди ва немислар ҳужумга ўтганда ўзининг денгизчи қуролдошлари билан бирга автоматлардан ўт очди. У уша куни кўпгина душман аскарларини ер тишлатди. Жанг тугагач, батальон командири Л. Д. Березов ўзбек жангчисига ташаккурнома эълон қилди.

Шиддатли жанглар 5 ва 6 ноябрь кунлари ҳам давом этди. Душман йирик отряди — 60 та танки билан Осетиянинг Майрамадаг қишлоғига уч томондан ҳужумга кирди. Фашистлар Майрамадаг ҳимоясини иккига бўлиб, бизнинг 1- ва 2-роталаримизни ўз жойида тор-мор қилишга уринди. Батальон командири немисларнинг бу маневрини тез пайқаб, марказий кўчанинг бошланғичига яқин турган мактаб биноси олдига иккита замбарак ўрнаттирди ва улардан зудлик билан душман танкларига қарши ўт очишга буйруқ берди. Айни вақтда 2-рота старшинаси Ефим Матусевич бошлиқ бўлинма автоматчилари ҳам душманинги пайда аскарларини автоматлардан ўққа тутди.

Евуз ниятли душман совет халқининг Улуг байрами — 7 ноябрь кунини мотам кунига билантирмоқчи бўлган эди. Уша куни фашистлар бизникиларга қарши кўп марта ҳужум уюштирдилар. Лекин улар совет денгизчиларини енголмадилар, аксинча, катта талафот

кўрдилар. Бу жангда гитлерчиларга қиргин келтиргани учун ўзбек солдати Камол Орифхоновга қўмондонликнинг ташаккурномаси эълон қилинди.

8 ноябрь куни Майрамадаг ҳимоячилари фашист газандаларини қишлоқдан нарига улоқтириб ташладилар. Жанг майдонида гитлерчиларнинг ёндириб юборилган танкларини, ўлик аскарларини ва қурол-аслаҳаларини қолди.

Жанглар орасидаги бўш вақтларида Камол Орифхонов тарғиботчилик ишларини ҳам олиб борарди. У окоп ичида қуролдош дўстларига 1942 йили Тошкентда нашр этилган: рус ва ўзбек шоирларининг жангчилар учун ёзган шеърларини ўқиб бериб, уларни маънавий рағбатлантириб турарди. Шеърлар тўпلامини унга синглиси Озода Тошкентдан юборган эди.

Камол Орифхонов ҳар бир жанг тугаганидан сўнг 1-ротанинг «Жанговар варақаси» ни чиқаришда ҳам фаол қатнашарди. У қуролдошларини тўплаб, уларга «Социалистик-Осетия» ҳамда Закавказье фронти Шимолий группа қўшинларининг «Вперед за Родину» газеталари материаллари бўйича сиёсий мавзуларда суҳбатлар ўтказар эди.

— Суар дараси учун олиб борилган аёвсиз жангларни биз сира унутолмаймиз, — деб эслайди уруш ветерани Камол Орифхонов. — Ушанда душманиннг 250 та пайда аскарни ҳужумга ташланди. Олдинги жангларга нисбатан янада оғир ва шиддатли ҳужумлар бошланди. Ҳар қақика хавфли вазиятга дуч келардик. Майрамадаг қишлоғи остонасида ўша кунгача мингдан зиёдроқ аскарларди, 50 та танкидан ажралган душман гаубицалардан снаряд ва миномётлардан мина ташлаб, зулусксиз ўт очиб турди. Осмоний ўқ-дорининг бўлик тутуни қоплаган эди. Оғир дақиқада биз денгизчиларнинг олд позициясига рота политури катта лейтенант Н. И. Кузнецов этиб келиб, душмандан Шимолий Осетияни зудлик билан овоз

қилиш қақика буйруқ бўлганини айтди. Ҳа, ушанда аввалгидан ҳам шиддатли жанг бошланган эди. Айниқса, Майрамадаг қишлоғи учун бўлган жангда бизникилар чинакам жасорат кўрсатишди.

Шу жангда яралган Камол Орифхонов бошқа ярадорлар билан бирга госпиталга кетмади. «Ҳаммаиз даволанишга кетсак, олд позицияда қишлоқни ким ҳимоя қилди?» деди у ва жанговар позициясидан жилмади.

Уша куни кечқурун шарқ томондан 10-гвардия қисмининг десант бригадаси жангчилари ёрдамга келишди. Шундай қилиб, душман қўшинларининг қарши ҳужумлари пучга чиқди. Денгизчилар баталони мустақкам ҳимояда турган Майрамадаг қишлоғи ва унинг жанубидан бошланган Суар дарасига гитлерчи газандаларни киргизмай турди. Жангчиларимиз ҳужум кетидан ҳужум уюштирдилар. Улар мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатиб Шимолий Осетия тупроғидан душманин қувиб чиқардилар. Бу жангларда Каспий денгизи ва Қоранденгиз олий ҳарбий-денгиз билим юртлирининг курсантлари ҳам мардларча курашдилар.

Уша жангчиларнинг қаҳрамонларидан бири бўлган Камол Орифхонов ҳарбий госпиталларда даволаниб, 1946 йил 8 февралда ўз юртига қайтди. У илгари ўқий бошлаган Тошкент алоқа политехникумининг 2-курсидан яна ўқишини давом эттирди ва айни вақтда ишлади. Сўнгра эса қишлоқ ҳужумли институтда ўқиди, институтни тамомлагач, аспирантурага кирди ва 1964 йили биология фаълари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. У ўзбекистон ССР Фаъллар академиясининг Ботаника боғида чорак аср давомида илмий ҳодима бўлиб ишлади. Ҳозир эса пенсионер.

Камол Орифхонов Улуг Ватан уруши даврида Шимолий Осетиядаги Майрамадаг қишлоғини душмандан овоз қилиш учун олиб борилган жангда қўрсатган қаҳрамонлиги учун Майрамадаг халқ депутатлари қишлоқ Советининг 1981 йил 20 январдаги қарори билан Майрамадаг фахрий граждани қилиб қабул қилинди ва унга расмий гувоҳнома топириди.

Бу, ўзбек жангчисига бўлган эҳтиромдир.

Владимир АБАЕВ,  
Майрамадаг музейининг илмий ҳодими

(Боши 15-бетда)

«ўлжа»нинг талвасасини бир тасаввур қилинг-а... — Тажрибали балиқчи ва табиат шайдоси Аслол Бурҷонов Шарқий Арнасойда учрашиб қолганимизда ўз фикрини ана шундай ифодалади. Сўнгра у галати бир ҳикоя айтиб берди:

— Бир гал биз Арнасойнинг сув куйилиш тарафларига боришни мўлжалладик, — дея шоммасдан ўз ҳикоясини бошлади Аслол. — У ерда сув куйиладиган кўплаб ғирмоқчалар ва кўлнинг кенг сахини ҳам кузатиш, томоша қилиш мумкин эди.

Кўзланган жойга тонг отгунча етиб бордик. Эрталабки ғубор тезда тарқалиб кетди. Кўёшнинг кўтарилиши бамисоли сув устида турган очпуштиранг шарга ўхшаб кўринади. Балиқлар ўйнаётган маҳал. Баъзан зогорабалиқнинг сувни шапиллатгани, оққайроқ балигининг узуқ-узуқ зарбли ҳаракатлари ҳосил қилган садо эшитилиб қолади. Бу овозлар эрталабки балиқ овининг бароридан нишона эди.

Тезда овхалтамни очиб, қармоқ

учига кичик балиқчани илиб, югурганимча қирғоққа бориб, уни сувга ташлайман. Кетмакет — иккинчи, учинчи, тўртинчи қармоқни ҳам сувга тушираман. Лекин ҳеч гап йўқ. Жойини ўзгартириб, қармоқ учигади балиқчаларни алмаштираман. Бироқ барча ҳаракатларим бекор кетаверади. Битта ҳам балиқ тутулмайман.

Бирданига ўнг тарафдаги сув ўтлари ёнида, яъни сув юзиде каттагина ҳалқалар пайдо бўлди, ҳалқалар устида сувдан сапчиб чиққан кичик балиқча ялтираб кўринди. Аҳ-ҳа, оққайроқ балиғи! Демак, ана шу қармоқ «майда-чуйдалар» ортидан қувиб юрган экан-да! Қармоқларни қайтадан сувга ташладим. Қармоқ учигади ўлжага оғиз урган балиқнинг силкии зарби сезилди. Бир неча дақиқадан сўнг зудлик билан қармоқни сувдан тортиб оламан. Каттагина балиқ кўз ўнгимда ялтираб ётарди. Кетмакет шундай балиқ тутдим. Шеригим ҳам, иккита оққайроқ, биттадан зогорабалиқ ва қизилқанотли ўлжа қилиб қўлга туширган эди.

Уша куни овимиз бароридан келиб, жуда хурсанд бўлдик. Бу вақт балиқ овнда ҳамиша мен билан бирга юрадиган шеригим Харис Илёсов гулхан олдида ўзининг севимли машғулотни билан банд эди. Осмонда дастлабки юлдус милдираб кўринган пайтда биз хуштама балиқ шўрвани истеъмол қилдик. Кечаси гулхан олдида вақт тез ўтади. Вақт ярим тундан ошиб кетгандагина биз уйқуга кетдик.

Ов хадисини олган балиқчи сахар пайтини ҳеч қачон бой бермайди. Шунинг учун балиқ тутадиган жойинга юриб эмас, югуриб кетаёган. Бироқ ногаҳон кеча балиқ солиб қўйган идишимга қоқилиб кетдим. Лекин идиш бўм-бўш эди. «Балиқлар қани?» дея ўзинга ўзим савол бердим бекхидир.

Менинг овозимни эшитиб, Харис югуриб келди. Ҳодиса юз берган жойни биргалликда кўздан кечирдик-да, шундай хулосага келдик: бу ерга шогол келиб кетбди. Маълумки, бу нафис бузуқ ва ўғритабиат йиртқич балиқни кўрганда идишининг су-

вини тўкиш у ёқда турсин, сувнинг ичига ҳам кириб чиқаваради. Сўнгра биз буталар ёнида балиқ думларини ва ҳатто ярми ейилмаган оққайроқ балигини кўриб қолдик. Афтидан, биз шоголнинг шум ниятини охирига етказишга халақат берган эдик.

...Бурҷонов ва Илёсовлар билан бўлиб ўтган воқеани мен ҳам тасдиқлашим мумкин. Бир гал Ҳайдарқўлда бўлганимда худди шундай ҳодиса юз берган эди: тунда оққайроқ балиғи солинган симли тўрни сувга солиб, ингичка арқон билан боғлаб қўйган эдим. Эрталаб симли тўрнинг ўрнида арқон бўлақчалари осилиб турганини кўриб ҳайрон бўлдим. Гуё бирор одам ингичка арқонни пичоқ билан тартибли қилиб кесгандек эди. Қўмда қолган излар эса, бу қилғилик тунги ўғри — шоголнинг иши эканлигидан далолат беради.

Бўлиб ўтган воқеа ўша куни мени ҳам гоят ҳайратлантирди. Шундан кейин Арнасой қирғоқларига яна кўп марта сафар қилдим. Лекин юқоридегидек воқеалар такрорланмади.

# АВЛЮДЛАР

# ДОВОНИ



Пиримкул ҚОДИРОВ

«Юлдузли тунлар» романининг мантиқий давоми бўлган «Авлудлар дово» да бобурийларнинг ҳинд халқи тарихи билан боғлиқ кетган тақдирлари қаламга олинади. Бобурийлар оғир феодал тузуми шароитида мураккаб ички зиддиятлар гирдобида яшайдилар, интихосиз олишувларда уларнинг баъзилари фожияна ҳалок бўладилар. Аммо Хумоюн, Акбар, Гулбадан, Хонзода бегим, Ҳамид бону каби кишилар Бобурийнинг энг яхши ижодий ва инсоний анъаналарини давом эттирадилар. Улар ўз ҳаётларининг оғир ва хатарли давларида меҳнаткаш халқнинг Низом, Салим ота, Лаъл Чанд каби фидокор вакилларига суянадилар, ўша даврнинг илгор истеъодли олимлари, шоирлари, меъморлари ва санъаткорларини ўз атрофларига тўплайдилар, диний аловатга ва миллий низолаarga қарши курашиб, катта ислохотлар ўтказадилар. Акбар саройида туркий улус вакиллари билан бирга ҳиндлар, руслар, португаллар, афгонлар, араблар, эронликлар ва бошқа халқларнинг илгор ва фозил кишилари иззат-икромда бўладилар, барча имону эътиқод вакиллари орасида сулҳи кулл (ҳартомоналама тинчлик) эълон қилинади. Бу ҳаммаси, айниқса ҳозир, бутун дунёда тинчлик учун беҳад зўр кураш кетаётган пайтда менга жуда қадрли туюлди.

Куйида Акбарнинг турли халқларни руҳан яқинлаштириш йўлида қилган ишларига оид бобдан парча берилмоқда.

Муаллиф

\*\*\*

ҚАЛАМИ ўткир ҳинд адаби Абулфазл Акбар ҳақида китоб ёзар экан, бир нарсага ичкидан жавоб излайди: бу одамда қандай сир борки, эллик йилдан бери шунча оғир ва хатарли олишувларни бошдан кечириб, бирортасида енгилган эмас? Қобулда икки ярим яшарлигида ўзидан катта амакибачаси Иброҳим Мирзони курашда йиқитганидан бери унга мудом зафар ёр бўлиб келмоқда. Абулфазл бунинг сирру асрори нимадалигини унинг ўзидан сўраса, Акбар ҳазил қилиб, шундай дейди:

— Бир ёшдан ошиб, энди юра-бошлаганимда, раҳматлик амаким Мирзо Аскарый оёғимга салалари билан уриб йиқитган эдилар. Шу ҳалигача гира-шира ёдимда бор. Бу туркий удумни «бобалигиндаги йиқилганларнинг бутун умрингга етқулик бўлсин, улғайганда елканг ер кўрмасин», деган тилак билан қилар эканлар. Эҳтимол, шу тилак ижобат бўлгани учун иқбол менга ёрди?

Лекин Акбарнинг ҳаётини йиғирма йилдан бери яқиндан кузатиб юрган Абулфазл зафарнинг ўзи келмаслигини, ҳар бир мушкилотни бартараф қилишга беҳад кўп куч, истеъод, меҳнат сарф бўлишини яхши билади. Акбар ҳам ота-боболарига ўхшаб ҳам ухлайди. Кечаси ярим тунда ётса ҳам, эрталаб тонг отар-отмас уйғонади, ўртача тўрт соат уйку унга бир кеча-кундузга етади. Қолган вақти дарёдай бетиним оқиб келадиган давлат ишларига, қурилиш ва ободончиликка, бошқа минг хил заруратларга тақсим бўлади. Яна шунча ишларидан вақт орттириб, кутубхонага ҳам тез-тез келиб туради.

Отасининг «мол-дунё йиғма, китоб йиғ» деган гапи Акбарнинг хотирасига маҳкам ўрнашиб қолган. Акбарнинг кутубхонасида

йиғирма тўрт минг китоб бор. Алоҳида жавонда турган юнонча, фарангча китоблар ёнида Москвадан совға бўлиб келган русча китоб ҳам турибди. Форсча, арабча, туркий ва ҳиндий тиллардаги китобларнинг бир қисми саройда тарихчилар, таржимонлар ва бошқа фозил кишилар ишлайдиган алоҳида кутубхонада асралади, унда шоир Файзий бош китобдорлик вазифасини ўтайди. Акбарнинг топшириғи билан Нақибхон деган олим сўнги минг йилнинг энг муҳим тарихий воқеаларини ўз ичига оладиган «Тарихи алфа» китобини ёзмоқда. Ҳиндларнинг ўрта муқаддас китобларидан бири саналган «Ахтарваеда»ни санскритдан форсчага таржима қилиш Хўжа Иброҳим Сирҳиндига топширилган. Улуғбекнинг «Зижи жадида» китобини Фазлулло Шерози арабчадан форсчага таржима этмоқда.

Бугун оқшом Акбар бошлиқ ўнча одам кутубхонанинг хонайи хосига йиғилиб, Нақибхон ҳиндчадан таржима қилаётган «Рамаяна» ва «Махабхарата»дан парчалар эшитдилар. Акбар бу асарларнинг «Шоҳнома»ни эслатуви улғувор аруз вазида жаханглашидан таъсирланиб деди:

— «Махабхарата» билан «Рамаяна» минг йиллардан берли бор. Лекин диний адоватлар туйғайли улар ханузгача бошқа тилларга таржима этилмаган.

Акбар даврадаги Абулфазлга, Бирбалга, Азиз кўкага, Абдура-

ҳим хони хононга бир-бир кўз ташлаб олди-да:

— Биримизнинг аждодимиз — араб, биримизники — ҳинд, бири — авгон, қолганларимиз — туркий улуданмиз. Лекин ниятимиз ҳолис бўлгани учун барчамизга баробар умум бир тилда сўзлашмоқдамиз. Рожа Тодар Малга балли, бутун давлат ишларини форсий тилда олиб боришга Аграни ҳам, Панжобни ҳам, Гужаратни ҳам, Банголани ҳам кўндирди, — деди.

Рожа Бирбал луқма ташлади: — Ҳазратим, кўнмаганларни Тодар Мал қандай далил билан кўндирганини эшитганмисиз?

— Йўқ, қани, эшитайлик.

— Тодар Мал уларга сизни ибрат қилиб кўрсатмишлар. «Сен уйингда панжобча сўзлашсанг, подшоимиз туркийча сўзлашурлар. Лекин давлат идорасида икки томонга ҳам баробар форсий тилда иш олиб боришга подшо кўнсаю, сен кўнмасанг, ўзингни ҳазратдан баянд олган бўлмайсенми?», деган. Қани, бу далилдан ҳайқмай кўрсин!

Шўх оҳангда айтилган бу гапдан кўпчилик бир кулиб олди. Акбар ҳам кулиб туриб деди:

— Ҳар қалай, кўп тил билмоқ — фозиллик аломатидир. Буни тутунган фарзандимиз Абдурахимнинг шухрати ҳам кўрсатиб турибдир. Абдурахим отаси Байрамхон каби ҳазрат Навоийдан ибрат олиб чиройли туркий шеърлар ёзди. Яна форсчада, арабчада битган шеърлари ҳам

машҳур бўлди. Сўнги йилларда Абдурахимнинг ҳинд тилида ёзган байтлари одамлар орасида мақол янглик айтиб юрилганига, мана, биз, гувоҳмиз. Турли элу юртларни тенг кўришнинг амалий бир шарофати шу эмасми?

Акбар Нақибхонга юзланди: — Мавлоно, «Рамаяна» билан «Махабхарата»нинг таржимасини яхши бошлабсиз, энди қачон тугатгайсиз?

— Бир ўзимга қийинлик қилмоқда, ҳазратим. «Махабхарата» юз минг байт, «Рамаяна» ҳам беҳад улкан. Кўп йил керак.

Акбар таржима ишларининг мутасаддиси бўлган Файзийга юзланди: — Нақибхоннинг ёнига мулло Абдуқодир Бадавнини қўшинг. Бу имом ҳали ҳам дину миллат айриб, ҳинд маданиятини назарга илмас эмиш. Яхши қалами бор, санскритни биладиган ҳинд олимлари билан бирга ишласин. Бу китобларнинг руҳига кирса, маъноси қанчалик теранлигини, таъсири қанчалик кучли эканини таржима пайтида юракдан ҳис қилгай. Ушанда у ҳам биз каби улур китобларни яратган халқнинг даҳосига тани бермоғи мумкин.

Акбарнинг фармони ўша кунини ёқ Абдуқодир Бадавнига етказилди. Таржимонларга хазинадан катта маош тўлаб турилар эди. Моддий жиҳатдан сиқилиб юрган Бадавни Акбарнинг топширигини: — Хўп, сабаби тирикчилик, — деб қабул қилди.

Аммо кутубхонага келиб, санскритни биладиган ҳинд олими ёрдамида «Махабхарата»ни таржима қилишга киришганда, унинг шеърый қудрати ва қаҳрамонларининг жозибасига беихтиёр маҳлиё бўла бошлади. Шунда у «Махабхарата» орқали буддист растрлар эътиқоди ҳам дилига йўл топиб келаётганини сездию, ўз имонига хиёнат қилаётгандай ичкидан сесканди.

Абдуқодир Бадавни Акбар эълон қилган сулҳи кулл сиёсатига зимдан қарши. Замона зайли билан кундузалари кутубхонада «Рамаяна» ва «Махабхарата»ни таржима қиладию, кечқурун уйига қайтганда гуноҳдан покланиш учун эшикни ичидан бекитиб, деразага парда тортади, шаъм ёруғида ҳеч ким билмайди-ган яширган китоби «Мунтахоби

тавориҳ», яъни «Танланган тарихлар» номли асарини ёзди.

Уттиз ёшдан ошган Абдуқодир Бадавни Абулфазл билан бир вақтда саройга ишга келган. Бадавнининг назарида, Абулфазл имонини подшоҳнинг ислохатларига қурбон қилиб, катта мартабага эришди. «Мен эсам исломга содиқ бўлганим учун ханузгача косам оқармай, муҳтожликда юрибмен», дейди у ичида. Абулфазлнинг Акбарни мақтаб тарихий китоб ёзаётганидан Бадавни хабардор. У ўзининг «Мунтахаби таворих»ида эса Акбарнинг дахрийлигини фош қилмоқчи.

Абулфазл Акбарни улугларни сари Бадавнининг гаши келади. Акбарга қарши исён кўтаргани учун Гангага чўктириб юборилган қозикалон Муҳаммад Яъийни эса Бадавни «шаҳид» деб кўкка кўтаради. Акбар ўзининг ўн тўрт руйилик олтин ашрафий таграсига калимайи шаҳодатни ёздирмаганини «исломга хиёнат», деб қоралайди.

Айниқса, Акбарнинг қамарий йил ҳисобидан шамсий ҳисобга ўтиш ҳақида чиқарган фармони Абдуқодир Бадавнини қаттиқ норози қилмоқда. Муқаддас рамазон ойи, наҳотки, унутилса? Ражаб, муҳаррам... одамлар болаларига исм қилиб қўядиган бу номлар Бадавнининг қулогига беҳад сеҳрли эшитилади.

Бироқ ой тўлишига қараб ҳисобланадиган қамарий ойлар шамсий ойлардан қисқароқ, шунинг учун ҳар йили ўн-ўн бир кун ортиб қолади. Қамарий ойлар ҳам ўн-ўн бир кундан сурула-сурула, рўза гоҳ қишда, гоҳ ёзда келади. Акбар кузда туғилган бўлса ҳам, қамарий ойлар сурулиб юргани учун ўз туғилган кунини гоҳ баҳорда, гоҳ ёзда нишонлашга мажбур. Ил фаслларининг аниқ ҳисобини олиб иш кўрадиган деҳқонлар, касоблар, бошқа хунар эгалари учун ҳам мудом кўчиб юрадиган қамарий ойлар кўп нуқулайликлар келтиради. Шунинг учун халқ орасида азалдан бор бўлган шамсий ҳисоб (ҳар йили аниқ бир вақтда келадиган наврўз, саратон, мезон) меҳнат ахли орасида кўпроқ истеъмолда бўлади.

Бадавни учун эса шамсий ойлар ҳам, наврўз байрами ҳам оташпарастлик давринан қолган бидъат. У фақат ҳижрий йил ҳисобини муқаддас деб билади. Акбар шу келаятган ҳамал ойдан бошлаб бутун давлат ишларини шамсий ҳисобга ўтказиш ҳақида фармон чиқарганда, Бадавни бунинг ўз махфий ёзувида «ислом динига қарши қаратилган кофирона фармон», деб қоралади.

Кундузлари Акбарнинг шаънига мактовлар айтиб, «Махаббара» ва «Рамаяна»ни таржима қиладиган бу одам кечалари унинг дахрийлигини фош этадиган далилларни қозғо юзига тизарди. Бадавни Акбардан кўра ёшроқ, хали унинг даври тугайдиган кунларга етиб боришига ишонарди. Шаҳзода Салим отасининг ислохатларига зимдан қарши эканини Бадавни одамлардан эшитган. У ўзининг «Мунтахаби таворих» китобини келажак авлод учун ёзмоқда. Унинг фикрича, Салим ҳадемай тахтга чиқа...

Бироқ Бадавни ниятига ета олмади. Кечаю кундуз тинмай ишлаши оқибатида миясига қон қуюлиб, тўсатдан вафот этди.

Бу орада Абулфазл ўзининг «Иқболнома» деб аталган улкан асарини тугатиб, Акбарга тақдим қилди. Кейинчалик «Акбарнома» номи билан машҳур бўлган уч жилдлик бу улкан асар «Бобурнома» аъёналарини давом эттирган эди. Абулфазл Бобурдан ибрат олиб, жимжимадор такаллуфлардан қочган, услубининг равои, тиниқ ва тушунарли экани ҳам Акбарга жуда ёққан эди. Бу китоб учун Абулфазлга мамлакатнинг энг улкан олими — Алломий унвони берилди.

— Алломийнинг маданиятимиз хазинасига қўшган йирик гавхарлари тарихда қолмоғи керак! — деди Акбар ва энг яхши мусавирларга буюрди: — Абулфазл Алломий шоҳ асарини битириб, бизга келтириб берган кунига яхши бир сурат бағишлансин. Токи бу сурат Алишер Навоий ўз «Хамса»сини тугатиб, Ҳусайн Бойқарога келтириб топширган пайтини эслатадиган даражада мукамал бўлсин!

Акбар айтгандай қилиб, энг нафис ва гўзал бўёқлар билан чизилган бу суратни Салим кўрганда дилидаги эски рашк яна баттар хуруж қилди. Суратда Абулфазл ўзи ёзган икки жилд китобни икки кўлида тутиб, одоб билан чўкка тушиб ўлтирибди. Китобнинг учинчи жилди гилам

устидан навбат кутиб турибди. Тахт устидан Абулфазлга мурувват билан тикилиб турган Акбар ўнг қўлининг икки бармоғини кўрсатиб, нимадир демоқчи бўлди. Мусавирларнинг фикрича, Акбарнинг икки бармоғини очиб кўрсатгани: «Саройда Абулфазл икковимиздан яқин дўст йўқ», деган маънони билдирди. Отаси Салимдан ҳам кўра камбағал оиладан чиққан қаёқдаги Абулфазлни банд қўйишини бу сурат ҳаммага очик намоийш қилгандай бўлди. Салим гўё Абулфазлдан кейинги учинчи ўринга тушиб қолди. Бу ҳодиса унинг сирдош жоқуяри шайх Фаридга ҳам оғир болди.

Фарангистондан келиб, Акбарнинг янги таълимотини қабул қилган Алберт Перейро ҳозир шаҳзода Салимнинг ишончли мулозимларидан бирига айланган. Алберт ўзининг шаҳзодага содиқлигини исбот этиш учун Алибек деган туркийча ном олган ва Аграда ҳинд қизига уйланган эди. Унинг бу ишлари ҳатто Фарид Бухорийга ҳам маъқул бўлган, улар сирдош дўстга айланган эдилар.

Шаҳзода Салим тезроқ тахтга чиқишни истар. Алибек билан Мавлоно Фарид бу ишда маслакдошлари ҳисобланар эди.

Алберт Перейрога Португалиядан юборилган яширин кўрсатма бўйича, у Акбар билан ўғлининг орасига пона уриб, нифоқ чиқариши керак эди. Чунки Акбар

Ҳиндистоннинг жанубидаги Гоа оролига ўрнашиб олган португал фарангиларига қарши ўн беш минг қўшин тўлаган, бу ҳарбий юриш яқинда бошланиши керак эди. Алберт — Алибек бир илож топиб, шаҳзода Салимни отасига қарши кўзғатса, ота-бола икки низолар билан андармон бўлиб, Гоа юриши тўхтаб қолиши мумкин эди.

Оқшом қоронғи тушганда, шаҳзода Салим дардини кимга айтишини билмай торикиб ўлтирганда, унинг қонайи хосига Алибек билан Мавлоно Фарид кириб келдилар. Алибекнинг қўлтиригиде кўк белбоққа ўралган оғиргина кўлёмза бор. Учқовлари холи қолганда, Алибек кўлёмзани белбоғ ичидан секин олди. Мавлоно Фарид эса:

— Амирзодам, — деди Салимга, — бу нарсани хоирча сиздан бошқа ҳеч ким ўқимаслиғи керак.

— Узингиз ёганмисиз?

— Йўқ, Абдуқодир Бадавни деган муаррих яшириқча биттаг экан. Бунинг содиқ бекингиз Алибек билар экан. Сиз тахтга чиққанингизда, бунинг Бадавни сизга тақдим этмоқчи экан. Аммо бечора муродига етолмай оламдан ўтди. Алибек унинг ёзувларини дархол иликка олибди.

— Нечун бунинг махфий ёзган?

— Чунки Бадавнининг бу асари Абулфазлнинг «Акбарнома»сига қарши битилган, — деди Алибек. — Маъълумингизким, Абулфазл хазрат отангининг нуқул улуглайдир, мақтайдир, хатоларини айтмайди.

— Лекин Бадавни отангининг тугган сиёсатига қарши эди, — Алибекнинг сўзини шайх Фарид давом эттирди. — Бадавни хусусан Абулфазлни, Бирбални, шоир Файзийни ёмон кўрар эди. Бирбал ўлганда, отангиз қанча кўз ёши қилганларини кўргансиз. Қаранг, Бадавни кўркмасдан ёзибдир: «Бирбал жаҳаннамнинг итлар турадиган жойига кетди»...

Шоир Файзий юраги портлагандай бўлиб, тўсатдан вафот этган эди, иссиқ кунда то дафи қилгунларича жасоди бир оз қорайиб қолган эди. Бадавни бунинг ҳам ўзича талқин қилиб: «Файзий исломдан қайтди, шунинг учун уни пайгамбаримизнинг арвоҳлари ўриб қорайтириб юборган», деб ёзиб қолдирган эди.

Мавлоно Фарид Бадавни кўлёмзасининг шунга ўхшаш жойларини топиб, Салимга бир-бир ўқиб бергани сари шаҳзоданинг дил яраларига малҳам қўйилгандай ёқа бошлади. Абулфазлнинг «Акбарнома»сидан топиб бўлмайдиган имону эътиқод курашининг тафсилотлари Бадавнининг «Мунтахаби таворих»ида эринмай ёзиб кетилган эди. Салим учун энг муҳими, Бадавни ҳам Фарид Бухорий ва Алибек каби шаҳзодага тарафдор экан. «Мунтахаби таворих»да Акбарнинг диндан қайтганини кўрсатадиган талай исботу далиллар келтирилганини ўқиган Салим: «Мусулмон давлатида подшо диндан қайтса, уни тахтдан тушуриш савобдир!», деган эски ақидани эслади. Энди бу ақида олтими ёшлик Акбарни ағдариб, унинг ўрнига ўттиз ёшлиқ Салимни тахтга чиқаришга ёрдам бериши керак эди...



Расми Л. Хайруллаев чизган

# СИОНИЗМ — ИНСОНИЯТ ДУШМАНИ

Сионизм — империализмнинг малайи, инсоният душманидир. Сионист йиртқичлар шум ниятларини амалга ошириш йўлида ҳеч қандай тубанликдан қайтмаётир. Фаластинлик ва ливанлик бегуноҳ аҳоли ўртасида ажал уруғи тарқатмоқда. Америка қуроли билан элни қирмоқда. Ливаннинг Сабра ва Шатила лагерларида болаларни, кексаларни шафқатсиз ўққа тутиб, уйларига ўт қўйди. Улар ваҳшийликда фашизмдан ўтиб кетди. Исроиллик сионистлар АҚШ раҳбар доираларининг ноғорасига ўйнаб келмоқда. Улар «Совет яҳудийларини ҳимоя қилиш» ниқоби остида Яқин Шарқда юз бераётган ҳақиқий аҳволдан, Исроилнинг Ливанга қарши олиб бораётган босқинчилик урушидан, фаластинлик ва ливанлик халқлар бошидаги фалокатлардан жаҳон афкор оммасининг эътиборини чалғитишга уринмоқда. Лекин сионизм жаҳолатпарастлари ва жаллодларининг кирдикорлари жаҳон тараққиётпарвар жамоатчилигининг кескин ғазабига дуч келмоқда. Бутун совет халқи каби, Урта Осиёда яшаётган биз яҳудийларни ҳам исроиллик

сионист йиртқичларнинг ёвузликлари нафратлантиради.

Зеро, Совет Иттифоқида яшаётган барча яҳудийлар ҳам кўп миллатли совет халқлари оиласида бахтли ҳаёт кечирмоқдалар. Бутун дунёга очиқ-ойдин маълумки, СССР Конституциясидаги ҳамма ҳуқуқларга тўла-тўқис эгамиз. Бизнинг орамиздан қанчадан-қанча фан докторлари, адиблар, олимлар, санъат арбоблари, врач ва педагоглар, бошқа мутахассислар етишиб чиққанлиги ҳамда чиқарилганлиги бунинг ёркин далилидир. Буни ҳам жаҳон халқлари яхши биладилар.

Мен бир шоир сифатида сионизм жаллодларига ўз габузим ва нафратимни бадий асарда ифодалашга уриндим. «Дўзахдан мактуб» номили дoston ёзиб, унда исроиллик сионистларнинг найрангларига учиб, ўзи туғилиб ўсган дийрдан кетиб қолган яҳудийларнинг аянчли қисматини тасвирлашга ҳаракат қилдим.

Арон ШАЛОМАЕВ,  
СССР Ёзувчилари союзи аъзоси

Зеро, савдогарлар юрти бу дийр,  
Бунда хийлақору найрангбоз бисёр.  
Ариқларда оқар шарбатмас, захар,  
Ҳар қадамда ажал, ҳар ерда хатар.  
Зулм, зулм иши бу юртда қонун,  
Отасин ўлдирар фойдаси учун.  
Бу ерда кишига киши бўридир,  
Бою бойваччалар бари ўғридир.  
Мен каби алданиб келганлар кўлдир,  
Қаллоблардан фириб еганлар кўлдир...  
Шунда ўсган юртим эсламан ноғоҳ  
Эсга тушганида чекадирман оҳ!  
Биродарлик шахрим, гўзал Ташкентим  
Бебаҳо манзилим, кўнгли пайвандим.

Э. МУҲАММАД таржимаси

Яхиял ОҚИЛОВ

## Исроиллик босқинчиларга

Сўз айтмай, сўз айтмай юракдан бу дам,  
Гарчи каптар тилин англамас калхат...  
Эҳтимол, топилай бирорта одам  
Ва англар: бўҳтон не, неди ҳақиқат!  
Сиз-ку, қўлингиз қон, кўзингиз ҳам қон,  
Тасаввур қиламан: титраб турибсиз...  
Қонхўрда не қилсин имону виждон,  
Беҳуда даъволар қилиб юрибсиз.  
Мана, мен — яҳудий, очиқ айтаман,  
Бахт нима ва неди бўлмоқлик бадном.  
Совет мамлакатин гражданиман,  
Шу юртда топганман бахтимни тамом!..  
Араблар юртига қиласиз хуруж,  
Тўқмоқчи бўласиз бегуноҳ қонлар.  
Айтинг-чи, не берар жаҳонга уруш,  
Нахотки, келтиргай сиз учун шонлар?  
Нахотки, билмайсиз, не бўлди ҳоли —  
Фашистлар дунёга солиб дағдага,  
Айтинг-чи, улардан не нишон қолди,  
Бир умр қаётдан бўлди бадарга...  
Сиз бизни чорламанг, сиз бизга ётсиз,  
Ёдирсиз сиз барча одамзодга.  
Сизни лаънатлаймиз токи ҳаётмига,  
Фашистсиз, маҳкумсиз ахир мамотга!

Едгор ОБИДОВ таржимаси



## Гўзалликнинг жафоси

Биологларнинг текширишларига кўра, ер юзиде энг чиройли ва кам учрайдиган қуш — бу жаннат қушидир. Яқин Гвиннеянинг Папуа ўрмонларида унинг 30 тадан 45 тагача тури яшайди. Жаннат қушининг таърифи меланезлар орасида ҳалигача айтилиб келинадиган қўлбал ривоятларнинг бирига бориб тақаллади. Улар жаннат қушлари осмонда яшайдилар, ерга эса фақат эрталабки шудринларни қониб ичиш учун тушадилар, деган афсонага ишонган эдилар. Асримизнинг бошида эса жаннат қушининг хусни уларнинг ҳалокатга учрашига сабаб эканлиги маълум бўлди. Қулаб овчилар уларни ўрмонлардан едиб-югуриб излашга тушдилар.

## Қорақумнинг ширин асали

Қорақумнинг Хоразм атрофидаги турли хил гулларга бурканган жойларини воҳадан келтирилган асаларида эгаллади. Хоразм области асаларичилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг совхозларидан ўтган йил баҳордагисига қараганда бу гал анча кўп, 17 миңг асалари уяси қум сайхонларига келтирилди.

Урта Осиёнинг зазирама офтобиде яйлов майсалари қовжирагунча бу ердаги асаларичилар кўплаб шифобахш май асалани йиғиштириб оладилар. Маъқур бирлашма асаларичилари Аму дарё этагининг ана шундай болга бой воҳаси бўйлаб тобора кенг ёйилиб бормоқдалар.

## Ҳайвонлар алмаштирил- моқда

Ҳиндистон билан Непал ўзларидаги ҳайвонот дунисини бойитиш мақсадида кам учрайдиган ҳайвонларни ўзаро алмаштиришмоқда. Непалда ёввойи филлар, Ҳиндистонда эса қаркидонлар деярли қолмаган эди. Шунинг учун икки томон келишиб Непалнинг «Читван» паркидан дастлабки ўн қаркидон Ҳиндистоннинг Уттар-прадеш штатидаги «Дудва» паркига келтирилди.

Непал эса ўз навбатида бунинг ўрнига Ҳиндистоннинг жанубий ўрмонларида яшайдиган ёввойи филлардан оладиган бўлди.



Арон ШАЛОМАЕВ

## ДЎЗАХДАН МАКТЎБ

ДОСТОНДАН ПАРЧА

Дугонам, қийноқда экан бунда жон,  
Эсга тушар энди ҳар яхши-ёмон...  
Ҳамон ёдимдадир уруш даҳшати,  
Газанда Гитлернинг қилган ваҳшати.  
Яҳудийларга тилаб ёписас ўлим,  
Қиргин-борот қилди, кўрсатди зулм.  
Ўзбекининг шоири Ғафур Ғулوم  
Шунда айтган эди буюк бир калом:  
«Вилиб қўй, эй, фашист, «Мен яҳудийман»...  
Бу шеърни тинглади жами халқ, Ватан!  
Эҳ! Дўстлик — бу буюк саодатдир,  
Дўстликин билмаслик жонга офатдир.  
Жами халқ дўстликин тута гар маҳкам,  
Олам бўлу эди музайян, кўркам.  
Найлай! Исроилда бошқача қонун,  
Сионизм уни этмишдир забун!  
Халқларнинг дўстлиги бунда барбоддир,  
Ҳатто яҳудийлар ўз аро ёдир.  
Ўзгани қора деб, ўзини оқ дерлар,  
Яна муқаддасмиш бу қонли ерлар...

Едгор ОБИДОВ таржимаси

# ҚОНУНИЙ ИФТИХОР

Яздон ХУДОЙҚУЛОВ

**С**АЛИМЖОН Рўзиев ҳарбий хизматга 1939 йилнинг сентябрида қақрилди. Хизматни Орлов шаҳрида бошлади. Биринчи марта оқ финлар билан бўлган жангда иштирок этди. У ўзининг жасурлиги билан кўмондонликнинг эътиборини қозонди. Финлар устидан эришилган ғалабадан сўнг командирлар тайёрлайдиган ҳарбий билим юртига ўқишга юборилди. ...1941 йилнинг 21 июни бошқа кунлардан фарқ қилмас, кунлар илиб, табиат яшил либосга бурканган эди. Эртаси куни ҳарбий билим юртини тугатган кичик лейтенант Салимжон Рўзиев онаюрти — Каттакўрғонга отпускага жўнаши керак эди. Лекин...

— Шундан кейинги тақдирингиз ҳақида хикоя қилсангиз, — илтмос этдим Салимжон акадан. У бироз жим қолди. Сўнг қуролдош дўстларидан келган хатлар, ҳужжатлар, ёрликлар тўла папкалардан бирини авайлаб varaқлади-да, бир қоғозни олиб, олдимга кўйди:

— Мана бу, — деди мулойим жилмайиб, — менинг фронтдаги изларим. — Бу қоғоз Салимжон Рўзиев хизмат қилган 277-Рослав ўқчи дивизияси босиб ўтган фронт йўлларининг харита-схемаси эди. Харьков яқинидаги Чугуевка шаҳридан бошланган оловли йўл Волга дарёси бўйлаб, Сталинград, Воронеж, Витебск, Белоруссия шаҳар ва қишлоқлари, Литва ерлари ва ниҳоят, Шарқий Пруссиянинг Кенгсберг шаҳрига келиб қадалар эди.

Дивизия жангчилари биринчи бор Чугуевка шаҳри остонасида душман билан юзма-юз келишди. Бу жангда лейтенант Салимжон Рўзиев командирлик қилган алоҳида разведкачилар ротасининг жангчилари матонат ва қахрамонлик намуналарини кўрсатишди.

Сталинград учун олиб борилган шиддатли жанглардан бирида уни дивизия штабига қақриб қолишди.

— Уртоқ катта лейтенант! Зудлик билан «тил» олиб келиш керак. Группага шахсан ўзингиз бошчилик қиласиз, — дейишди унга.

Тун. Ой булдулар орасига яширинган. Изғирин. Оқ халат қийган разведкачилар ер бағирлаб, шам ғира-шира ёритиб турган ертўла кузатишар, у ердан маст-аласт фашистларнинг қийқириқлари, гармонь ва қўшиқ овозлари эшитилиб турарди.

— Кўздан қочирманглар, — деди Салимжон Рўзиев секингина ёнида хушёр турган дўстларига. — Бирортаси чиқши билан дарҳол кўлга оламиз.

— Анча кутиниша тўғри келди, — деб эслади кейинчалик шу операция иштирокчиси, разведка ротасининг сиёсий ишлар бўйича муовини, эндиликда истеъфодаги полковник Дмитрий Ефимович Писляков. — Ниҳоят, ертўла эшиги гижирлаб очилиб, ҳўкиздай фриц кўринди. Шу захоти — командирнинг ишораси билан унга ташландик. Ишимиз ўнгидан келган эди. Лекин маккор душман бизни сезиб қолди.

«Писляков, — деди командиримиз, — тезроқ фрицни олиб, жўна. Биз душманни чалғитиб тураемиз». Мен қўл-оёғи маҳкам боғланган фрицни судрай бошладим. Бир пайт, шундай ёнгинамда кимнингдир нафас олиши кулогимга чалинди. «Бу ким бўлди-кан?» деб оркамга қарамоқчи эдим, улгуролмадим, сўлоқмондай фриц устимга ташланди. Пичоқни олай десам, иложи йўқ, тегирмон тошидай оғир гавдаси билан елкамдан босганича бўға бошлади. «Энди ишнинг пачаваси чиқди, Митя, ҳаётдан умидингни узавер», деб ўйладим. Кутилмаганда мўъжиза рўй берди, ҳалиги фашист устимдан шилқ этиб ағанаб тушди. Ҳимини ўнглаб оркамга қарасам, пичоғини қинига солаётган халоскор командирим Салимжон мамнун жилмайиб турар эди. Мен унинг кўларига миннатдорчилик ҳисси билан тикилдим. Лекин бир оғиз сўз айтишга ҳолим келмасди. Са-

лимжон нима демоқчи бўлганимни сезди:

— Ҳожати йўқ, ошна. Энди умринг узок бўлади. Қани, тезроқ бор.

Тадбиркорлик билан иш тутган Салимжон бошлққ разведкачилар группаси ўшанда душманни роппа-роса икки соат овора қилди. Қирқдан ортиқ фашист қириб ташланди. Штабда сўроқ қилинган «тил» муҳим маълумот берди.

Бу операция Салимжоннинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди. Чунки у худди шу жангда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун биринчи жанговар мукофот — Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди. Кейинроқ юракдаги энг катта орауси ушалди: у Ленин партияси сафига қабул қилинди. Бу унутилмас таятана фронтнинг олдинги чизигида — траншеяда ўтказилди.

Разведка ротасининг командирли, доворак разведкачи Салимжон Рўзиевнинг номи тез орада тилдан-тилга ўтиб, бутун фронт бўйлаб тарқалди. Фронт газеталарида «Афсонавий разведкачи» деб мадҳ этилди.

Витебск шаҳрини озод қилиш учун олиб борилаётган жанглар арафасида 277-Рослав ўқчи дивизияси Витебск остонасига келиб, тўхтаб қолди. Фашистлар шаҳарни қўлдан чиқармаслик учун қаттиқ қаршилик кўрсатарди. Разведкачилар ротасига кўшинларимизнинг Березино дарёсидан талафотсиз ўтишлари учун йўл очиб бериш вазифаси топширилди.

Салимжон группаси билан бирга дарёнинг сазё жойларини аниқлади, нариги қирғоққа ўтиб, душманнинг истеҳкомларини ўрганди. Душман дарёни қаттиқ кўриқлар, ҳар замонда ўткир прожекторлар билан ёритиб турар, соҳилда эса уларнинг пулемётлари ўрнатилган эди.

Саҳар чоғи. Атроф гўё уруш бўлмаётгандек, сокин. Дарё устида қуюқ туман. Разведкачилар дарёдан ўта бошладди. Мана, душман эғаллаб турган соҳилга ҳам етиб келинди. Улар тепаликка тирмашиб чиқишди. Энди фашистлар кўзга ташланди турар, бир фриц, совуққа дош беролмай гўнғиллаб, ер депсинар, турган жойида сакрар эди. Яна бири шинелининг ёқаси билан юзкўзларини беркитиб, мудрар эди.

Салимжон қўли билан «хужумга» деган ишора қилдию, ўзи қаққонлик билан гўнғиллаб турган фашистга ташланди ва унинг пулемётига душман томонга бурди. Бошқа жангчилар ҳам белгиланган маррани эғаллашди. Ғафлатда қолган босқинчилар саросимага тушиб қолди. Кўшинларимиз дарёдан кешиб ўтгунча душ-

ман билан олишув давом этди. Уша куниёқ, шиддатли жанглардан сўнг, Витебск фашистлардан озод этилди. Ана шу жанговар топшириқни бажаришда кўрсатган матонати, тадбиркорлиги ва жасурлиги учун Салимжоннинг кўксини биринчи даражали Ватан Уруши ордени беади.

Белоруссия территориясида амалга оширилган «Багратион» операциясида ҳам Салимжон Рўзиев қахрамонлик қилди.

1944 йилнинг 23 июнь куни Кринки станциясида 277-Рослав ўқчи дивизияси жангчилари гитлерчиларга қақшатқич зарбарлаб бериб, душманнинг кучли мудофасини ёриб ўтдилар, фашистларнинг таянч пункти — Височи қишлоғини ишғол этдилар. Разведкачилар ротаси бу ерга ҳам биринчи бўлиб кирди. Докшичи районида бўлган қисқа, аммо шиддатли жангда бу рота разведкачилари голиб чиқишди. Командирнинг шахсан ўзи ўнлаб газандаларни қириб ташлади ва иккита фрицни асирга туширди. Лиано районида эса ботир разведкачи штаб офицерини «ўлжа» олди. «Багратион» операциясида мардонавор иштирок этгани ва кўрсатган қахрамонлиги учун иккинчи марта Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

Белоруссия озод қилинганч, Литва ҳамда Шарқий Пруссияни озод қилиш учун жанг давом этди. Хужумларнинг бирида Салимжон Рўзиев қаттиқ яраланди ва госпиталга юборилди. Бу ерда «Ватан шарафи» фронт газетасининг муҳаррири ёзувчи Аҳдам Раҳмат билан учрашиб қолди. Кўп ўтмай, «Қизил Ўзбекистон» газетасида ҳамюртимиз, моҳир разведкачи Салим Рўзиев ҳақида ёзувчининг «Подачининг ўғли» деб номланган очерки эълон қилинди.

Салимжон Рўзиев даволангач, ана ўз қисмига қайтди. У Ғалаба-



ни Шаркий Пруссиянинг Кенигсберг шаҳрида кутиб олди. Ниҳоят, 1946 йилнинг апрелида онаюрти Каттакўрғонга қайтди.

Аввал шаҳар партия комитетида бўлим мудир, сўнг райондаги Крупская номи колхозда партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлади. Саройкўрғон қишлоқ Советига раис бўлди. Коммунист Рўзиев колхоз экономикасини кўтариш, қишлоқларни ободонлаштириш йўлида билим ва бой тажрибасини ишга солди. Партия ва ҳукумат унинг меҳнат фронтидаги хизматларини муносиб баҳолади. У «Шавкатли меҳнати учун» медали ва қатор фахрий Ерликлар билан мукофотланди.

Запасдаги капитан Салимжон Рўзиев, мана, бир неча йилдирки, кесалик гаптини сураяпти. Бироқ у ҳамон тиним нималигини билмайди. Шаҳарни бог-роғлар билан безашда унинг хиссаси катта. Рўзиев шаҳардаги энг йирик, обод «Узбекистон 40 йилги» маҳалласига раислик қилади. У Каттакўрғон шаҳар Улуғ Ватан уруши ветеранлари клубининг аъзоси сифатида ҳам жуда катта ишларни амалга ошираяпти. Шу бонсдирки, каттакўрғонликлар унинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Шу ўринда Салимжон аканинг қуролдош дўсти, эндиликда запасдаги капитан, Горький шаҳрида истиқомат қилаётган ва 39 йилдан сўнг командири Салимжон Рўзиевни қидириб келиб, Каттакўрғонда меҳмон бўлган Александр Иванович Сениннинг 277-Рослав ўқчи дивизияси ветеранлари Советининг раиси Гавриил Ильич Фатенекка йўллаган хатида, унинг юрак сўзларини кўчирдик:

«Каттакўрғонликлар билан бўлган учрашув ва мулоқотларим пайтида шу нарса равшан бўлдики, Салим Пиримович Рўзиев Улуғ Ватан уруши даврида ажойиб командир, жасур жангчи сифатида жанг қилиб, ҳурмат қозонган бўлса, урушдан кейинги тинчлик даврида ҳам фидокор, ҳақиқий инсон ва чин коммунист сифатида фаоллик кўрсатаяпти. Унинг халқ ўртасида, партия, Совет ташкилотлари олдида бекиёс ҳурматга ва эътиборга сазовор бўлганини кўриб беҳад қувондим, жангавар оғанинг инсоний фазилатлари билан фахрландим. Шаҳар корхоналари, район хўжаликларида уюштирилган учрашувларда севимли командиримиз ва дўстимиз Салимжон Рўзиевнинг уруш йилларида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида тўлқинланиб гапириб бердим».

Ҳа, Улуғ Ватан уруши ветерани Салимжон Рўзиев ҳамон сафда, элимизнинг ҳурмати ва эътиборида.

# ТУРСУНМАТ ОТАНИНГ ЕРИ

Ч

ОТҚОЛ тизмалари этагидаги қир-адирлар бағрида янгидан тузилган қатор хўжалик экинзорларига оби-ҳаёт улашайтган Ҳамдам канали бўйлаб унинг атрофида ястаниб ётган далаларга суқланиб бораркансиз, қалбингиз ғурурга тўлиб, беихтиёр энтиккандай бўласиз. Ҳар ҳолда менга шундай туюлади. Негаки, ҳали Чирчик тўқайзорлари, Жиззах, Мирзачўл биёбонлари ўзлаштирилмаган, Фарғона каналлари очилмаган бир пайтда зарбор колхозчи — Турсунмат отанинг шахсий ташаббуси билан Хонариқ тўғри изга солиниб, унинг атрофидан беш гектарча бўз ер — шу ерлар ўзлаштирилган эди. Озод меҳнат кишининг бу иши бугунги космик парвозлар даврида арзimas бўлиб туюлиши мумкин. Лекин, ўша пайтларда бу иш омов, кетмон билан қуролланган меҳнаткашларнинг улкан зафари эди.

Бу заминни кавардонликлар ҳамон «Турсунмат отанинг даласи», «Турсунмат отанинг канали» дея фахрлиб таърифлашади. Уста йиллардаёқ, Турсунмат ота Эшов республика оксоқоли Охунбобоевнинг назарига тушиб, унинг мактовига сазовор бўлган меҳнаткашлардан эди.

«Турсунмат ота!.. Далаларнинг толмас ишчиси, улкан қалб эгаси, том маънода омилкор, катта дехқон! Назимда, зуваласи пишиқ, суяги меҳнатда қотган, бу чайир сиймонинг номи — серхосил далаларидек, тўлиб оқаётган каналидек ҳамюртларининг қалбидан жой олган. Улар шу қадрдон далалари, шу қадрдон инсон номи билан боғлиқ бир воқеани ҳали ҳамон эслашади...»

— Абдуқодир, ҳов-в-в... уста! Ёз кунларининг бирида кўчадан келаётган ана шу овоз бутун маҳаллани уйғотиб юборди.

— Ҳа, ҳа, тинчликми? — ҳовли ичкарасидан елкасига тўн ташлаганча шошилиб чиққан киши эшикни очди. — Келинг, Турсунмат ака.

— Галтак-палтак, ип-шайтонингн олгин-у, ҳозир олдимга туш!

— Епирай, — устанинг кўзлари пирпиреди, — поездингиз кетиб қоляптими, Турсунмат ака? Намунча ошиқмасангиз.

— Поездин-ку кетиб қолаётгани йўқ, — писанда қилди Турсунмат ака. — Қишлоқда яшайсанми? Вас. Колхозга ҳам мундоқ қайишиш керак. (Уста шаҳарлик бўлиб, яқиндагина қишлоққа кўчиб келганди).

— Колхозда ишлаймиз деб келганмиз-да, — бўшаниб деди

уста. — Ҳеч бўлмаса, бирор пиёла чой...

— Чойни далада ичамиз, ший-понда, кумроннинг тагига ўт қалаб келганман. Ғалтакипингдан кўпроқ олвол, иш кўп.

Шу шаҳар Абдуқодир уста Турсунмат сувчининг қистови билан кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган тарх тортиди... Турсунмат ака лиммо-лим оқаётган Хонариқ марзасига сув сатҳини мўлжаллаб қозиқ қоккач, унга ип учини маҳкам боғлади-да, янтоқ, шувоқ босган адир ўртасидан галтак ипни чуватганча кетаверди.

Лекин умрида бунчалик кўп ип билан тарх олмаган уста ишнинг моҳияти нимадан иборатлигига ҳамон ақли бовар қилмасди... «Хе йўқ, бе йўқ, ипни тўғрига тортиб кетишини қара. Э-э бу, ҳойнаҳой, янги йўл бўлса керак. Шу йўл ёқалаб қатор иморат тушса, ажабмас».

Тоғ томон адир бўйлаб бир-бир ярим тош масофага ипни таранг тортиб қайтган Турсунмат ака марза бошида турган устага буюрди:

— Абдуқодир, менга шу адирнинг Хонариқ суви юзасидан бир кетмон баянд нуктасини топиб берсанг...

Уста ишбошига нохуш қараш қилди-да, ишга киришиб кетди. Мўлжалдаги нуқтани бир тош наридан топиб, қозиқ қоқишди. Шу қозикдан ипни адир бўйлаб кўндаланг — Кавардон қишлоғини Бешкапа маҳалласидан то Қирғизовул четидаги Ендоз қўйчўпонинг кўраҳонасигача тортишиб, мўлжал қозиклар уриб чиқилди.

Турсунмат ака шийнонга тушиб чиқди. Хонариқ ёқасидаги даракт соясига дастурхон ёзди, кумгондан сопол товоқчаларга чой куйди.

— Уста, чаманга адирга сув чиқармикин? — деб сўради Турсунмат ака. Абдуқодир уста шундагина ишбошининг мақсадини англади.

— Боядан бери шу дардингизни айтмайсизми. Мен бўлсам... Хўп ажаб одамсиз-да...

Орага сукут чўкди.

— Ҳа, уста, — деди Турсунмат ака, — тўғри айтсан. Мен ажаб одамман. Вироз бесабрилик бор менда. Қолаверса, бу ишимзини битта-ярымтаси кўрса, гап чуватади... Эсимни танибманки, шу даладаман, — оғир тин олиб давом этди ишбоши. — Илгари бу ерлар заминдор бойларнинг ери эди. Уззукун эшакдек ишлаб, чўп чайнаб қолаверардик. Ҳосил эса, бойнинг оморига тушарди. Ушанда, бир парча ерни, ўз еримда беминнат меҳнат билан ҳалол ризқини топишни армон қилардим. Биз йўқейилар бахти-

га инқилоб бўлди-ю, рўшнолик кетидан рўшнолик келаверди. Кечаги чоракор, мардикорлар қатори менга ҳам ер тегди, уй-рўзгор битди. Эшигимдан сиғир-бузоқ чиқиб, эл подасига қўшилибдан бўлди. Мана, тенг ҳуқуқли бўлдим, озод меҳнатни кўрдим. Ҳамма нарса эллики бугун. Элга эл қўшилиб турган шундай замонда дехқон ақли заминга боқиб, хосилга — барака, ерга — ер, сувга — сув қўйиш пайига тушиб қоларкан... Мен экинни тунда суғоришни хуш кўраман. Ойдин тунда хув, ғўза пайкалидан тоғ томон қарасам, Хонариқ терс бурилиб оқадиган тумшуксимон жойда сув кўтарилиб, ўзанидан тошай-тошай деб оқаяпти. Дарров чим босиб ташладим. Чим босиб, сув сатҳига разм солдим, мўлжални адирнинг анча-мунча нарисига бориб қолди... Кейин, тун бўйи ўйладим, шубҳаландим. Хуллас, калламга шайтон билан ўлчаш фикри келиб қолди. Сени азонлаб бу ерга етаклаб келишимнинг боиси ҳам шу.

— Демак, ҳалиги қозиклар бўйлаб зовур олмақчиман, дег... Баракалла. Буни канал дейишади инженерлар. Лекин, зовурни чуқуроқ олиш керак. Сув сағал дамлашиб босади.

— Босармикан?..

— Ҳа, албатта чиқиши керак. Лекин бу ишлар хуфя дейпасиз. Ёлғиз қўлингиздан келмас-ов... Ҳеч бўлмаганда, колхоз фаоллари билан маслаҳат қилсангиз, ёмон бўлмасди. Тупроқ иши — заҳматталаб иш. Буни ўзингиз мендан яхши биласиз.

... 1930 йилларнинг боши «Меҳнат бирлик» колхозчи (ҳозир «Политотдел» колхозининг участкаси) фаолларининг йиғилиши борарди. Масала Турсунмат сувчининг ташаббуси тўғрисида. Турсунмат ака мақсадга ўта қолди. Биров у деди, биров бу деди. Колхоз раиси гапга хулоса ясаб деди: — Турсунмат ака. Аввало, бу маслаҳатингиз учун раҳмат. Буни яхшилаб ўрганамиз. Райондан мутахассислар қақирамиз. Бу — ошиқадиган иш эмас. Халқнинг дала «етти ўлчаб, бир кес» деган нақл бор. Иккинчидан, ортиқ куч ҳам, от-улов, қўш-қўзиз ҳам йўқ. Тракторлар МТСники. Уларни ишлайтган ердан жилдиришга ҳаққимиз йўқ. Кучимиз етарли бўлган тақдирда ҳам колхоз ерларини адирлар эмас, балки серунм тўқайзор ҳисобига кенгайтирганамиз маъқул. Шахсан мен ҳосилотнинг гапулга қўшилиман. Хонариқдан ота-боболаримиз ҳам адирга сув чиқаришган. Лекин, шўрхоклиги учун адирда янтоқдан бошқа ҳеч нарса битмаган... Хуллас, ҳозир бу ишнинг мавриди эмас...

Турсунмат ака тун бўйи правление мажлисидаги мулоҳазаларни таҳлил қилиб чиқди. «Шўрхок эмиш...» Ахир эгар урилмаган от ҳам гижинглайверади-да. Ҳар қандай ер ҳам ташландик бўлгач, шўри қайнади. Бот-бот шудгорлаб, озиқлантириб, сув бериб турилса, ерда ҳосил битиб, шўри ҳам ювилиб кетади. Фақат меҳнат, ирода даркор.

У азонлаб кўш ҳўкизни омовча кўшиб, адирга ҳайдади. Қўзқлар устидан омов солди. «Замин! Мен сенинг фарзандинг — деҳқонман. Мурувватингни дариг тутма».

Турсунмат ака Бешкапа билан Ендош чўпон кўраҳонаси орасидаги адир бағрини омов билан қизиб чиқди. Чизиги бўйлаб қайтаганида, кўш чошгоҳга келиб қолган эди. Оғзи кўприб кетган ҳўкизларга бир оз дам бериб, ўзи нуношта қилди. Пешонасини белбоғи билан танғиб олди-да, ишга тушиб кетди. Омов тиши қанчалик чуқур ботгани сари адир замини баттар заранглашиб борарди...

Кўш ҳўкиз ҳам, Турсунмат деҳқон ҳам қора терга ботди. Кун тиккада... Дам олсамикан? Йўқ, ер очиш керак. Зотан, деҳқоннинг дилини эзгу ният банд этдимки, бас, уни тўхтатиб бўлмайди.

...Турсунмат ака янги очилган бўз ернинг бир қисмини шудгорлаб, тажриба учун арпа, жўхори сеппи, устидан мола босди. «Арпа чидамли экин. Шамолда ётиб қолганда ҳам дон кўтаверади. Жўхори эса ерни озиқлайди».

Сув адир бўйлаб очилган ариқдан шилдираб окди-ю, ярим йўлда тўхтаб қолди. Чунки адирнинг баъзи ерлари баланд эди.

Хонариқни тўғон билан тўсиб, суви кўтариш — хавфли. Сув бироз кўтарилса, тамом, ўзанидан ошиб Оқва сойга, отхона, кўргон ва шўбига уриб кетиши мумкин.

Турпок остидаги уруғ сувзилдикдан ҳадеганда ниш урмагач, Иброҳим бувага чархпалак қурдирди. Чархпалак билан шудгорга сув тараётганда, бригадир келиб қолди.

— Ҳорманг!  
— Кел, бригадир, — Турсунмат ака лой сачраган уст-бошини тузатиб, у билан сўрашди.

— Турсунмат ака, намунча уринмасангиз, бола-чақангиз «нон» деб чиркиллаяптими? Нима десангиз, колхоз омборидан ўзим олиб берай. «Экин экаман», десангиз, серсув, яхши ер бор. Шерикликка экинг. Уруғликни биз берамиз.

— Раҳмат, бригадир! Ҳимматинг учун балли, — қўлини кўксига қўйиб деди Турсунмат ака. — Сен менинг ҳаракатларимни, ҳойнаҳой, ўзи учун, деб ўйлаясан шекилли?

— Ҳа-да. Бўлмаса ким учун? — Қалта ўйлабсан, бригадир. Қайсики деҳқон, ўз манфаатини ўйлаб, назарини паст қилса, уни деҳқон деб бўлмайди. Ундайлардан нари борса, савдогар чиқади, холос, тушундингми?.. Оқ पोшшо даврида ватандан узоқларда жанг учун ҳандак қазинганда, шахид бўлганлар учун қабр отганида, омовчинг, она-Ернинг қадрини обдон билганман. Бир бурда нон одам зотидан аялдо бўлган кунларни ҳам бошимдан кечирганман. Менимча, деҳқон ер юзида энг табарруқ, энг шарафли зот! Деҳқон бўлиш учун, энг аввало, заминни сева билиш керак. Заминни ардоқлаш — Ватани, халқни севиш дегани..

Ез бўйи қилган меҳнатлари зое кетса-да, улфатлари: «Адирдан уруғлигингни олдингми? е уруғинг ҳам шўрлаб кетдимми?» дея аскияга олишса ҳам, Турсунмат пинагини бузмади. Қайтага, адир ўрнида яшнаб турган дала тушларига кирадиган бўлиб қолди.

Бўш вақт тодди дегунча, адир этагидан қуйига қараб шудгорлашга тушди.

Бир куни омов учи алланарсага теккандай бўғиқ гижирлаб қолди. Ҳўкизни тўхтатиб, ўша жойни белкурак билан оча бошлади. Белкурак сополга теги. Сопол атрофини авайлаб очиб, хум қавлаб олди. Хум ҳозиргина белкурак, омов урилиб қўлогини сиңдириб юборганлиги ҳисобга олинмаса, яхши сақланган эди.

Оғзини тўлиб қолган лойдан тозаллаган эди, ичидан дон тўкилди. Турсунмат ака хумни мактабга олиб борди. Мактабда бунақанги осор-атикаларга қизиқиб қарашлари унга маълум эди. Айниқса, тарих ўқитувчиси Саъдулла Муродов Турсунмат аканинг адирдан келтирган хумига жуда қизиқиб қолди.

Турсунмат ака янги очган ариқ ўзанидан ҳам майда-чуйда ўйинчон, тошчирок, сопол бююмлар чиққанлигини ҳўқоя қилиб берди. Ҳўқитувчи бошлққ ўқувчилар Турсунмат отанинг канали бўйлаб қазималар олиб борди. Шунингдек, қишлоқ комсомол-ёшлари ҳам Турсунмат аканинг ҳайрли ишини қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Янги канал трассасида ҳатто аёзли қиш кунларда ҳам шанбаликлар ташкил этилди.

Шудгорланган адирга ҳашар йўли билан маҳаллий ўғит, кул солинди. Кўкламда адир ери яна бир бор нишобга қарата ағдарилиб, жут уруғи қадалди. Шу йили Хонариқ сувидан бир қисми зовур бўйлаб оқизилди. Бўз далага сув келди. Натиха ёмон бўлмади. Кечагина ноумид фикр айтганлар, кейин мақтовга ўтдилар.

Мабодо, йўлингиз Янгибозор, Чирчиқ томон тушиб қолгудай бўлса, албатта, кенг далаларга кўзингиз тушади. Бу далалар яқин йилларгача ботқоқ, ёввойи ҳайвонлар изғиб юрган тўқайзор бўлганлигига ишонмайсиз.

Кенг асфальт йўлдан то Қорасув дарёсигача бўлган далалар Турсунмат ота Эшов бошлққ бригада далалари эди. Турсунмат ота адирни ўзлаштиргандан сўнг, Қорасув дарёсини кечиб ўтиб, тўқайга хужум бошлаган. У бошчилик қилган янги, зарбдор бригада Чирчиқ тўқайзорларига биринчилар қатори чигит қадади. Тўқайдан пахта олиш осон бўлмади. Минг йиллик қамиш, гўмай, ажриқ, юлғунни патак илдиэига-ча сўғуриб олишга тўғри келди. Чиябўри, чивин галаларидан сўнг, «чигиртка булут»и билан аёвсиз олишувлар бўлиб ўтди. Тўқай пахтаси учун кейинги жангларда ҳам Турсунмат ота ва унинг издошлари ғолиб чиқдилар.

Одамларнинг эслашларича, Турсунмат отанинг айтарли томорқаси ҳам бўлмаган экан. Бутун умрини, куч-қуввати, шуурини ерга, эл фаровонлигига бағишлаган бундай инсонлар ҳақида ўйлар экансан, қалбингда фахр туйғулари жонланади. Узинг билан бир ҳаводан нафас олаётган барча инсонларда ҳам шундай хислатларни кўриш умиди туғилади. Шундай одамлар бор, албатта, бор!

Ҳамидулла САЪДУЛЛАЕВ  
Коммунистик райони



## ҚУЕННИНГ «ЖАСОРАТИ»

Туркманистоннинг Мари шаҳри билан «Сақарчага» совхоз оралигидаги йўлда оқ машинаси шитоб билан борарди.

— Ие, ановини қаранглар! — деди машина кузовида ўтирганлардан бири кенг далага ишора қилиб. — Анови шогол шу тарафга югуриб келаяптими?

— Ҳа, тўғри, биз тарафга келаяпти, — дея унинг сузини қуватлади ҳамроҳи. — Қаранг кўрқмайдиам. Галатти.

Шу орада оппоқ коптоксимон нараса кузовга ёпишдию юқорига кўтарилиб, оёқлар ёнига тушди. Ҳўтирганлар, ўз кўзларига ишонмагандек, ҳайратда эдилар. Ана шу коптоксимон нараса.. жунжиқиб турган кўён эди. Чамаси у кузовдан чиқиб, бирор тарафга йўл олмоқчи эмас эди. Ишчилардан бири уни кўлига олиб, тиззасига қўйди-да, камзулининг этагини унинг устига ёлди.

Ҳалиги югуриб келаяётган шогол бир мулдат ён тарафда чоңиб борди-да, юк машинасининг ортидан қараганча оркада қолиб кетди.

— Мана, кўрқоқ кўён деганнингизни иш! Бундай жасоратни қаяқдан олдикин бу?..

— Бундай шароватда жасоратли бўлади-да, — деди ўз тиззасида титраб турган кўённи силаб ўтирган ишчи.

Тахминан ўн километрча йўл босганларидан сўнг ишчилар ўзи талабгор бўлиб асир тушган кўённи қўйиб юбордилар.

## ЧАЕНЛАР

Стокгольм ҳайвонот боғларидан бирига анъанага кўра Мароккодан чаёнлар сотиб олиб келтирилди. Бу бўғиноққилар захаридан ўтакамбб дори-дармонлар тайёрлаш учун керак эди. Ҳайвонот боғининг мутахассислари чаёнларни урчитиб бўйича тажриба ўтказдилар. Биринчи марта бу ердаги махсус бинода 26 та чаён боласи дунёга келди. Томошабинларгина эмас, ҳатто олимларнинг ўзлари махсус ойна ортидаги катта чаёнларнинг болаларини опичлаб, сайр қилдиришини ҳайратланиб томоҳа қилдилар.

Мутахассислар энди худди шу усулда захарли ўргимчаксимонларни ҳам оддий усул билан урчитиб устида бош қотирмоқдалар.



Расми Т. Саъдуллаев чизган

Мамлакатимизда меҳнатни тобора энгиллаштириш йўлида катта тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам меҳнат коллективларининг имконият даражалари уфқи янада кенгаймоқда. Бу, ҳар жиҳатдан муносиб кадрларни танлаш, ишлаб чиқаришга фан-техника янгиликларини жорий этиш, аниқ режа асосида иш юритиш тажрибалари билан чамбарчас боғлиқдир. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» шу нуқтаи назардан дастуриалмал бўлиб хизмат қилади. Мааскур тарихий ҳужжатда: «Меҳнатнинг техника билан қуролланган Асосий йўналишлари» шу нуқтаи назардан дастуриалмал бўлиб хизмат қилади. Мааскур тарихий ҳужжатда: «Меҳнатнинг техника билан қуролланган Асосий йўналишлари» шу нуқтаи назардан дастуриалмал бўлиб хизмат қилади. Мааскур тарихий ҳужжатда: «Меҳнатнинг техника билан қуролланган Асосий йўналишлари» шу нуқтаи назардан дастуриалмал бўлиб хизмат қилади.

дир. Чунки, матлубот кооперацияси ходимларининг аксарияти ёрдамчи ва кўмакчи ишлар билан банддирлар. Бу ҳол оғир қўл меҳнати салмоғининг ортиб кетиши, иш вақтининг унумсизлиги каби қатор нуқсонларни юзага келтиради. Очигини айтиш керакки, мавжуд имкониятлардан, асбоб-ускуналардан ҳамма жойда ҳам мақсадга мувофиқ фойдаланилмайди. СССР Матлубот кооперациясининг X съездида ҳам қўл меҳнати янги қисқартириш ва техникадан фойдаланишни яхшилашнинг ялли программасини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди. Мааскур программани амалга ошириш матлубот кооперациясини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунга биноан, меҳнатнинг техника билан таъминлаш даражасини янада ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларидан самаралироқ фойдаланиш, илгор технологияни жорий этиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, қўл меҳнати камайитириш каби тадбирлар белгиланган. Кўзда тутилган мақсадларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши туфайли Андижон область матлубот союзи

системасида ҳам муҳим сифат ўзгаришлари вужудга келди. Бу ерда сўнги йиллар давомида юзлаб кишилар қўл меҳнатида озод қилинди ва бошқа ишларга ўтказилди.

Кооператив саноатида ишлаб чиқаришнинг характери бажариладиган ишлар салмоғини белгилайди. Чунончи, область матлубот союзига қарашли 10 та нон комбинати ва 5 та новвойхона ишини техникалаштириш, илгор технологияни жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллаштирилмоқда. Ҳозирги пайтда областдаги нон пишириш корхоналарида 270 та технологик асбоб-ускуна мавжуд.

Оби нонлар пишириладиган цехлар талаб даражасида механизмлаштирилган. Қўрғонтепа районида замонавий янги тандир билан жиҳозланган цехнинг барпо қилиниши 10 та эски тандир ўрнини босди. Аввал ҳар бир тандир учун 3 киши банд бўлиб, 300 килограмм нон ёпишарди. Янги тандирда эса 15 киши ишлайди ва 2,6 тонна нон пиширилади. Бу, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигининг қарийб икки баравар ортишига, ўнлаб киши-

ларнинг бошқа ишларга ўтказилишига ҳамда йилига 30 минг сўмлик иқтисодий самара олинишига имкон берди. Ҳозир областда ана шундай тандирлардан учтаси ишлаб турибди.

Меҳнатни механизмлаштириш технологияни такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли корхоналарда планлаштириш ишлари механизация воситаларини изчил жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ишга тушириладиган ва қайта қуриладиган корхоналарда меҳнатни механизмлаштириш, автоматлаштириш, ишчи ва хизматчиларнинг иш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар, пировард натижада, кооператив хўжаликдаги бутун моддий-техникавий базадан фойдаланиш самарадорлигини оширишга олиб келади. Зеро, халқимизнинг истеъмол молларига тобора ортиб бораётган аҳтиёжини қондириш матлубот ходимларининг ҳам масъулиятли вазифасидир.

Намуна РАҲИМОВА,  
инженер

Андижон

Еш болакай эдим. Кечкурунлари қишлоғимиз гузариди гармошканинг ғит-ғити, скрипканинг шўх навоси авжига чиқарди. Қий-чув, қарсақ акс-садо бериб, қишлоқнинг сокин тунини файзага тўлдирарди. Ҳаммамиз ўйин бўлаётган клубга чопардик.

Клуб вақтинча ёпилган, унга ёз мавсумида қишлоғимиз ёнидаги завод қурилишига ҳашарга келган солдатлар жойлашинган эди. Улар кечкурун клуб олдидаги майдонда ўйин бошлашарди. Қишлоқ болалари солдатларнинг ўйинига ишқивоз эдик, ярим кечагача таркалишмай томоша қилардик.

Ҳовлимиз клубга яқин бўлгани учун солдатлар бизникига кўп киришарди. Бувим уларга бир челек шафтоли, олхўри ёки олма узиб берарди.

— Айб бўлади, сизлардан пул оламани, — деб қойиб берарди улар ҳақини беришса.

## ОНАМДЕК

## МЕҲРИБОНСИЗ

Бир куни эшигимизни қоқиб, оксоқланиб бир солдат кириб келди. Ойим уни чойга таклиф қилди, дастурхон ёзди. Мен ҳавас билан қараб ўтирардим.

У оёғига қурилишда хода тушиб кетганини, бугун эса ишга бормаганини айтди.

— Озгина кир уст-бошларим бор эди, шу ерда қуйиб олсам, — деди у ийманибгина.

— Қани, ўзим ювиб берман, — деди бувим. — Ҳеч тортинманг, ўғлим. Келтириб беринг...

Йиллар оққан сувдек ўтиб кетар экан. Энди ўзим ҳам солдатман. Бизлар ҳам иморат қураётимиз. Бизни Озарбойжоннинг тоғлик районларидаги қурилишга олиб боришган эди.

Ҳар оқшом ишдан қайтган солдатлар даврасида ўйин авжига чиқарди. Галма-гал ўйинга тушиб, қўшиқ айтаман. Қарсақ, қий-чув, кулги ҳаммаёқни тутиб кетади. Қишлоқ болалари даврамизнинг чор атрофини тўлдиршиб, ҳавас билан ўйинимизни томоша қилишарди.

Бугун ишдан барвақт қайтдик.

Негадир шу кезде тўйиб олма егим келди. Рўпарадаги ҳовлига кирдим. Ўзбек кампирларига ўхшаб, оқ сурпдан рўмол ўраган кампир овқат тайёрламоқда эди. Мени кўриб ўрнидан қўзғалди: — Галинг, солдат ўғлон.

Салом-алиқдан сўнг бир сўм пул билан идишни тутдим.

— Олмага кирган эдим...

— Азият чекарам, сизлардан пул олсам, — қойиб берди кампир. У идишни тўлдириб олма узиб тутди ва оналарга хос мулоҳим оҳангда қўшиб қўйди: — Галиб дурин, кир-пирингиз бўлса, галтириб берин, ҳеч тортинманг, ўғлон...

Юрагимнинг аллақаери жиз этиб кетди. Рўпарадаги бегона кампир узоқ қишлоғимдаги онаизоримга жуда ҳам ўхшаб кетди.

Муроджон АҲМЕДОВ

## ОЛТИ ШОХЛИ КЎЧҚОР

Болгариянинг Смолянск ойи округига қарашли Вербина қишлоғида яшовчи кекса чўпон Карамфил бобо яқинда ўзининг тўксон олти ёшида қариндошлари даврасида нишонлади. Бирок

у шунча ёшга кириб, бундан бир неча ой аввал туғилган кўзичоқдақа галати кўчқорчани ҳали кўрмаган эди. Унинг фермасида ўсаётган мааскур кўзичоқ ўз харақтерига кўра «жанговарлиги» билан ажралиб туради. Бунинг сабаби шунки, кўзичоқнинг бошида олтига шохи бор. Икки тарафда учта-учтадан бўлиб ўсган шохлар бамисоли гулдастани эслатади. Сершохлилик ёш кўч-

қорнинг ўсишига халақит бермаётир. Ҳозирги кунда олти шохли кўчқорнинг оғирлиги тахминан 60 килограмм, унинг жуни ҳам ниҳоятда майин.

## ФИЛЛАР МАКТАБДА

Уша куни эрталаб Ҳиндистоннинг Бенгалуру шаҳ-

ри чеккароғидаги коллежда барча талабалар машғулота кечикмай келинган эди. Бирок биринчи даре бошланиши биланок мактаб ҳовлисида қандайдир шовкин сурон эшитилди. Ўқитувчилар даразадан қарадилар-у ҳовлида ёйилаб юрган ўн битта филил кўриб ҳайрон бўлдилар. Филлар гўё машғулота киришни исташаётгандек, хартурмуларини барланд кўтариб пишиқиршар-

ди. Коллеж ходимлари воқеа юз берган жойга келишиб, филларни ҳайдашга уриниб кўрдилар, аммо филлар билим юртининг ҳовлисида кетишни истамадилар. Шундан сўнг одамлар гудхан ёқиб, сулгирсимон машғалалар ёрдамида филлар подасини ҳайдашга тушдилар. Улка жониворлар бундай «психологик ҳужум»га бардод беролмай қочиб қолдилар.

# Ч Ў Қ Қ И

Дунёда юксак тоғлар кўп. Ҳар бир тоғнинг ўз чўққилари бор. Лекин Ҳималай тоғи ва унинг чўққилари сингари юксакликлар эса жуда кам. Айниқса, Жомолунгма чўққиси юксакликда ягонадир. Агар таъбир жоиз бўлса, совет адабиётининг, қолаверса, бутун жаҳон адабиётининг Жомолунгма каби юксак чўққиларидан бири Михаил Шолоховдир.

Ҳа, Михаил Александрович Шолохов — сўз билан ранг-баранг ҳамда мураккаб характерларни, жонли инсонлар — абадий барҳаёт адабий қаҳрамонларни яратган, сўз билан инсон тафаккурининг мислсиз қудратини намоиш эта олган қайтарилмас талант соҳиби, буюк сўз санъаткори. Дарҳақиқат, Михаил Шолохов юбилейи рус адабиётининг ёки кўпмиллатли совет адабиётининггина эмас, балки бутун жаҳон адабиётининг ҳам тўйдир. Зеро, унинг асарлари таржима қилинмаган тил, унинг асарларини ўқимаган китобхон дунёда камдан кам учрайди.


Булажак улуг адиб 1905 йил 24 майда Дон дарёси водийсидаги Юржилин қишлоғида дунёга келди. Унинг болалиги ва ёшлиги жуда кўп муҳим ҳодисалар ичига кечди, хилма-хил тарихий воқеалар шохиди бўлди. 12 ёшида Улуг Октябрь инқилобини кутиб олди. Граждандар уруши даврида ёш Совет ҳокимиятининг галабаси учун курашди. У адабиёт майдонига 1923—1924 йилларда ўзининг ilk ҳикоялари, фелъетон ҳамда очерклари билан кириб келди. Буюк талант соҳиби ўзининг инқилоб нури билан йўғрилган қаламини янги турмушга шутур етказаятган қўланкаларни қувлашга қаратди. Кўп ўтмай, унинг ilk ҳикояларидан ташкил топган «Дон ҳикоялари», «Баҳорги дашт» тўпламлари нашр этилди, ўқувчилар қалбига йўл олди.

Ҳикоялар ёзиб бирмунча тажриба орттирган Михаил Шолохов тарихий-инқилобий мавзуда йирикрок бир қисса ёзишга киришди. 1925 йили бошланган мазкур қиссасини «Донщина» деб аташни мўлжаллайди. Лекин қисса битмай туриб, унинг фикри ўзгаради. 1926 йилнинг охирида «Тинч Дон» романини ёзиш режасини ишлаб чиқади ва тайёргарлик кўриш мақсадида материаллар тўплай бошлади. Романининг биринчи китобини бир йилда тугатади: 1927 йилнинг охирида қўлёзamani «Октябрь» журнаliga топширади.

Бирок бостиришда бир мунча ихтилофлар келиб чиқади. Асарнинг кўп жойларини олиб ташлашни таклиф этишади. А. С. Серафимовичнинг аралашуви билангина биринчи китоб қисқартирилмай ўз ҳолида бостирилади. Биринчи китоб нашр этилиши билан дарҳол кенг адабий жамоатчилик диққат-эътиборини ўзига тортади, оддий китобхонлардан тортиб, ўша даврдаги машхур танқидчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотади. Шу сабабли китоб ҳали журналда тўла босилиб чиқмасдан туриб, у ҳақда мақолалар чиқа бошлади. Бунинг боиси, ёзувчи казак Прокофий Мелихов оиласи орқали Дон бўйидаги казаклар ҳаётининг теран илдиэларини санъаткорона идрок кўзи билан чуқур очиб бериши, революциядан илгариги казакларнинг қарашларидаги чалқашликларни, социал қарама-қаршиликларни, уларда синфий тушунчаларнинг ниҳоятда чигаллашиб кетганлигини бадиий лавҳаларда ишонарли тарзда тасвирлай олишидир.

Маълумки, романдаги асосий қаҳрамонлар Григорий билан Акинъядир. Лекин адибнинг юксак маҳорати шундаки, энг «майда» персонажларга қадар шундай зўр бадиий куч билан тасвирлайдики, улар худди бош қаҳрамонлардек китобхон тасаввуридан кетмайди, хотирасидан ўчмайди. Китобхон ўзини Татарск хуторида улгайгандек, у ернинг ҳар бир қаричини ипидан игнасигача билади-гандек ҳис этади. Гўё бармоқлари калта Пантелей Прокофьевич, қулгини ажин босган Гришак бобо, бармоқлари қизилмағиз Наталья, панжасини қоп-қора қадок босган Степан, умуман, китобда тасвирланган Татарск хуторидагиларнинг ҳаммаси билан бирга яшагандек туюлади.

«Тинч Дон» романининг иккинчи китоби ҳам 1928 йилдан бошлаб эълон этилди. Аммо аввал иккинчи китоблиги кўрсатилмади, худди биринчи китобнинг давомидай босилаверди. Кейинрок иккинчи китоб ҳолида аллоҳида китоб қилиб нашр этилди. Мазкур иккинчи китоб асосан февраль буржуа-демократик революциясини, генерал Корниловнинг монархияни яна қайта тиклаш йўлидаги қилган фитнасини, Петроградда хизмат қилаётган казак полкларига юз берган воқеаларни, Улуг Октябрь социалистик революциясининг Дондаги казакларга таъсирини ва у ерда рўй берган контрреволюцион чиқиш-



ларга қарши курашларни ўз ичига кенг қамраб олди. Албатта, бу ҳодисаларни тасвирлаш ва уларнинг туб моҳиятини очиб бериш учун ёзувчидан жуда катта талант, маҳорат, теран зийраклик ҳамда куч талаб қилинарди. Михаил Шолохов мана шундай ўз олдида турган буюк ишнинг уддасидан чиқибгина қолмай, балки ҳар бир ёзувчи орау қиладиган даражада юксак бадиий қудратини ишга солди. Натижада у революцион ҳамда аксилинқилобий ҳодисаларнинг ёрқин тафсилотини, туб моҳиятини, ўша даврдаги кенг халқ оммасининг кайфиятини жонли бадиий бўёқларда ифода этишга эришди. Бундан ташқари эпопеянинг иккинчи китобида қанчадан-қанча бадиий қаҳрамон ва персонажлар билан бир қаторда тарихий шахсларга ҳам кўп ўрин берилди. Революцион халқ вакиллари бўлган Подтелков, Кривошликов, Шчаденко, Головачев, Минаев, Лагутин ва бошқаларнинг образлари шулар жумласидан. Бу тарихий шахсларнинг ёрқин образлари романдаги воқеалар билан чамбарчас бoғланиб кетган.

Михаил Шолохов «Тинч Дон» романининг учинчи китоби устида кўп ишлади, тинимсиз уч йил меҳнат қилди. Тўртинчи китоб ҳам адибдан катта ижодий куч талаб қилди. Улуг адиб роман-

нинг учинчи ҳамда тўртинчи китобларида гоъий жиҳатдан жуда ҳам мураккаб воқеаларни тасвирлади ва Юқори донлик казакларнинг аксилинқилобий кўзголонини, бу кўзголоннинг келиб чиқиш сабабларини тарихий ҳақиқат минбаридан туриб кузатди ҳамда чинакам санъаткор сифатида рўй-рост ифодалаб берди. Тўртинчи китобда кулак ва оқ гвардиячиларнинг найрангига учиб, баъзи бир партия раҳбарлари томонидан ўрта ҳол деҳқонларга нисбатан қинғирликка йўл қўйилганлигидан норози бўлиб, Совет ҳокимиятига қарши қурол кўтарган Юқори Дон казакларининг исёни ва аксилинқилобий «кўнгили армия» кураши мағлубиятга учрагани ақс эттирилади.


Маълумки, буюк совет адиби «Тинч Дон» романининг учинчи китоби билан бир вақтда «Очилган кўриқ» романини ҳам ёзишга киришган эди. Бу роман мамлакатимизда рўй берган муҳим воқеага, яъни ўттинчи йиллардаги коллективлаштириш даврини тасвирлашга бағишланган. Ёзувчи қишлоқда социализм қурилишини, деҳқонлар ҳаётидаги чуқур инқилобий ўзгаришни юксак бадиий маҳорат, тарихий ҳақиқатга садоқат билан, зўр эҳтирос билан ўқувчи кўз ўнгида гавдалантириб берди. Бутун ҳаётини Совет ҳокимиятини мустақ-

камлаш ишга қаратган Давидов, Размётнов, Нагульнов ва бошқа шу сингари ижобий қаҳрамонлар образини фавқулодда жозибадор ҳамда ишонarli тарзда акс эттирди. Ҳақли равишда бу асар ўттинчи йиллардаги мамлакатимиз ҳаётининг ёрқин бадий кўзгуси бўлиб қолди.

Улуғ Ватан уруши йилларида улкан совет адаби ҳарбий муҳбир сифатида бевосита фронт жабҳаларида иштирок этди. У ўзининг ўткир публицистик мақолалари билан жангчиларни курашга илҳомлантирди, душманга нисбатан сўнмас қажру ғазаб уйғотди. Оташин публицистик сатрларда халқимизнинг гитлерчи босқинчиларга бўлган битмас-туганмас нафратини баён этар экан, жангчиларни жонажон Ватанимиз тупроғини босқинчи газандаларнинг ифлос оёқларидан тозалашга қақирди. Ёзувчи ўзининг бадий очерк ҳамда ҳикоялари орқали эса, мамлакатимизда немис-фашистларга қарши олиб борилаётган ишлар ҳамда жангчиларимизнинг мислсиз қаҳрамонликлари, жасоратларини бадий бўёқларда жонли чизиб берди. «Донда», «Қазаклар», «Ҳарбий асирлар», «Жанубда» ва бошқа шу сингари асарлари фикримиз тасдиғидир.

Уруш йилларида мақолалар, очерклар билан бир қаторда адаб улкан эпик асарга ҳам қўл урди. Михаил Шолоховнинг ўз тили билан айтганда, санъатнинг оғир артиллерияси билан ҳам душманга зарба бермоқ учун киришди. Мазкур асар «Улар Ватан учун курашдилар» деб аталади. Уруш кизгин даврида бошланган бу романи Улуғ Ватан урушидан кейин ҳам давом эттирди. 1969 йил уни қайта ишлади. Асарда гитлерчи босқинчиларнинг совет халқлари бошига солган мислсиз ситамларини, бексиз кулфатларини, ақл бовар қилмайдиган шафқатсизликларини ва лекин шунга қарамай, халқларимизнинг ғалабага бўлган ишончлари сўнмаганлигини, ёвни тор-мор этишга матонат топа олганликларини санъаткорона теран ёритди. Уруш мавзуси унинг «Нафрат илми» (1942 йил), «Инсон тақдир» (1956 йил) каби ҳикояларида янада таъсирли, янада юксак ижодий куч билан тасвирланди. Айниқса, «Инсон тақдир» ҳикояси жаҳон адабиёти олтин фондиди бойитган асарлардан бири бўлиб қолди. Зеро, Михаил Шолоховнинг мазкур ҳикояси ҳақида минг-минглаб китобхонлар қатори кўпмиллатли совет адабиётининг Николай Тихонов, Георгий Марков, Мухтор Аvezов, Ойбек, Берди Кербобоев, Самад Вурган, Мирзо Иброҳимов, Уйғун, Комил Яшин, Назир Сафаров, Жалол Икромий, Аали Тўқамбоев сингари атоқли адаблари ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Ҳикоя асосида кинофильм ишланди. Буги-на эмас, улуғ совет ёзувчисининг «Тинч Дон» эпопеяси ҳамда «Очилган қўриқ» дилогияси янглир машҳур асарлари асосида олинган фильмлар ҳам совет киносанъатининг фахридир.

Михаил Шолохов асарларининг деярли ҳаммаси ўзбек тилига таржима этилган. Унинг ўзбек



Виктор ГЮГО

## ОЙ ЕҒДУСИДА

Тип-тинч тўлқинда сокин ой акси, Ойнага урилар денгиз шамоли, Малика кузатар мавжларнинг рақсин, Бир нуқта кўриниб бўлар хаёлин. Ногаҳон тинади гитара саси, Грек ороллари — тўлқинли хилқат. Не шивир, келарми турклар кемаси, Татар дўст ҳадяси унгами қувват? Балки бу балиқдир, сув ичра шўнғиб, Гавҳардек думини бот-бот силқитар? Балки бу жинлардир, қўндан ўкириб Минора парчасин кемага отар? Ким журъат этолди, малика, сенинг Хурматинг ким бузди? Укирган овоз Балиқ ҳам, тош ҳаммас, оғир кеманинг — Тўлқинлар қағридан чиққан мунгли соз. Осилган саватдек сувда бу кема Қўйқирқ-нолани олган борлиқдай. Кўргандек тўлқинда одамзод аксин Сокин ой тинчгина сузар балиқдай.

## ИНТИҚЛИК

Олмаҳон, чиқ шоҳу бутоққа, Қарагин синчиклаб ҳар ёққа. Минора сирдоши, эй лайлак, Қанотинг бир қоқ-да муаллак, Мачитдан кўрғонга учиб ўт, Қўнғироқ боғичин туртиб ўт. Бекўшиқ, бешаён тўнг борлиқда, Қалдирғоч, кел учил, толиқма. Оқ сочли, мангу қор чўққилар, Йўлингга интизор боқурлар, Уянгни тарк этгин, шоҳ бургут,

тилида саккиз жилдлик асарлар тўплами нашр этилганлиги республикамиз маданий ҳаётидаги катта воқеадир. Ёзувчининг «Тинч Дон» эпопеясини ташкил этган биринчи, учинчи, тўртинчи китобларни Одил Шаропов, «Очилган қўриқ» романини Ваҳоб Рўзиматов таржима қилганлар. «Тинч Дон»нинг иккинчи китобини, «Инсон тақдир» ва бошқа ҳикояларини эса Мирзақонон Исмоилий таржима этган. Шунингдек, бошқа таржимонлар ҳам адибининг асарларини ўзбек

тилига таржима этишда жиддий меҳнат қилганлар.

СССР Фанлар Академияси академги, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Михаил Шолоховнинг совет адабиётини раванқ топтиришдаги хизматларини халқ хамиша ардоқлаб келди, партия ва ҳукуматимиз қўллаб-қувватлади, муносиб мукофотлар билан тақдирлади. У Ленин мукофоти лауреати (1960 йил), «Очилган қўриқ» дилогияси учун), Нобель мукофоти лауреати (1965 йил) эди.

Буюк француз ёзувчиси, шоир ва драматурги Виктор Гюго жаҳон классик адабиётида ўзининг юздан ортқ асарлари билан машҳурдир. Унинг адабий мероси 26 жилдлик шеърлари, 20 жилдлик романлари, 16 жилдлик драмаларини, 12 жилдлик фалсафий ва бир қанча публицистик асарларини ташкил этади.

Иттифоқимизда Виктор Гюго ёзувчи ва драматург сифатида таъинланган. Лекин унинг шеърини ҳали ўзбек китобхонларига етиб бормаган. Шоирнинг 1829 йилда яратган «Шарк куйлари»ни француз тилидан Шарофат Ботирова таржима қилди.

Минг йиллик тоғларга учиб ўт. Энди-чи, дарахтлар шохидан, Мармарли минора ўқидан, Булутли уфқлар, боғлардан, Минг йиллик, сервиқор тоғлардан, Бир қараб қўйингиз, мабодо, Эсарми енгил бир шаббод, Еримнинг уқпарни еларми, Пишқириб самани келарми?

## ЗАРҚОКИЛ НУРМАҲАЛ

Икки ялангликнинг тик қоясида, Чакаласзорлар бор метиндай чайир. Дарахтлар шох-шабба химоясида Турар тепа сочдай тикка ва гайир. Нелар бор тўқайзор, тоғ қиясида?

Қоронғу, зах горни айлашиб макон Қонхўр шер авлоди тортади наъра. Тирноғига ваҳший бўрию қоллон Чинкиригин кўриб, чидолмай, қара, Боласин гор томон тортади арелон.

Кўп махлуқ тўдаси ҳукмрон бунда, Тимсоҳлар тамшанар бир ўлжа кутиб. Еб тўймак қаркидон, илон ҳам унда Умидли дунё деб ётар кўз тикиб, Агар тош тушса ҳам юборар ютиб.

Аждарҳо у ерда, тасқаралар ҳам. Маймунлар шовқини борлиқни тутар, Аридай вижиллаб тинмайди бир дам. Ваҳайбат филлар-чи ямламай ютар, Бамбукни еб борар қадам-бақадам.

У ерда йиртқичлар очиниб оғиз, Бўқириб, чинқириб сакрашар ҳар он. Дунёда бор бўлса, қандайин ёвуз, Шу ерду у ёвуз туғилган макон, Қон истар инидан боққан ҳар ҳайвон.

Хуллас, бажонудил бунга ҳар маҳал, Ҳеч бир тортинмасдан қўярдим қадам; Ширинсўз, зарқокил, дилбар Нурмаҳал Қаҳридан кўра, оҳ, шу замон, шу дам Йиртқичларга мен ем бўлганим афзал!

Ҳа, ҳар бир тоғнинг ўз чўққилари бор. Агар уни рамзий маънода адабиётга кўчирадиган бўлсак, Совет адабиёти тоғининг ҳам юксак чўққилари кўп. Улар орасида Михаил Шолохов чўққиси алоҳида қад ростлаб турибди. Тонгги қуёш шарорасига чулганган бу буюк чўққи олис келажакдан ҳам кўринади. У Михаил Шолоховнинг ўзи сингари пурвиқор, абадиёт сингари боқийдир.

Эргаш МҲАММАД

# САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номи аграр-саноат бирлашмасининг боғлари оппоқ гул бурканган, гўё баҳор бутун таровати ва гўзаллиги билан шу боғларда намоен бўлгандек. Қўк-лам қуёши уфқ сари ёнбошлаган. Далаларда иш туғади. Кимдир ишдан кейин хордиқ чиқариш учун бир пиёла чой бахонасида дўстлар даврасида чақчақлашиш учун чойхонага йўл олади. Бошқа ёрлов маданият уйига шошилади. Кўпчилик спорт комплексига боради.

Маълумки, қишлоқ турмуш маданиятининг юксалишида спорт муҳим омил ҳисобланади. Буни яхши билган Усмон Юсупов номидаги аграр-саноат бирлашмаси дирекцияси ва партия комитети бирлашмада соғломлаштириш, оммавий физкультура ишларига катта эътибор бериб келмоқда. Меҳнаткашларнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Чунончи, 5 минг кишилик замонавий стадион, область миқёсидаги турнирлари ҳам ўтказиш талабига тўла жавоб берадиган спорт комплекси бирлашма ишчилари ихтиёрида. Улар бу улкан спорт иншоотида футбол, волейбол, баскетбол, кураш, шахмат-шапка ва спортнинг шу каби бошқа 17 тури билан шуғулланишади.

— «Бизда ҳамма спортчи» шiori остида ибратли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди бирлашма бош директори Жўра Хоназаров. — Бирлашмада 4399 киши спортнинг бирор тури билан шуғулланади. Шулардан 2456 нафари ГТО нишондори, 80 киши биринчи разрядли спортчи, 20 спортчи спорт мастерлигига номзод.

Дарҳақиқат, бирлашмада

спортнинг оммавийлигини оширишида, кишиларнинг маданий дам олишини тўғри уюштириш соҳасида республикамизнинг бошқа хўжаликларига ҳам татбиқ этишга арзийдиган катта тажриба тўпланган.

Спорт меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳам кўмак берадиган воситадир. Жисмоний тарбия билан шуғулланган киши ишга тетик ва руҳан соғлом бўлиб боради. Тадқиқотчилар разрядли ишчи, ГТО нишондори спорт билан шуғулланмайдиган одамга қараганда 15—20 процент юқори унум билан меҳнат қилишини аниқлаганлар. Шунинг учун спорт шунчаки кўнгилли дам олишига эмас, меҳнат унумдорлигини оширишнинг катта резерви, одамларни тарбиялашда муҳим ижтимоий омил ҳисобланади. «Илгари бизда ишга ичиб келиш, сабабсиз ишга келмаслик ҳоллари тез-тез содир бўлиб турарди, — дейди биз билан суҳбатда бирлашманинг маданий ишлар бўйича директор ўринбосари Валентина Ламбина. — Ҳозирги кунда ишчиларнинг кўпчилиги спортга жалб этилгани сабабли бундай кўнгилсиз ҳолларга батамом барҳам берилган. Бирлашмага қарашли олти совхоз, икки завод, қурилиш ташиқоти ва транспорт корхонасида 592 та жамоатчи тренерлар тарғибий-ташвиқий ишлар олиб боради. Бу эса физкультура ва спорт ҳаракатини ривожлантиришга, оммавий мусобақаларга меҳнат коллективларини жалб этишга кўмак беради».

Айниқса жамоатчи инструктор ва тренерлардан Н. Аҳмедов, В. Умаров, У. Мустафоқуллов ва В. Силезновнинг спорт оммавийлигини кучайтириш учун амалга ошираётган ишлари таҳсинга са-

зovor. Бу спорт жонкуярлари «Бутун бригада билан — стадионга» шiori остида ўзлари ишлаб турган коллективда футбол, волейбол, баскетбол командаларини тузиб, мусобақаларда фаол иштирок этмоқдалар. Яна шунчаки айтиш лозимки, бригада ишчиларининг бирга ишлаб, бирга маданий дам олиши, бир-бирларини яхши тушунишлари, ўртадаги ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланишига ҳам олиб келади, бу ўз навбатида ишлаб чиқаришда ишнинг тўғри ташкил этилишига, иш унумдорлигининг ошишига яхши таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, бирлашманинг барча корхоналарида ишлаб чиқариш гимнастикаси ташкил қилинган, аёлларнинг «Аэробика» ритмик гимнастика клуби ишлаб турибди.

Бирлашмада физкультура ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш билан бирга юқори малакали спортчиларни тайёрлашга ҳам эътибор берилади. Чунончи, бирлашманинг «Сохибор» футбол командаси эндиликда республикамиз футбол ихлосмандларининг эътиборини қозонди. Утган йилги футбол мавсумида СССР чемпионатининг иккинчи лигасида иштирок этган «Сохибор» республикамиз футбол командалари орасида фахрли тўртинчи ўринни эгаллаб, мухлисларини хушнуд этди. Яқинда эса Усмон Юсупов хотирасига бағишлаб ўтказилган футбол мусобақасида турнир ғолиби бўлди.

Ҳозирги пайтда «Сохибор» «Пахтакор»нинг резерв базаларида бири бўлиб қолди. Бу йил команданинг аъзоси В. Цирин айни мавсумни «Пахтакор» командасида бошлади. «Сохибор»нинг яна тўрт футболчиси эса Жиззахнинг «Зведа» командасига қақирилди.

Ринат Сафийонов тренерлик қилаётган бирлашманинг чим устида хоккей аёллар командаси район биринчилигида ҳаммиша пешқадам бўлиб келмоқда, Гули Идрисова, Роза Асадова, Зулфия Мусаева каби хоккейчи қизлар ўз маҳоратларини тобора ошириб, команда муваффақиятини таъмин этмоқдалар. Бирлашманинг волейбол ва баскетболчилари ҳам область ва район миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келаётдилар.

Физкультура ва спорт мамлакатнинг иқтисодий қудратини ўстиришга, совет кишиларининг маънавий эҳтиёжини қондиришга, ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш ишига кўмак беради. Буни яхши англаган аграр-саноат бирлашмаси дирекцияси ва партия комитети спорт комплексидан иккита ёшлар спорт мактаби ташкил этди. Зоир Абдурахмонов раҳбарлик қилаётган ёшлар футбол мактабидан 90 га яқин бола тарбияланмоқда. СССР спорт мастери Аҳмед Кагармонов бошчилик қилаётган кураш мактабидан эса 60 кишидан ташкил топган икки гуруҳа самбо ва дзю-до бўйича маъқ ўтказиладилар. Москвада бўлиб ўтган XXII олимпиада ўйинларида дзю-до бўйича республикамизнинг бирорта ҳам вакили иштирок этмаганлиги афсусланарли бўлган эди. Балки кейинги катта мусобақаларда Усмон Юсупов номидаги аграр-саноат бирлашмасида тарбияланган дзю-дочиларни, волейболчиларни, хоккейчиларни учратармиз?

Усмон Юсупов номи аграр-саноат бирлашмасида физкультура ва спортни оммавийлаштириш соҳасида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Оммавий физкультура ва спортни янада юксалтириш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга янада кенгрок татбиқ этиш соҳасида изчиллик билан олиб борилаётган ишлар шундай деб ўйлашга асос беради.

Абдураззоқ ҚАРИМОВ



## А. КАРПОВ РОШКЕНТДА

Апрель ойида республика миқёсида шахмат бўйича уч марта жаҳон чемпиони Анатолий Карпов меҳмон бўлди.

У Совет тинчлик фонди правлениесининг раиси сифатида Тошкентда ўтказилган Совет тинчлик фондининг Урта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги активлари зонал семинарида иштирок этди. Жамоатчи мухбиримиз А. Карпов билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Анатолий Евгеньевич, ҳар бир спортнинг ўз йўли, спортга кириб келиш тарихи бўлади. Бинобарин, сизда ҳам шахматга бўлган меҳрини кимдир уйғотган бўлиши керак?

— Бу саволга мамнуният билан жавоб бериш мумкин. Мен ҳаммиша отам Евгений Степанович Карповдан миннатдорман. У Уралдаги корхоналардан бирида инженер бўлиб ишлаш билан бирга дам олиш вақтларида шахмат билан шуғулланарди. Болалигимданок отамнинг ёнида бўлиб, ҳаракатларини, донларни суришини зўр қизиқиш билан кузатардим. У мендаги иштиёқни сезиб, қайси донга қандай юриши кераклигини ўргата бошлади. Сирли оламга сайр қилишим шундай бошланган. Етти ёшимда учинчи, саккиз ёшимда иккинчи, тўққиз ёшимда биринчи разряд шартларини бажардим. Ҳа, беш ёшимда эса спорт мастери бўлдим.

Шахматни ҳам санъат, ҳам

спорт деса бўлади. Қадимдан дошизмандлар ўйини деб аталган спортнинг бу тури маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У ҳаммиша хушёр бўлишга, вазиятни тўғри баҳолашга, имкониётларни аниқлашга ундайди.

— Сиз Совет тинчлик фонди правлениесининг раиси сифатида бизнинг республикада бу соҳада олиб борилаётган ишларга қандай баҳо бераёсиз?

— Совет тинчлик фондининг фаолияти тинчликни химоя қилиш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, социал тараққиёт ривожини ишга қатнашга кўшишдан иборат. Шу бондан ҳам мамлакатимиз халқлари бу хайри ишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ишчилар, қолхозчилар, зиёлилар тинчликни мустаҳкамлашни ўзларининг биринчи галдаги инсоний бурчлари деб билаётганликлари таҳсинга лойик. Бу борада Ўзбекистонда ҳам салмоқли ишлар қилиняпти. Утган йили Рес-

публика тинчлик фонди томонида диққатга сазовар ишлар амалга оширилди. Совет тинчлик фонди ҳисобига Ўзбекистонда миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказилди. Бу соҳадаги ишлар давом этмоқда.

— Республика миқёсида меҳнаткашлари, шахмат мухлислари сизни энг аввало жаҳон чемпиони сифатида танишади. Шу нуқтани назардан қараганда, Ўзбекистонда бўлган чорингизда нималарга эътибор бердингиз?

— Тошкентга келишимдан яна бир асосий мақсадим сентябрь ойида тож даъвоғари Гарри Каспаров билан бўладиган учрашувга тайёргарлик қўриш эди. Тўғри, бу сафар мен мухлисларни хушнуд этолмадим. Умуман олганда, бир вақтинг ўзида бир неча шахматчи билан дон суришни ниҳоятда ёқтираман. Аммо бўлажак матчининг маъсуляти бир мuddат шахматни унутишни тақозо этди. Бироқ бу жисмоний тайёргарлик машғу-

билдирмади. Мен умуман стол теннисни бу сузиш билан шуғулланишни биринчи галдаги вазифам деб биламан, улар умумий жисмоний тайёргарликни тақомилига етказишга ёрдам беради. Мусобақаларнинг савияси қанча баланд бўлса, иштирокчилардан шунча катта масъулият талаб қилинади. Жаҳон биринчилиги учун ўтказилган навбатдаги матчнинг моҳиятини ҳар бир спорт муҳлиси яхши тушувса керак.

— Анатолий Евгеньевич, сизнинг «Танланган партиялар» асарингиз ўзбек тилида чоп этилди. Шу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Китобимнинг ўзбек тилида нашр этилишидан ниҳоятда миннатдорман. Мен ўзбекистонлик шахматчилар орасидан кўпроқ Георгий Аъзамов сингари гроссмейстерлар етишиб чиқишига тилақдошман. Бу китоб ана шундай эзгу орзунинг амалга оширилишида шахматчиларга ёрдам берса, янада хурсанд бўлардим.

— Гап шахмат ҳақида бораётган экан, ўзбекистонлик муҳлисларга қандай тилақларингиз бор?

— Ўзбекистонлик ишчи ва хизматчилар орасида шахмат муҳлислари жуда кўп эканлигига бир неча марта ишонч ҳосил қилганман. Сўнги марта ўтказилган ва яқунланмай қолган — жаҳон чемпионлиги учун бўлган матч давомида менга жуда кўп ўзбекистонлик шахмат муҳлислари хат йўллаб туришди. Улар қийин ва мураккаб матчда омад тилашди. Бинобарин, бу ерда спортнинг қадимий турига бўлган қизиқиш жуда катта. Яна қайтариб айтаман, республикангиздан яхши, машҳур шахматчилар етишиб чиқишига тилақдошман. Менга «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» — «Вечерняя Алма-Ата» газетхонлари ўртасида ўтказилаётган шахмат матчи партияларини кўрсатишди. Буни табриклаш керак. Шахмат қадимдан тинчлик, дўстлик рамзи бўлиб келган. Бу сарф ҳам у ўзининг олижаноб вазифасини бажармоқда. Гап натижа қандай бўлганлигида эмас. Асосийси — дўстликини мустаҳкамлаганида. Матч шахматни янада оммалаштириш учун шароит яратган.

— Анатолий Евгеньевич, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари сизда қандай таассурот қолдирди?

— Бу шаҳарлардан олган таассуротларимни ҳеч қачон унутмайман. Тошкентдаги «Динамо» теннис саройи ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шаҳардаги тарихий ёдгорликлар ҳам кишининг завқини кўзғатади. Бу ердаги замонавий кўпқаватли бинолар юксак дид билан қурилган. Самарқанддаги қадимий обидалар эса ўзининг оригиналлиги, гўзаллиги билан бир умр эсда қолади. Умуман, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, саҳийлигига қойил қолдим. Мен уларга мамлакатимиз «оқ олтин» хирмонини бунёд этишда омад тилайман.

Сухбатни  
Маматурсун ОТАХОНОВ  
олиб борди.



## ИКИР-ФИКРЛАР

Орият

«Кўнглим бўш бўлгани учун бировнинг қўлини қайтара олмайман, совға оламан. Шунинг учун мени «порахўр» эмас, «совғахўр» дейишингизни илтимос қиламан».

(Пора билан қўлга тушган кишининг судда айтганлари)

\* \* \*

«Жувонмарг, деган сўкишни жувонморг, деб ишлатиш мақбулдир, аеро, бу сўз жувон, яъни ёш, морг — мурда сақланадиган жойдан ташкил топгандир».

(Бир чала муланинг таклифи)

\* \* \*

«Катта шоирларнинг девонларидаги жамийки қофияларни ёдлаб олдим, энди ғазал ёзаверсам бўлаверадими?»

(Еш қаламкашнинг шоир билан учрашувда берган саволи)

\* \* \*

«Бугун қишлоғимиз тарихида эсда қоладиган оламшумул воқеа содир бўлди: 99-бўғча кичкинтойлари биринчи синфга ташриф буюрдилар».

(Редакцияга келган хатдан)

\* \* \*

«Ошхона мудирдан: «Нега овқатлар бемаза?» — деб сўраган эдик, у: «Овқатимиз бемаза бўлса, гапимиз ширин», деб қулди. Ахир, ширин гап қорин тўйдирмайди-ку!»

(Шкоятдан)



Лаганбардор: — Тўра Тўраевич, мен сизни қаттиқ танқид қилмоқчиман. Сиз иш юзасидан ўзингизни сира аямайсиз, курортга бормайсиз...

Атторлик дўқони ёнидан ўтиб кетаётган қизлардан бири дугонанинг тиреғидан ушлаб тўхтатди:

— Ҳой меров, сийнабанд олмоқчи эдинг-ку?

Дугонаси шоп мўйловли йигитга ишора қилиб бурнини жийрди:

— Девдай йигит экан, сўрашга уяламан.

## Латтачайнар

Райондан келган вакил турнақатор тизилиб турган пахта териш машиналарига ишора қилиб, колхоз раисидан сўради:

— Мамаюсуф ака, нега айни терим пайтида машиналарни ишлатмай, қантариб қўйибсиз?

— Энди... ҳалиги... — деб чайналди колхоз раиси.

— Нима «ҳалиги»?

— Машина пахтани чайнаб ташлайди, сифатини бузади, — деди раис.

— Бекор айтибсиз, — деди вакил зарда билан. — Антимеханизаторларнинг баҳонаси шунақа бўлади. Вилиб қўйинг: пахтачайнар машина бўлмайди, латтачайнар одам бўлади!

И. АБДУЛЛА

## ЖАСУР ЙИГИТНИНГ ХАТИ

Еш йигит севгилисига хат ёзди: «Жонгинам! Мен сиз учун денгизни сузиб ўтишга ҳам, ўзимни жарга ташлашга ҳам тайёрман! Ҳар қандай қийинчиликлар сизни кўришимга тўсиқ бўлмайди! Агар... ёмғир ёғиб қолмаса яқшаба куни сиз билан албатта дийдор кўришамиз».

ИБРАТЛИ ГАП

Донишмандни туғилган куни билан қўтлагани келган меҳмонлар унинг соғлиги учун қадах кўтаришди. Донишманд эса бир пиёла сув кўтарди. Меҳмонлар

ажабланишган эди, донишманд шундай деди:

— Сувдан дов-дарахтлар, дала-лар яшнайди, ҳаёт гуллайди, ичкиликдан бўлеа умр сулади, ҳазон бўлади. Сувни кадрламай умр заволи бўлган ичкиликни ичайми?

МАНТИҚЛИ ГАП

Беш яшар болага онаси деди: — Жуда қайсарсан, ўрнингга бошқа яхши болани ўғил қилиб оламан!

— Мендақа ёмон болани ким ўзининг яхши боласига алмаштиради? — деб эътироз билдирди бола.

Тургунбой ҒОНИБОВ



Ишга доим кечикиб қолади...



Касса олдида эса биринчи.

Расм — масал

Айяқ полвон: Характеристикангиз яхши экан. Сизни товуқ фермасига мудир қилиб тайинладик, фермани гуллапайинг.



Расмларни Н. Иброҳимов чизган

# ИПИРИСКИ ОДАТЛАР

Кутби НОСИРОВА

Машина эшик олдида гийк этиб тўхтади. Таксидан тушган Йўлдошали машинага илинган туморни ширт этиб узиб олди-да, шаҳд билан ҳовлига кирди. «Ҳорманг, адаси», дейишга оғзини жуфлаб-аган хотини Гулсарахонга қараб:

— Бу ирим-сиримларинг мени номусларга ўлдирди. Шу бугун уч кишидан дакии эшитдим, — деди туморни этиб юборди.

— Вой, бу тумор сизни ҳар қандай фалокатдан асрайди-я, — деди хотини гапни бермай. Йўлдошали ишга шошарди, бурилиб кетабшолди.

— Ошнинг хомига ўн сўм бериб кетинг, — деди Гулсарахон. — Яна қанақа ошхоми? — энсаси қотди Йўлдошалининг.

— Қачон тугайди бу ошхоми? Телевизорда кўрсатапти, радиода гап-раптапти, газет-журналда ёзапти. Сенларга бу гаплар таъсир этадими, йўқми?.. Илғор маҳалла, Донгдор маҳалла, Зарбдор маҳалла аллақачон бундай ипириски одатларни йўқотган. Бизнинг, Тугунбоши маҳалласида ҳали тугатилмаган.

— Зарофатхон мавлуд ўқитаяпти, адаси, — деди Гулсарахон нарво қилмай. — Отинийига ҳам беш сўм назир бериш керак. Тақис шофёрининг хотини бўла туриб бир сўм беришга уялман. Назир берасак, ота-онанингизин арвоҳи қувонади. Назирни рози бўлиб беринг. Бўлмаса, ипингиз юришмайди.

— Вир иримчиёвни! — деди Йўлдошали. Аммо «ота-она арвоҳи» ўртага тушгани учун чўнтагидан иккита ўн сўмлик чиқариб хотинига узапти-да, жўнаб кетди.

Гулсарахон ҳам ўзи айтган жойга отланишга тушди: «Кимсан таксиднинг хотиниман», деди у ўз-ўзига. Янги чиққан «ялтирасин» кўйлагини кийди. Бор зеб-зийнатларини тақди. Аллақачон — ердан пул олмасидан олдин ошнинг хомини қатта бир сафар халтага жойлаб қўйган эди. Кўтармоқчи бўлдию ердан узиб ололмади. Кўча эшикка чиқди. «Зора-мора битта-яримта ўтиб кетаётган бўлса, кўтарворишарди, — дея ўзича пичирлади у. Шу пайт кўчада келаётган кизига қўйи тушди. — Мактабдан барвақт қайтибми? Папкаси қани? Бунча бўшашади?»

— Ҳа, бунча имиллаётганми? Вой, нега йўлгадир?

— Тўлиб турган қизнинг кўзидан дувиллаб ёш тўкилди.

— Сизга айтганим-ку, зирагимга кўзумуқок тақманг деб. Ўқитувчимиз бутун синф ичида нзаа қилди. «Зирак, узук тақ-

манглар. Сизларга ким қўйибди узук тақисни? Энди еттинчи синф ўқувчиси бўлсанглар», деди. Мени мисол қилиб кўрсатиб уришди. «Кўзумуқоқнинг нимаси?» деди.

— Бекорларни айтибди ўқитувчинг. Ўзим эртага бориб гаплашаман, ҳаққи йўқ бундай дейишга, — деб жинллади Гулсара.

— Доим шундай дейсан, ҳечам бормайсиз-ку мактабга, — деб хикиллади қиз.

Гулсарахоннинг кўнгли гаш тортиди. «Боя ўша пулни эрим жонини сугургандай зўрга берувди. Мана ноқушлик!» дея дилидан ўтказди.

— Мактабнинг боравер! — деди кизига.

— Қулдонингдаги зирагингни ташлаб кел, дедилар оламиз, — деди кизи.

Она-бола ўшнинг хомини зўрга кўтариб кўчга чиқишди...

Гулсарахон отинийининг гапларига қулоқ солиб ўтирди. «Назирни қадрингизга етадиган кишини толиб беринг, ҳаммага ҳам бераверманг», деди отинийи. Гулсара бу гапга ҳайрон бўлди: «Яъни кимга? Ким қадрингга етса, шунга, яъни узундан узук дуо этувчи отинийига?»

Гулсара ўтирганларга раэм олди. Биров норин чимчиб «б ўтирибди. Биров эснаяти. Биров мудраптапти. «Мовлуд кимга ўқилаяпти ўзи! Мовлуд ўзи нима?» ўтирган хотинлар шунчаки вақт ўтказиш, уй эгасининг кўзи учун ўтирганни сизди Гулсарахон.

Мовлуд тугади. Отинийига юз сўмга яқин пул тушди.

Пул чўзаётганлар уй эгасининг мавқега қараб, атайлаб ҳаммага кўрсатиб бераётганларини сезиб қолди Гулсарахон.

Отинийига сариб қўйилди. Отинийи уларни титкилаб кўрди: «Мен бунақа материал киймайман. Айтинглар, пулни берақолсин», деди. Раэм солиб турган Гулсарахоннинг энсаси қотди: «Бояддан бери ўқиган насиҳати қани? Қамтар бўлинг, таъмагир бўлманг, деган эди-ку! Айтган гапига ўзи амал қилмапта-ку?»

Аёлининг отинийидан ихлоси қайтди. «Бу отинийига ҳам боради. Ер-ёр, келин салом айтиб юради», деб бир-бирига пичирлаган хотинларнинг гапини эшитиб, баттар кўнгли қолди. «Отарчилардан фарқи йўқ экан-да», деб қўйди ўз ўзига.

Тугунбоши маҳалласининг аёллари мовлуддан тугунларини қаппайитриб қайтишди. Чунки, ҳар бир тугунда ўн тўрттадан нон ва бошқа майда-чуйдалар тугилган эди.

# ТОШКЕНТ БИЛЛУРИ

Магазин тоқчаларига терилган мусаффо, зилот сувдек тиник, жарангдор биллурлар фаровон турмушимизнинг рамизи сифатида хонадонларимизга, мезбон учун безатилган тўқин дастурхонимизга янада файз қиритмоқда. Унга қўйилган ноз-неъматлар кишининг эътиборини ўзига тортади.

Хўш, биллур нима? У қандай тайёрланади?

Қадимда кўп минг йиллар давомида тоғларнинг емирилиши, зилзалалар бўлиши, сувлар топиши ва вулконларнинг отилиши, минг даража иссиқликка тенг бўлган лаваларнинг асрлар бўйи оқиши ва унинг таъсирида тоғ тошларининг эриши натижасида минераллар ҳосил бўлганидек, тоғ биллур ҳам ана шу тариқа пайдо бўлган. Тоғ биллурининг қуёш нурида жилоланиб туриши авлод-аждодаларимизни ўзига маҳлиб этган. Шу сабабли бўлса керак, қадим ўтмишида мисрликлар билан юнонлар тоғ биллурни парчаларини тоғлардан келтириб, ҳар хил мақсадларда — маржон, сиёҳдон, муҳр тайёрлашда ва иншоотлар қуришида фойдаланганлар. Юнонлар уни тошга айланган муз, деб билганлар. Шу сабабли юнончадан таржима қилганда тоғ биллур «совуқ» ёки «муз» деган маънони билдиради.

Тоғ биллурни жило берибгина қолмай, темирдек мустаҳкам ҳамдир. Шунинг учун бўлса керак, тош давридаги жамоалар уни ўқ-ёйларда, рўзгорда ва қатта-қатта дарахтларни илдиридан қўпо-ришда ишлатганлар. Бундай бурол-аслаханлар ва уй-рўзгор қуришдаги Арманистон территориясидаги «Сатани-дар» деб аталадиган тепалиқдан топилган.

Тоғ биллурни олмос ёки бриллиант каби ноёб бўлганда эди, у ҳам қимматбаҳо тошлар каби қадрланган бўлур эди. Чунки у нафислиги жиҳатидан олмос ва бриллиантдан қолишмайди. Шу сабабли тоғ биллурига бўлган қизиқиш инсониятнинг сунъий биллур яратишга даъват этди.

Шиласозлик сановати Мисрда фиръавлар династияси даврида анча ривожланди. Бу даврда қум билан тайёрланган аралашмалар махсус печларда 1 минг 100 даражали иссиққача қиздирилиб, ҳар хил шакллар тайёрланган эди. Бу шакллар орасида тақинчоқлар ва уй-рўзгорда ишлатиладиган буюмларнинг яхши эримаган, пуффакчали шшадан ясалганлиги яна ҳам сунъий шиласозлик сифатини оширишга қизиқишни қучайтиради. Мисрликлар бош-лаб берган бу тармоқ римликлар, юнонлар ва кипрликлар орасида ҳам кенг ёйилди.

Археологлар Урта денгиз ва Қора денгиз атрофларида ўтказилган қазилмалар даврида бу

ерда бир нечта шиша ишлаб чиқариладиган устахоналар мажмуида аниқландилар. Бу устахона нафислиги билан бошқа буюмлардан ажралиб туради.

Кейинчалик бошқа Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ҳам биллур маҳсулотларга қизиқиш пайдо бўлди. Археологлар томонидан топилган ва Лондон музейи павильонда сақланаётган ва «Портланд қўраси» деган ёзув битилган, номаълум уста томонидан ясалган печь ҳовиз сёҳатчиларни, айниқса, мутахассисларни ҳайратга солмоқда...

Афронистон территориясида совет-афгон археологлари томонидан «Тилла тепа» деган ялангликда қазилмалар олиб борилар эди. Шу дамба қум ўпирилиб, одам сизидан тешикча ҳосил бўлади. Археологлар кириб қарашса, бу ерда етти қабр бўлиб, уларнинг ичида бир қанча тилла ва жавоҳир каби қимматли бўлганлигидан ҳайратга беради.

Фан-техниканинг мислсиз тарққиети натижасида мамлакатимизда биллур сановат асосида ривож топди.

Бу соҳанинг қилдиргочи саналган Гусь-Хрустальный шаҳридаги биллур заводида тайёрланаётган биллур буюмлар чиройли, бежирим ва жарангдорлиги билан ажралиб туради. Республикаимизда ҳам биллур идишларга талаб ошганлиги сабабли 1970 йилдан бери Тошкентдаги «Миконд» заводи қошида бундай буюмларни ишлаб чиқарадиган цехлар ташкил этилди. Завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар арзон ва сифатли бўлиб, аҳоли эътиҳини тўла-тўқис қондирмоқда.

Бу ерда маҳсулот асосан қум, сурик, глинозем, поташ ва селитра аралашмаларидан тайёрланади. Биллур таркибига қўпи билан 0,01 процент темир оксиди бўлиши керак. Майдаланган, қуритилган, элаб бункерларга солиб тортилган моддалар аввало аралаштирилади, сўнгра эса махсус печларда 1350—1380 даражада эритилади. Чўғдай эриб турган эритманга най трубкаларда пуф-лаб стакан, рюмка, фужер ва шох, пресслар ёрдами билан қуйма ваза ва гулдон каби буюмлар ясалади. Ясалган буюмлар яна печларда 600—650 даража атрофида секин-аста совитилади. Кейин олмосли станоклар ёрдамида ва қўлда унга ҳар хил гуллар ва чизмалар чизиб, кимёвий йўл билан жило берилади. Мана шундан сўнг маҳсулот тайёр бўлади. Сиз магазин расталарида кўрадиган нафис ва жарангдор биллур-



лар ҳам қўлигул инсоннинг завоати билан вужудда келгандир. Билдур маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи республикамиздаги ягона заводга малакали инженер кадрларни асосан Беруний номидаги Тошкент Политехника институтига етказиб бермоқда.

Республикамизда билдурсолик саноатига асос солган мохир ишчилар — печка ясовчи Х. Асатуллаев, слесарь Э. Енелеев, шпаша пиширувчи М. Муҳиддинов, электриклар М. Файзиёв, Ҳасан ва Ҳусан Ёқубовлар, слесарь А. Тарасовга ўхшаган юртдошларимиз билан фахрланасан арзийди.

Ҳа, заводнинг билдур тайёрлаш цехида кўп миллат вакиллари: руслар, украинлар, молдаванлар,

ўзбеклар, тожиклар, татарлар, қозоқлар — жами 31 миллат вакиллари бир оила аъзоларидек самарали меҳнат қилмоқдалар.

«Миконд» заводнинг фахри бўлган уруш ва меҳнат ветеранларидан шпаша пиширувчи Ҳ. Бурҳонов, прессловчи Т. Жўраев ва бошқалар ўз касбининг усталари ҳисобланадилар. Айни вақтда улар ёш ишчиларга мураббийлик қилмоқдалар. Бу усталар 120 нафардан ортиқ шогирдлар тайёрладилар.

Тошкент метросининг «Ўзбекистон» станциясидаги билдур қандилларни ҳам «Миконд» заводнинг қўлигул ишчилари тайёрлашган. Нафис бу билдур қандилларга меҳнат ветерани, шпаша

дуфловчи Альфред Лисенко сингари мохир ишчилар ҳамда СССР Рассомлар союзининг аъзолари В. В. Дудин, Ж. Г. Забудский, И. А. Егорова сингари рассомлар жило беришган. «Пахтагули», «Ёз», «Гунча», «Наргиз», «Гулистон», «Панжара», «Тўлқин» деб рамзий номланган чиройли билдур буюмлар харидорларнинг эътиборини тортмоқда. Ҳозир бундай билдурлар Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Арманистон, Озарбойжон ва Грузия республикаларига, Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқ шаҳар ва кишлоқларига кўплаб жўнатилмоқда.


Заводнинг «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарида корхонанинг аjoyиб кишилари шаънига кўп

лаб миннатдорчилик сўзлари битилган. «Сизнинг заводингизга киришга муяссар бўлганимдан хурсандман, — деб ёзди РСФСР халқ артисти В. Шалевич. — Шундай чиройли ва бежирим, халқ учун керакли бу ишларингизда катта муваффақиятлар тилайман».

Дарҳақиқат, ўзбек билдурининг шухрати тобора ортиб бормоқда. Бу, Улуғ Советлар оиласида камол топаётган юртдошларимизнинг омирқоллигиндан далолат беради.

Абдулла ИСМАТОВ,  
химия фанлари доктори  
Турсунмурод ИСМАТОВ,  
«Миконд» заводи инженери

## КРОССВОРД



**Энига:** 7. Ўзбек халқ рақс куйи. 8. Рус флотининг атоқли адмирал. 11. Самарқанд областидаги шаҳар. 15. Бинокорлик материали. 18. Адабий тўпلام. 19. Ер текислашда қўлланиладиган трактор. 20. Белорус халқ шoirи. 21. Ип газлама. 22. Тожикистондаги шаҳар. 23. Уругидан зирavor тайёрланадиган ўсимлик. 27. Бегона ўт. 28. Парранда. 29. Дарахт тури. 30. Ўзбек халқ макомларидан бири. 31. Зеб-зийнат буюми. 36. Миллий музика асбоби. 37. Уаун думли митти куш. 38. Ноёб чопқир ҳайвон. 39. Ленинграддаги машҳур музей. 40. Атоқли совет селекцияер олими.

**Бўйига:** 1. Бугдой нави. 2. Чаковский асари. 3. Дурадгорлик асбоби. 4. Абхазиядаги курорт шаҳар. 5. Урта Осиёдаги тоғ. 6. Миллий ширинлик тури. 9. Биринчи ўзбек совет генерали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 10. Атоқли рус совет драматурги. 12. Еритқич тури. 13. Қишлоқ хўжалиги техникаси мутахассиси. 14. Оғир саноат тармоғи. 16. Гул турларидан бири. 17. Қаҳрамон шаҳар. 24. Электр алоқа воситаларидан бири. 25. Халқ оғзаки ижоди жанри. 26. Емғир ёғиб ўтгандан сўнг рўй берадиган табиат ҳодисаси. 32. Автоном республика пойтахти. 33. Чорва озуқаси. 34. Яқин Шарқдаги давлат. 35. Ҳунарманд.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

### 4-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

**Энига:** 5. Романовский. 8. Дурадгор. 9. «Зевархон». 12. Робот. 14. Малина. 18. Пўлкан. 19. Трактор. 20. Сейсмограф. 21. Уймакоржик. 24. Ундалма. 26. Волков. 27. Тарлон. 29. Ажрик. 32. Лишайник. 33. Оратория. 34. Номозшомгул.

**Бўйига:** 1. Пловдив. 2. Обигарм. 3. Жазоир. 4. Асбест. 6. Дурбин. 7. Комила. 10. Обаки. 11. Баскетбол. 13. Мангишлоқ. 15. Антонов. 16. Атиргул. 17. Трамвай. 18. Пискент. 22. Наср. 23. Украин. 25. Графит. 28. Қайроқи. 29. Азизов. 30. Қурама. 31. Мабуот.

### МУҚОВАДА

Биринчи бет: Бахтли болалик.

Т. Горяева фотоси.

Иккинчи бет: «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиларидан бир гурухи.

В. Мосин фотоси

(Унгдан чапга) Бувайда район партия комитетининг биринчи секретари Максудали Ҳайдаров, «Партия XX съезди» колхозининг 5-бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллажон Рўзалиев, шу колхозининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Мамадали Усмонов, М. И. Калинин номидаги колхоз бригада бошлиғи Абдуманноп Кўкиев.

Т. Ҳамроқулов фотоси

Тўртинчи бет: Еш сузувчилар.

В. Мосин фотоси.

Манзара.

М. Штейн фотоси

### Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ (бош рассом), М. МУЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЙУМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ҲАЙДАРОВ, О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-дожественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор-333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь—325833; ижтимоий-сийсий бўлим—333602; адабиёт ва санъат бўлими—333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими—325832.


Босмахонага туширилди 18.04.85й. Босишга рухсат этилди 20.05.85 й. Р—05829. Қогоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. Ботиқ усулда босилди. Фотонабор. Шартли босма тобок 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 211782. Буюртма 580. Нашр А-114.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наприётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Првад Востока» кўчаси, 26.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларга қайтарилмайд.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

# ТОШКЕНТ БИЛЛУРИ



Қарасангиз, кўз қувонади.

Биллурмисан биллур...



Қадаҳлар гулдастаси.

Идиш



Кулдон.

